


МИНИСТЕРСТВО ПО РАЗВИТИЮ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
И КОММУНИКАЦИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОЕ ОБЩЕСТВО РАДИОТЕХНИКИ,
ЭЛЕКТРОНИКИ И СВЯЗИ УЗБЕКИСТАНА

МУХИТДИНОВ М. М.

**СТАТЬИ, ВЫСТУПЛЕНИЯ И ИНТЕРВЬЮ ПО НАУКЕ,
ОБРАЗОВАНИЮ И ПОДГОТОВКЕ ҚАДРОВ**



**ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ
БЎЙИЧА МАҚОЛАЛАР, ИНТЕРВЬЮЛАР
ВА ЧИҚИШЛАР**

Ответственный редактор:

Кандидат технических наук, доцент *Исакулов Ж.*

Рецензенты:

Доктор педагогических наук, профессор *Омонов Х. Т.*
Доктор педагогических наук, профессор *Махмудов Ю. Г.*

725573

Подписано в печать 11 ноября 2016 г. Формат 60×90^{1/16}. Печать офсетная.
Гарнитура «Times New Roman». Кегль 11. Условно печатный лист 22,5.
Издательский печатный лист 20,9. Тираж 200 экз. Заказ №674.

Отпечатано в ООО «NISO POLIGRAF».
Ташкентский вилоят, Урта Чирчикский туман,
ССГ «Ок-Ота», махалля Машъал, улица Марказ, дом 1.

*Посвящая светлой памяти отца,
неутомимого труженика,
беззаветно служившего на благо народа.*

ВВЕДЕНИЕ

Чувствовать величие эпохи – это настоящее счастье, осознавать себя современным человеком, личностью, творцом нового. Всё это дает наука и образование, увлекающие человека на путь правды, добра и жажды творчества.

Успешная реализация реформ, модернизация экономики определяется уровнем развития науки и образования.

Одним из важнейших стратегических решений, принятых в первые годы независимости нашей страны, было введение тестового метода при приеме в высшие учебные заведения. Этот решительный шаг, сделанный в первые годы независимости, изменил сознание людей, укрепил веру в справедливость и объективность системы тестирования. Узбекистан первым среди стран СНГ на государственном уровне внедрил в 1992 году систему тестирования при приеме в высшие и средние специальные учебные заведения.

С целью эффективного использования современной компьютерной техники и технологии, обеспечения высокой степени защиты, адекватности оценки уровня знаний и интеллектуального развития молодежи впервые в Узбекистане разработана и внедрена многовариантная система тестирования.

Многовариантная система тестирования, базирующаяся на компьютерной генерации вариантов тестовых заданий по направлениям образования, специальностям и языкам обучения, впервые была применена в 1996 году в тестовых испытаниях при приеме в высшие и средние учебные заведения. Программные продукты многовариантной технологии и интегрированной системы автоматизации Государственного центра тестирования (ГЦТ) защищены многочисленными авторскими свидетельствами Государственного патентного ведомства Республики Узбекистан.

Ежегодно выпускаемый с 1996 по 2002 год аналитический материал итогов тестирования, характеризующий степень реализации Национальной программы по подготовке кадров, позволяет опреде-

лить тенденции в образовательном комплексе республики, качество и уровень подготовки в школах, лицеях и колледжах. Этот период характерен укреплением доверия к системе тестирования в республике.

Количественный анализ абитуриентов по регионам, высшим учебным заведениям и направлениям образования наглядно иллюстрирует приоритеты, престижность профессий и конкурентоспособность.

Анализ таких качественных параметров, как средние, проходные и максимальные баллы, эффективность ответов на тестовые задания повышенной степени сложности, дисперсия этих показателей по регионам, учебным заведениям в динамике, обеспечил получение многомерной модели качества работы образовательного комплекса республики.

Многовариантная система тестирования позволила осуществить объёмный мониторинг качества подготовки выпускников сельских и городских школ по областям, направлениям образования, предметам и языкам обучения.

Спектральный анализ эффективности ответов абитуриентов, полученный на основе статистической обработки результатов тестирования, обеспечивает визуализацию степени освоения предмета, глубины и прочности знаний по его разделам, позволяет определить перспективы радикального совершенствования процесса обучения, даёт научно-обоснованные рекомендации по созданию новых педагогических технологий, учебников и учебных пособий.

Реформы, интенсивно проводимые в различных отраслях экономики, производства, социальной сферы нашей страны настоятельно требуют наращивания интеллектуального потенциала общества. Любая новая актуальная и сложная задача немислима без эффективного участия ученых. Поэтому наше развивающееся государство жизненно заинтересовано в росте как количества научных кадров, так и их качества. Можно смело утверждать: в современном мире уровень развития науки определяет и уровень развития данного общества. Именно поэтому формирование научного потенциала – одна из важнейших стратегических задач нашего государства.

Реализация Национальной программы подготовки кадров, их конкурентоспособность остро ставит вопрос подготовки научно-педагогических кадров высшей квалификации, обеспечивающих высокий уровень и качество обучения в ВУЗах, академических лицеях и колледжах. Поэтому перед ВАКом поставлена стратегическая зада-

ча повышения требовательности к качеству диссертационных работ, адекватности интеллектуального и профессионального уровня соискателей, обеспечения объективности и независимости государственной экспертизы.

Исходя из этих задач, впервые в Узбекистане разработаны и внедрены системы мониторинга: диссертационных тем, научно-педагогических кадров, приёма аттестационных дел и процедуры их рассмотрения, эффективности работы научных руководителей и оппонентов.

Созданная база данных диссертационных работ за 1992-2004 гг. открывает уникальные возможности получения пространственных гистограмм распределения основных показателей диссертации и данных соискателя.

Впервые в Узбекистане разработана и внедрена система электронной экспертизы диссертаций.

Созданы новая компьютерная система и программа экспертизы результатов статистической обработки и достоверности положений и выводов диссертации. В работе показано, как широкое применение современных информационных технологий и компьютерной техники на всех этапах (от приема аттестационных дел, распределения по рецензентам и т.д.), обеспечивает конфиденциальность процедуры рассмотрения.

На основе статистического анализа получена объемная информация о состоянии подготовки научных и научно-педагогических кадров, деятельности спецсоветов, качества диссертаций и т.д.

Период середины 90-х годов и начало 2000 года в последующие годы характеризовался интенсивными реформами системы высшего и среднего специального образования, принятием и реализацией Национальной Программы подготовки кадров, повышением качества обучения, структурными преобразованиями системы образования, разработкой новых учебных планов и программ подготовки бакалавров и магистров, обеспечения учебниками и учебно-методическими пособиями, развитием материально-технической базы ВУЗов и ССУЗов.

Широкое внедрение инфокоммуникационных технологий в обучении дало мощный импульс инновационным процессам в образовании, повышению качества, интенсификации обучения.

Оглядываясь на прошедший период, глубоко ощущаешь время перемен. Формирование интеллектуального потенциала республики, воспитание личности, творца новой эпохи.

Дискуссии на страницах газет, радио и телевидения по животрепещущим проблемам образования, науки и подготовки кадров с высоким уровнем профессионализма, заряжали на новые идеи и оригинальные решения.

Самые актуальные, сложные вопросы и проблемы реализации реформ высшего и среднего специального образования, развития научных исследований заставляли нас генерировать новые решения, направленные на интенсификацию развития образования и науки, поиски эффективных путей реализации реформ.

В этом плане, анализируя опубликованные статьи, выступления и диалоги с журналистами, приходишь к выводу, что многие из них могут быть интересными, полезными и сегодня.

Поэтому судить Вам – специалистам и читателям – насколько полезна систематизация в одной книге публикаций по образованию, науке и подготовке научно-педагогических кадров.

От автора.

ДИПЛОМГА ЭМАС, БИЛИМГА ИНТИЛИНГ

Маълумки, шу йил бошида давлат комиссияси тузилиб, унга республикада кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди.

Президентимиз раислигида шу масала юзасидан ўтказилган мажлисда таълим-тарбия тизимини ислох қилиш, унга ўзгартишлар киритиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди ва дастурий вазифалар белгилаб олинди. Умуман, бу вазифаларнинг моҳияти тегран ва бекиёсдир.

Хўш, таълим-тарбия тизимида ва умуман, миллий кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотлар нималардан иборат?

Табиийки, миллий дастурни тузишда, аввало, мутахассисларнинг сифатини яхшилашга эътиборни қаратиш лозим. Ҳозир ҳар бир педагог, ҳоҳ у мактабда, ҳоҳ олий ўқув юртида бўлсин, ўз билими, кўникма ва малакасини мунтазам ошириб бориши талаб этилади. Бунинг учун нима қилиш керак? Президентимиз айтганларидек, талантили ва салоҳиятли ёшларимизни тараққий этган мамлакатларга малака оширишга жўнатиш лозим. Демак, ривожланган давлатларга бориш учун чет тилларни ўрганиш зарур бўлади. Шу сабаб, тил ўрганишнинг энг самарали услублари жойларда кенг жорий этилиши керак.

Сифатни яхшилашнинг яна бир йўли ўқув жараёнини такомиллаштиришдир. Бунинг учун мажлисда таъкидланганидек, дарсликлар мазмуни юқори савияда бўлиши керак. Чунки мактабда ҳам, олий таълим тизимида ҳам ҳамон эски дарсликлар қўлланилмоқда. Айниқса, ҳозир ўзбек тилида янги дарсликлар яратиш муаммоси жиддий бўлиб турибди. Энг аввало, тажрибали ва билимдон олимларни, кўп йиллар ёшлар билан ишлаган, сабоқ берган, мулоқотда бўлган мутахассисларни бу ишга тезликда жалб этмок лозим. Токи, қайта ишланган дарсликлар ёшларимизнинг онгига, юрагига сингадиган, чуқур ўрнашадиган бўлсин.

Бошқа бир жиддий масала – бу ёшларимизни мустақил фикрлашга ўргатишимиздан иборат. Зеро, бусиз турмушимизда жиддий силжишлар содир этиш мушкул. Бунинг учун даставвал, ўқитувчининг ўзи чуқур билимга эга бўлиши, талабаларни мустақил фикрлашга даъват эта олиши керак.

Аслида, мустақил фикрлаш демократия нишонаси. Шу жиҳатдан караганда, юртбошимизнинг ташаббуси билан Давлат тест маркази ташкил этилиши, мамлакатда тест синовларининг жорий қилиниши

хам демократик принциплардан биридир. Қолаверса, буни адолат мезони сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Дейлик, ўқувчи компьютер қошида имтиҳон топширди. Табиийки, машина мутахассис билимини субъектив эмас, объектив баҳолайди. Бу амалда ягона тизим яратишга асос бўлади. Ягона тизимда эса боланинг билимга муносабати тубдан ўзгаради. Негаки, у кириш имтиҳонларини тест синови орқали топширгач, институтдаги ўқиш жараёни ҳам осон бўлмаслигини олдиндан англайди.

Биз янги ўқув йилидан бошлаб битирувчиларнинг билимларини аниқлайдиган тест саволлари жамғармасини тузмоқчимиз. Битирувчи ўз мутахассислиги бўйича тегишли саволларга жавоб беради. Компьютер эса ёш мутахассисга дарров жавоб қайтармайди. У тўла тест саволлари жамғармаси талаблари бўйича балл чиқаради. Бу балл муайян даража билан белгиланади ва битирувчига ўша даражадаги диплом топширилади.

Ҳозир дипломга эмас, билимга интиладиган замон. Чунки илм ҳамма вақт устувор масала бўлиб келган. Тўғри, илгарилари дипломни яхши иш жойи, мансабдан-мансабга кўтарилиш воситаси деб тушунадиганлар ҳам бор эди. Энди эса, ёш мутахассис кадрлар бўлимига дипломини кўрсатиб ишга жойлашиб кетавермайди. Завод ва фабрикаларда ишга қабул қилиш тест синовлари орқали амалга оширилади. Бу эса муҳитни бутунлай ўзгартириб юбориши, шубҳасиз.

Миллий дастуримизнинг яна бир жиҳати уч йиллик таълим тизимидир. Президентимиз бу масалани ўта жиддий қилиб қўйдилар. Бу борада ҳам педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларини ҳал қилиб олишимиз зарур. Бу тизимга ўтиш даври 2–3 йилдан ошмаслиги лозим.

Халқимиз азалдан илмли инсонларга ҳурмат-эҳтиромда бўлган. Ота-боболаримизнинг илми етти икклими тутганлиги бежиз эмас. Миллий дастур тез орада ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистондан чиққан ёш, билимли мутахассис ҳамда олимлар яқин кунларда жаҳон цивилизациясига муайян таъсир ўткази олишларига ишончим комил.

«Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 10 июнь

ИНСТИТУТИНГИЗ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТДИМИ?

Бундан бир йил бурун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси ташкил этилган эди. Ҳўш, бу бошқарма нима мақсадда ташкил этилди? Унинг вазифалари нималардан иборат? Шу саволларга жавоб топиш учун Давлат тест маркази директори Муҳсин Муҳитдинов билан суҳбатлашдик.

– Истиклолга эришганимиздан сўнг мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори таълим тизимига ҳам эътибор кучайди, – дея ўз сўзини бошлади Муҳсин Мўминович, – «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Бу ҳужжатларда республика таълим муассасаларида юқори малакали, билимдон кадрлар тайёрлаш усули ва йўллари, босқичлари аниқ белгилаб берилган. Эндиги вазифа уларнинг бажарилишини таъминлашдир. Бизнинг тест марказимиз ҳузурида ташкил этилган бошқарма номидан ҳам кўриниб турибдики, асосан, мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртларида таълим сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ҳамда таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш билан шуғулланади.

– *Муҳсин Мўминович, назорат қилиш ва аттестациялар ўтказиш қандай мезонларга асосан олиб борилади?*

– Бунинг учун юқоридаги ҳужжатларга асосан, махсус низом ишлаб чиқилди. Низомни тайёрлашда республикамиз ҳамда ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимидаги тажрибалардан ҳам кенг фойдаланилди. Ўқув юрти аттестациядан ўтказилаётган пайтда талабаларнинг фанларни ўзлаштириши, дарсларда катнашиши, мустақил ишлари, билим масканида олиб борилаётган маънавий ва маърифий ишлар, халқаро ҳамкорлик, ишлаб чиқариш билан интеграциялашув каби ўнга яқин асосий кўрсаткичлар ўрганилади. Шунингдек, ўқув юртларида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларига ҳамда уларда талабалар иштирокига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бундан ташқари, мазкур билим даргоҳининг илмий-педагогик кадрлар тайёрлашдаги роли, уларнинг моддий техника ва ўқув-лаборатория базалари билан қандай таъминлангани ҳам назардан четда қолмайди.

Давлат аттестацияси пайтида таълим муассасаларида фақат кадрлар тайёрлаш сифатигина эмас, балки ана шу омилга бевосита таъсир кўрсатувчи бошқа фаолият соҳалари ҳам ўрганилади. Улардаги мавжуд камчиликлар ва бу камчиликларнинг сабаблари

аниқланади, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида тавсиялар ҳам берилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, аттестация бир марталик, ўткинчи нарса бўлмай, узлуксиз давом этувчи, изчил жараён-дир.

Давлат аттестацияси ўтказилгандан кейин олий ва ўрта махсус ўқув юртлири фаолиятида аниқланган барча нуқсон ва камчиликларни тузатиш жараёни мониторинг тизими орқали кузатиб борилади. Аттестация ошкораликка асосланган. У тугагач, натижалари тегишли ўқув юртининг бутун жамоасига маълум қилинади. Давлат тест марказининг махсус бюллетенида эълон этилади.

Шу ерда яна бир қизиқ фактга эътибор беришингизни сўрайман. Илгари ҳар қандай ўқитувчи билими замон талабига жавоб берадими, йўқми барибир дарс ўтаверарди. Уни саводсизликда айблаган талаба, албатта, институтдан ҳайдаларди. Энди вазият ўзгарди. Таълим тизимига ҳам демократик тамойиллар кириб келмоқда. Аттестация пайтида ҳар бир билим масканида талабалар ўртасида профессор-ўқитувчилар ва раҳбарият фаолияти юзасидан сўровнома-лар ўтказилади. Унинг натижалари муҳокама учун мазкур ўқув юрти раҳбариятига юборилади.

Дейлик, бирор институт аттестациядан ўта олмади...

Мезонда олий ўқув юртлирининг давлат аттестациясидан ўтиш баллари белгиланган. Унга кўра, 1650 дан юқори балл тўплаган олий ўқув юрти аттестациядан ўтган, 1375 дан 1650 гача балл олган олий ўқув юртлири эса шартли ўтган, ундан паст балл тўплаганлар ўтмаган ҳисобланади. Энди бевосита саволингизнинг жавобига келадиган бўлсак, аттестациядан ўтмаган олий ўқув юртининг мақоми пасайтирилади ёки фаолияти тўхтатилади. Шартли ўтган институтларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун бир йил муддат берилиб, кейинчалик қайтадан аттестациядан ўтказилади. Албатта, олий ўқув юртининг бундай аҳволга тушишига сабабчи бўлган раҳбарлар ҳам тегишли жазосини олади. Улар аввал огоҳлантирилиб, ўқув юрти аҳволини ўнглай олмаса, ишдан бўшатилиши ҳам мумкин. Аслида, бундай олганда, институт ёки университетнинг мақоми пасайтирилишининг ўзи тушунган раҳбар учун катта жазодир.

Бошқарма фаолиятини бошлагандан буён мамлакатимиздаги 32 та олий ўқув юрти ва юздан ортик коллежлар аттестациядан ўтказилди. 20 та олий ўқув юрти аҳволи қоникарли деб топилди. 12 та олий ўқув юрти шартли равишда ўтди. Мазкур билим даргоҳлари келгуси йили яна аттестациядан ўтказилади.

Агар мумкии бўлса, ўтган йилги аттестация натижаларини олий ўқув юртлари мисолида тушунтириб берсангиз.

Қарши давлат университетидида ўтказилган аттестация талабалар ўртасида фундаментал ва мутахассислик фанлар бўйича тест синовлари ҳамда ёзма ишларга асосланган. Натижада, баъзи мутахассисликлар бўйича талабаларнинг билими анча паст, замон талабларидан орқада қолаётгани аниқланди. Талабаларнинг ўртача баҳолари «Астрономия», «Техник физика» мутахассисликлари бўйича 3,4, «Иктисодиёт» бўйича 3,3 ни ташкил этди. «Молия-кредит» мутахассислиги 2-курс талабалари билими текшириб кўрилганда, ўзлаштириш 21 фоизга тенг бўлди. Яъни, 74 нафар талабанинг 59 нафари кониқарсиз баҳо олди. Шу мутахассислик бўйича 3-курс талабаларининг ўзлаштириши 35 фоизни ташкил этди. 59 нафар талабадан 35 нафарининг билими кониқарсиз баҳоланди.

Университет бўйича 102 та компьютер бўлиб, уларнинг 63 тасидан ўқув жараёнида фойдаланилмоқда. Ҳар 45 нафар талабага битта компьютер тўғри келаяпти. Республикамиз олий ўқув юртларида ҳар 20 нафар талабага битта компьютер тўғри келишини ҳисобга олсак, университетда бу кўрсаткич меъёрга нисбатан икки баробар кам эканлиги кўринади.

Термиз давлат университетидида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу ерда диплом ишларини баҳолашда ноҳолисликка йўл қўйилган. «Рус филологияси», «География», «Инглиз тили» мутахассисликларида ўртача ўзлаштириш анча паст бўлишига қарамасдан, барча диплом ишлари аълога баҳоланган. Булар вилоятлардаги аҳвол Афсусларли томони шундаки, мамлакатимиз пойтахтидаги етакчи университет ва институтларда ҳам бундай камчиликлар анчагина.

Хуллас, республикадаги кўпгина олий ўқув юртлари раҳбарлари ўзи раҳбарлик қилаётган билим даргоҳининг бугуни ва эртаси ҳақида жиддий ўйлаб кўришлари зарур. Бизга эскича қарашлар ботқоғига ботиб қолган ўқув юрти ҳам, ўқув системаси ҳам, кадрлар ҳам керак эмас. Буни давр, замон талаб қилмоқда. Президент Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат барибир кадрларга, яна кадрларга такалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ.

Халқ сўзи газетаси, 2000 йил 20 январь

ТЕСТ АДОЛАТ МЕЗОНИ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

Мамлакатимиз таълим соҳасидаги ижобий ўзгаришлардан бири, шубҳасиз, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига тест тизимининг жорий этилганидир. Ўқувчиларнинг билимини аниқлашда бу усул адолат ва ҳалоллик мезони экани, нафақат юртимизда, ҳатто хорижда ҳам эътироф этилган. Ёз фасли абитуриентлар учун ҳар доимгидек ҳаяжонли кечади. Чунки айнан шу дамларда катта ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизлар ўз билимини катта синовдан ўтказади. Шу кунларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида иш ҳар қачонгидан ҳам қизгин. Эътиборга молик жиҳати, бу ерда ишлаб чиқилган кўп вариантли тест тизими АҚШ, Буюк Британия, Туркия каби давлатларда юқори баҳоланмоқда. Мақсад ягона – олий ўқув юртига киришдаги тест синовларини самарали ва тўғри ташкил этиш. ЎЗА мухбирининг Давлат тест маркази раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Муҳсин МУҲИДДИНОВ билан суҳбати шу ҳақда бўлди.

– Муҳсин Мўминович, бу йилги тест синовларида қандай ўзгаришлар, янгиликлар бўлиши кутилмоқда?

– Бу йил биринчи марта абитуриентлар учун қулайлик яратиш ниятида марказ томонидан «Маълумотнома» нашр этдик. У олий ўқув юртига қабул қоидаси ва тартиблари, тест синовлари чоғида абитуриентларга қўйиладиган талаблар, шунингдек, Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари, уларнинг манзиллари, мутахассисликлар, грант ва шартнома асосида қабул режалари, абитуриентларнинг грант ва шартнома бўйича таълим йўналишларига мувофиқ ўтиш баллари ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган. «Маълумотнома», шунингдек, йигит-қизларнинг тест пайтида саволлар китобчаси билан ишлашда ва жавоблар варақасини тўлдиришда техник хатоларга йўл қўймаслик мақсадини ҳам кўзлайди. Ишонаманки, ушбу маълумотноманинг чоп этилиши абитуриентларга ўз қобилияти, тайёргарлик даражаси ҳамда муайян фанга қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, касб танлашга тўғри ёндашиш ва тестларга самарали тайёрланишда катта ёрдам беради.

Бу йил барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида бирламчи репетиция тестлари ўтказдик. Натижада, ёшлар ўз билим ва қобилиятларини текшириб олиш имконига эга бўлди. Шу билан бирга масофадан туриб компьютер орқали марказимизга боғланган ҳолда пойтахтимиз, Бухоро, Самарканд, Жиззах, Хоразм, Фарғона,

Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Андижон вилоятларида тажриба сифатида тест синовлари ўтказилди. Тестнинг келажаги саналмиш ушбу тизим жойларнинг ўзида абитуриентлар билимини текшириш ва натижасини бир неча дақиқада аниқлашга имкон беради.

Бу йил саволлар жамғармаси кўпайиб, 120 мингдан ошди. Марказимиз томонидан «Ахборотнома» нинг 12 та сони нашрдан чиқарилди. 1996 йилдан 2001 йилгача бўлган даврда тайёрланган саволлар ўзгартирилди. Саволларнинг асосий қисми қайтадан ишланди ва янги саволлар киритилди.

Бу йил сиртки ва кундузги бўлимларга қабул учун тест синовлари бир кунда, яъни 1 августда бошланади. Янгиликлардан яна бири жорий йилда аудитория раҳбарлари, қабул комиссиясининг масъул котиблари, кузатувчилар, вакилларни тест технологиясига ўқитиш ва ўргатиш аввалгидан анча илгари бошланди. Уларнинг абитуриентлар синови пайтидаги фаолиятини кўнгилдагидек ташкил этиш мақсадида тест саволлари туздик. Демокчиманки, тест олувчиларнинг ўзи ҳам тестдан ўтади. Мақсадимиз абитуриентлар синови пайтида арзимас бўлса-да, техник хатоларга йўл қўйишларининг олдини олиш.

Тест синовини барча олий ўқув юртларида адолатли ўтказишда қабул комиссияларининг раислари ректорлар, жойлардаги ҳокимлик вакилларининг масъулияти оширилмоқда. Чунки тест синовлари минглаб аудиторияларда бўлиб ўтади. Демакки, назорат, масъулият ҳам юқори даражада бўлиши керак.

– **Тест мунтазам равишда такомиллашиб борадиган жараён-дир. Бу йил ўқишга кириш орзусидаги йигит-қизлар кўпроқ нималарга эътибор беришлари керак, деб ўйлайсиз?**

– Тест технологиясининг мунтазам такомиллашиб бориши ёшларни кўпроқ ўқишга, изланишга, ўз устида тинимсиз ишлашга ундайди. Абитуриентлар кўпроқ мустақил фикрлаб, тестга ижодий ёндашишларини истардим. Энг асосийси, ёшлар бировларга эмас, фақат ўз билимларига ишонишлари керак. Тест орқали мўмай пул топиш истагида бўладиган айрим фирибгарларга ишониб, чув тушган абитуриентлар ҳам йўқ эмас. Тест жараёнининг канчалик холис ва адолатли кечиши, ноҳўя хатти-харакатларни бартараф этиш аудиториядаги ёшларимизга ҳам боғлиқдир.

– **Вазирлар Маҳкамасининг «2001–2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорида тегишли таълим тури бўйича камида**

уч йил стажга эга бўлган педагогик кадрларни давлат грантлари асосида тест синови орқали қабул қилиш ва бакалавриятда ўқитиш учун махсус сиртки бўлимлар очиш ҳақида гап боради. Ана шу жараённинг тартиби ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, мамлакатимизда жаҳон андозалари даражасидаги кўплаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилиб, энг замонавий компьютер техникаси ва ўқув жиҳозлари билан таъминланмоқда. Ушбу таълим масканлари учун умумтаълим фанлар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Ўз навбатида, шу даргоҳларда фарзандларимизга билим берувчи ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам шиддатли замон, ислохотлар жараёни талабларига жавоб беришлари зарур-ку. Қарорда айнан мана шу жиҳат эътиборга олиниб, тажрибали, ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаб, ҳозирда касб-ҳунар коллежларида дарс бераётган кадрларнинг малака оширишига кенг имкониётлар очиб берилган. Энди уларнинг қарорда номлари зикр этилган олий ўқув юртларида таҳсил олиб, ўз ихтисосликлари бўйича маҳоратларини янада юксалтиришига имкон яратилди.

Қабул Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби бўйича давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра рейтинг тизими бўйича амалга оширилади. Тест синовлари уч тилда- ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида ўтади. Танловлар бир олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари, ўқитиш тилларига кўра алоҳида ўтказилади. Имтиҳонлар олий ўқув юртлари бакалаврият тайёрлаш бўйича қабул Низомида кўрсатилган тест усуллари асосида ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, Президент Ислон Каримов ташаббуси билан таълим тизимига киритилган тест синовлари, мана саккиз йилдирки, ўқув юртларига иқтидорли ёшларни танлаб олишда, ижтимоий адолатни таъминлаш борасида халқимизнинг ишончини қозониб келмоқда.

Халқ сўзи газетаси, 2001 йил 29 июнь

ТЕСТ – АДОЛАТ МЕЗОНИ ЭДИ, ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

5–6 апрель кунлари пойтахтимизда Ўзбекистонда тест усулининг 10 йиллиги муносабати билан «Тест тизимининг кадрлар тайёрлашда юқори сифатни таъминлаш ва унинг мониторингини шакллантиришдаги ўрни ва муаммолари» мавзудаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Давлат тест маркази ташкил этган мазкур анжуманда «Педагогик тестларни яратишнинг назарий ва концептуал муаммолари», «Тест тизимида информацион ва компьютер технологиялари», «Тест тизимининг ўрта махсус, касб-ҳунар ва умумий ўрта таълимда юқори сифатни таъминлашдаги ўрни ва муаммолари» сингари бир неча мавзулардаги шўба йиғилишлари ўтказилди.

Анжуман аввалида Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори, профессор Мухсин Мухитдинов билан суҳбатлашганимизда, у дастлаб марказ фаолияти ҳақида сўз юритди.

– Ўзбекистонда МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб, 1992 йилда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга қабул қилишда тест тизими 19 та олий ўқув юртида тажриба сифатида жорий қилинганди, – дейди М. Мухитдинов – 1993 йилнинг 5 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан мамлакатимизда Давлат тест маркази ташкил этилди. Республика-миздаги тест тизими ўтган йиллар мобайнида илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидаги энг яхши жиҳатларни ўзига сингдирган ҳолда, замонавий компьютер технологияларидан ва ахборот техникаси ютуқларидан тўла фойдаланиб такомиллаштирилди. Дастлабки синовлар икки вариантли тест тизими усулида ўтказилган бўлса, кейинчалик илк бора бизда кўп вариантли тест тизими ишлаб чиқилди. Кўп вариантлилиқнинг жорий этилиши марказнинг тест технологияларини такомиллаштиришга қўшган муҳим ҳиссаси бўлиб, бу тизим АҚШ, Буюк Британия, Туркия ва бошқа бир қатор мамлакатларда юқори баҳоланди. Шунингдек, бундай тизим танловнинг холислигини янада оширди, абитуриентлар билим даражасининг олган баҳосига мос келишини таъминлади. Бу – Давлат тест маркази томонидан бажарилган дастлабки вазифа эди. Шундан сўнг тест топшириқлари жамғармасини яратиш, уни йилдан-йилга кўпайтириб бориш устида иш олиб бордик. Тест топшириқларини тузишга бевосита ўқувчилар билан доимий мулоқотда бўлувчи тажрибали мураббийларни кўпроқ жалб этдик. Бугунги кунда Давлат тест маркази 140 мингдан ортиқ тест топшириғини камраб олган

жамғармага эга. Жамғарма уни қайта ишлаш ва тўлдириш ҳисобига кўпайтирилмоқда, янгиланмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, марказ ошкоралик асосида фаолият олиб боради. Бу эса унинг демократлашганидан дарак беради. Бир сўз билан айтганда, Давлат тест марказининг асосий вазифаси қобилиятли ёшлар билим даражасини ҳолисона баҳолаш, уларни мамлакат олий ўқув юртларига юқори танлов асосида қабул қилишдан иборат.

Анжуман ялпи йиғилишида республика олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидахрор Ғуломов, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддиновлар ўз маърузалари билан қатнашди. М. Муҳитдинов тест тизимининг кадрлар тайёрлашда юқори сифатни таъминлаш ва унинг мониторингини шакллантиришдаги ўрни, муаммолари ва истиқболлари хусусида гапираркан, ҳар бир фикрини турли схема, диаграмма ва кўрсаткичлар намоиши билан тасдиқлашга интилди. Республикамизда тўрт йилдан буён фаолият кўрсатаётган Билл Стэндви (АҚШ) АКСЕЛС тизимида тест технологияларининг қўлланилиши ва бугунги кунда Республика Таълим марказида бу борада олиб борилаётган ишларга тўхталди. Қозоғистонлик меҳмон Темурхон Тасбулатов Қозоғистонда тестнинг жорий қилинишидаги қийинчилик, муаммолар ҳақида фикр билдираркан, ўзбекистонлик ҳамкасбларидан кўп нарса ўрганганини алоҳида таъкидлади.

Анжуман сўнгида Давлат тест маркази раҳбарини яна суҳбатга тортдик.

– Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишдаги муҳим вазифалардан бири кадрлар тайёрлаш сифатини ҳар томонлама ошириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масаласи эканлиги барча шўъбалар йиғилишида алоҳида таъкидланди. Шунингдек, энг иқтидорли ёшларнинг жамғармасини ҳолисона шакллантириш, унинг узлуксиз мониторингини олиб бориш истеъдодли мутахассисларнинг кўпайишини кузатиб боришга, кадрлар билан боғлиқ ҳолатларни олдиндан белгилашга, ёшларнинг интеллектуал имкониятларидан самарали фойдаланиш стратегиясини аниқлашга имкон яратади. Қолаверса, тест тизимининг, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ва уларни аттестациялашнинг муҳим вазифаларидан бири қобилиятли ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотларнинг мукамал, тўлиқ жамғармасини яратиш, истиқболли ёшларнинг ўзгарувчан мониторингини олиб боришдан иборат. Бу борада Давлат тест маркази марказий электрон алоқа орқали республиканинг барча вилоятларидаги компьютер тест марказлари билан

бевосита боғланиб, барча ёшларнинг салоҳияти, билимини тезкорлик билан ўлчаб, узлуксиз мониторингини шакллантириб бормокда. Бундай тизим ёшларнинг ўзини-ўзи назорат қилиш имконини яратди. Анжуманни ўтказишдан асосий мақсадимиз ҳам шу йўналишларда фикр алмашиш, муаммолар ечимини топиш ва ҳамкорликда ишлашдир.

Олий Мажлис сессиясида Юртбошимиз бир фикрни алоҳида таъкидлади: «Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз». Зеро, тест тизимини ҳаётимизнинг турли йўналишларига татбиқ қилишда ҳам биз ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз лозим.

Халқ сўзи газетаси, 2002 йил 9 апрель

ТЕСТ – АДОЛАТ МЕЗОНИ

Қизиқ агар Пифагордан тест олишганида ўқишга кира олармиди? Бу савол фақат бизга тааллуқли эмас. Улар мамлакат олий ўқув юртларида тест синовлари бошланиш арафасида газетхонларимизнинг кўпчилиги ҳаёлини эгаллаган.

1 август куни мамлакат олий ўқув юртлари аудиториялари неча юз минг абитуриентларни ўз бағрига қабул қилади. 3 соатлик меҳнатдан кейин ким нимага қодир эканлиги, кимлар янги ўқув йилига олий ўқув юртлари биринчи босқич талабаси бўлади, деган масалаларга аниқлик киритилади. Хуллас, биз юқорида эслатган Пифагор тақдирига тааллуқли ва яна бошқа кўплаб саволлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори, профессор Мухсин Мухитдинов билан суҳбатимиз мавзусига айланди.

– Ҳурматли домла, тест адолат мезони сифатида халқимиз онгидан мустаҳкам ўрин олган. Шунга қарамасдан, таҳририятимизга гоҳида бу ҳақиқатга ишонқирамайдиган оҳангдаги хатлар келиб туради. Сиз уларга қай йўсинда жавоб берган бўлардингиз?

– Тест синовининг адолат мезонига айланиши амалиётда ўз тасдиғини топди. Ўқишга қабул жараёнидан шахсий манфаатлари учун фойдаланишни кўзлаган одамларга бу катта тўсик эди. Шунинг учун юртимизда тест синовлари, Юртбошимизнинг махсус Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланганидек, адолат билан иқтидорли болаларни ўқишга қабул қилиш давлат сиёсатининг бош йўналишларидан бири бўлди. Тест синови таълимдаги демократия, яъни ўқитувчининг тазйиқи, унинг хоҳиши

ва кайфиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бола бемалол тестга ижодий ёндашиб, берилган саволларга тўғри жавобни излаб топиб, фикрлаб жавоб беришидир.

Тест синовлари республикадаги таълимнинг аҳволи ҳақида тўлиқ маълумот беради. Фақат республика ёки вилоятлар бўйича эмас, ҳатто, ҳар бир аниқ мактаб, ўрта махсус таълим муассасасидаги аҳволни тест натижалари асосида беҳато баҳолаш мумкин. Биз бугун республикадаги 9 минг ўрта таълим даргоҳларида қайси фандан ким яхши билимга эга эканлигини аниқ биламиз.

Тест болаларнинг ақлий ва ижодий салоҳиятини аниқ синовдан ўтказиш олмайдиган, деган шубҳалар мутлақо асоссиз. Марказ жамғармасида 140 мингдан зиёд тест саволлари тўпланган. Уларнинг 70 фоизи мустақил Тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган. Бу саволларга абитуриент бевосита, масалан, у ёки бу ёзувчининг ижодини аниқ билса ёки тарихий жараёнларнинг қонуниятларини чуқур тушунган бўлса, тўғри жавобларни бера олади.

Тест саволлари турли мураккаблик даражаларига эга. Жумладан, улар ижодий ёндашув ва мушоҳадакорликни, ўзига ҳос ва дадил фикрлашни, бир сўз билан айтганда, олимпиада даражасини талаб этади. Шу боисдан ҳам бизнинг Тест марказимизга келгуси йилдан бошлаб, мактаб ўқувчилари ўртасида турли фанлар бўйича олимпиадалар ўтказишни ташкил этиш вазифаси юкланди. Халқ таълими тизимидагиларнинг тест синовлари ва уларнинг сифати ҳамда ҳолислигига ишончлари мустаҳкамланмоқда. Дарвоқе, Пифагор ҳақида ишончим комилки, у математикадан барча саволларни пистадай қақиб ташлаб, танловда энг юқори чўққини эгаллаган бўларди.

– **Қишлоқ болалари тест синовларига тайёргарликларига кўра, пойтахтимиз ёки йирик шаҳарлардаги тенгдошлари билан, назаримизда, беллаша олмайдилар. Чет қишлоқларда таълим шароити анча орқада эканлиги сир эмас. Хусусан, шу пайтгача компьютер рўпарасига ўтирмаган аксарият қишлоқ ёшларининг талаба бўла олиш имконияти анча чекланган. Газетхонларимизни ўйлантираётган масалалардан бири ана шундай. Сиз бу тўғрида қандай фикрдасиз?**

– Бунга аниқ жавобларни топиш учун, яхшиси, маълумотларга муурожаат қилайлик. Улар эса қишлоқ болаларининг сўнгги тўрт йил мобайнида ўзларининг билимга интилишлари жиҳатидан шаҳарлик тенгдошларидан, аксинча, ўзиб кетаётганлигини исботлайди. Олий ўқув юр்தларига қабул пайтида қишлоқ ўқувчиларидан

2,5 баробар кўп ариза тушади. Шаҳарлик ўқувчиларга нисбатан айнан 2,5 баробар кўп ўқишга ҳам кирмоқдалар.

Ёки мана бу далилга кулок тутинг: Бухоро вилояти ўқувчилари, мана беш йилки, ўз билим савияларининг баландлиги жиҳатидан республикада биринчи ўринни эгаллаб келишяпти. Бухоро вилояти педагоглари ҳам республикамизда ўтказилаётган турли танловларда ғолиб бўлиб келишяпти. Ҳатто Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги лицейни тамомлаганларнинг 98 фоизи талабалikka эришмоқдалар. Шунингдек, Хоразм вилоятидаги Хазорасп ва Шовот туманларини ёки Қорақалпоғистон Республикасидаги Беруний ва Эллиққалъа туманларининг кўпчилиги ўқувчилари ҳар йили олий ўқув юртларига қабул қилинмоқда.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистоннинг 23 та тумани Тест марказининг умумий компьютер тармоғига уланган. Уюштирилган компьютер синфларида юқори синф ўқувчилари тест саволлари асосида ўз билимларини текшириб кўришлари мумкин. Бугунги кунда Қорақалпоғистонда кишлоқ ўқувчилари биология фани бўйича энг юқори билим даражаларини намоиш этмоқдалар.

Таққослаганимизда минтақашунослик йўналишида кишлоқ ўқувчилари тест синовларида ўртача 190 балли кўрсаткичларга эга бўлса, шаҳарлик ўқувчилар ўртача 179 баллга эришмоқдалар. Кишлоқ болалари физика, кимё фанларидан, шунингдек, халқаро туризм, иссиқлик энергетикаси, нефть-газ соҳаларида кучли билимни кўрсатсалар, шаҳар ўқувчилари иктисодий фанлар ва чет тиллар соҳаларида пешқадам билимга эга.

– **Мамлакатнинг бой интеллектуал салоҳияти тўғрисида тўпланган маълумотлар ҳаётда амалий аҳамиятга эга бўлаяптими? Улар** Давлат тест маркази томонидан чиқарилаётган китоблар ичида қолиб кетмаётгандир?

– Тўпланган барча маълумотлар таълим вазирликлари ҳамда вилоятлардаги таълим бошқармаларига тарқатилади. Бундан ташқари, марказимизга мактаб директорлари, ҳокимиятларнинг раҳбарларини таклиф этиб, йиғилишлар ўтказяпмиз. Бу суҳбатларда баъзан аччиқ ҳақиқатлар ҳам айтилади. Масалан, нега мактаб ўқувчисининг аттестатида баҳо жуда юқори, ҳатто аъло. Лекин бу ўқувчи тест синовларида атиги 20 балл тўплайпти? Бу ўринда нима кўзга ташланади? Кўзбўямачиликми ёки педагоглар савиясининг пастлигими? Нега бир тумандаги ёнма-ён икки мактабда ўқувчиларнинг билим савияси ҳар хил? Бу масалаларни биргаликда таҳлил этиб, зарур хулосалар чиқарилади.

Олдиндан бир хулосани айтишим мумкин: ўқувчида билимнинг пастлиги ўқитувчи профессионал савиясининг етарли эмаслиги билан изоҳланади. Бизда ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ва факультетларида ҳам аҳволни тубдан яхшилаш керак. Ўқитувчилар малака оширишга келади, лекин бундан ҳаётида ва савиясида бирон ўзгариш бўлмайди. Масалан, физика фанини қанчалик ёмон билган бўлса, яна ўша савияда қолаверади. Мана шу боисдан ҳам менимча, педагогика институтлари, университетларида малака ошириш институтлари ва факультетларида якуний тест синовини жорий этиш ўринли бўлади. Ахир тиббиёт институтларида жорий этилдику? У ерда якуний тест синовидан ўта олмаган талабага диплом берилмайди. Бу эса касбни чуқур эгаллаш шартлигини қафолатлайди.

– Республика олий ўқув юртлари учун умумий бўлган ўтиш баллари жорий этилиши мумкиими? Ахир шундай бўлаяптики, айрим олий ўқув юртларида билимдон болалар танлов юқори бўлганлиги учун ўқишга кира олмай қолади. Шу билан бирга, айрим ўқув юртларида ўртағиёна балл тўпласа ҳам абитуриентнинг қабул қилиниши учун етарли бўлади...

– Бу масалани ҳал этиш қийин эмас. Бунинг учун барча олий ўқув юртларининг бир хил йўналишлари учун ягона танлов рўйхатини тузиб чиқиш керак бўлади. Шунда энг юқори балл тўплаганларга адолатли муносабатда олий ўқув юртларига тақсимлаш мумкин.

– Мавжуд тест синовлари тизимини янада такомиллаштиришга эҳтиёж сезиляптими? Агар шундай бўлса, унинг қандай жиҳатлари такомиллаштирилиши ёки яхшиланиши мумкин?

– Ҳар қандай тизим каби тест синови тизими ҳам такомиллаштирилишга эҳтиёж сезади. Бизда, масалан, тест саволлари жамғармаси тўлдирилиб, унинг технологияси такомиллаштирилиб борилмоқда. Бу тизим 1992 йилда мамлакатимиз Президентининг ғоялари асосида, ўқишга қабул жараёнини адолатли, демократик асосда ташкил этиш мақсадида жорий этилган. Агар иш бошида тест саволларининг битта варианты жорий этилган бўлса, ҳозирги кунда юзлаб вариантлардан фойдаланилмоқда.

1 июлдан бошлаб, бир ой мобайнида Давлат тест маркази ёпик усулда иш олиб боради. Тест техникалари билан шуғулланадиган ходимлар ташки дунёдан узиб қўйилади. Олий ўқув юртларининг кайсисида кайси абитуриентга қандай савол тушди, буни ҳатто улар ҳам билмайди. Барча ишларни автоматика бажаради. Жорий этилган

технология асосида компьютернинг ўзи тегишли олий ўқув юрти ва унинг мутахассисликлари учун вариантларни танлайди. Маълумотларнинг четга чикиб кетиши учун ҳеч бир шароит йўқ.

– **Лекин олғир одамлар барибир қандайдир имконият топишга интилади. Уларнинг бундай уринишларидан ҳеч бир иш чиқмайди, деб ишонтира оласизми?**

– Бугун тест савол-жавобларининг мутлако махфийлиги таъминланган. «Айланма йўл» изловчиларнинг ўзлари қўлга тушиб қолишлари ҳам мумкин. Масалан, ўтган йилдан бошлаб компьютерларга имтиҳон топширувчининг исми-шарифи, паспорт кўрсаткичлари ва бошқа зарур маълумотлар киритила бошланди. Гап шундаки, айрим олий ўқув юртларида қабул пайтида ноқобил абитуриент ўрнига малакали талабаларнинг кириб чиқиши ҳам мумкинлиги аён бўлди. Лекин компьютер уларни энди ҳеч бир қийинчиликсиз аниқлайди ва фирибгарликлар фош этилади. Қўлга тушган талаба эса ўқишдан четлатилади. Компьютер аппаратлари ким қайси аудиторияда синовдан ўтганлигини «аниқ билади».

– **Ҳозир репетиторлик авж олган. Ота-оналар ва абитуриентларнинг ўзлари тест саволларига, тайёр жавобларни бера оладиган репетиторларни излаб юришади. Ҳар бир жавоб эса фалон пул. Тайёргарликнинг бу усули ҳақида қандай фикрдасиз?**

– Мавжуд тест саволларига жавоб тайёрлаб берадиган репетиторларга унчалик ишонмаслик керак. Мана, битта далил: бордию, тест саволларининг қўйилишига кичик бир ўзгариш киритилса, бас, репетиторнинг тайёрлаган жавоблари йўққа чиқади. Бунинг ўрнига, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус таълимнинг савиясини кўтариш устида ўйлаш керак. Фарзандларимиз мутолаани, ўз устида ишлашни, фанларни чуқур ўзлаштиришни ўзларига одат қилсалар, ҳар қандай тест саволларига аъло даражада жавоб бера оладиган бўладилар.

Халқ сўзи газетаси, 2002 йил 20 июль

БОШ ҚОНУНИ ҲАМ тест саволлари асосида амалга оширилмоқда

Бугунги кунда Давлат тест маркази томонидан абитуриентларнинг ҳамда олий ўқув юртларларида таҳсил олаётган талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билиш даражаси тест саволлари асосида аниқланмоқда. Яқинда олий ўқув юртида таҳсил олаётган 2–4 босқич талабаларининг Конституцияга доир билимлари ҳам синаб кўрилганда куйидаги натижалар кўзга

ташланди: энг паст кўрсаткич инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари (14,92 фоиз), жамият ва шахс (27,7 фоиз), асосий принциплар (27,75 фоиз), давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши (28,7 фоиз) бўлимларида аниқланди. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари бўлимида энг паст кўрсаткич фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига, фуқароларнинг бурчларига доир тест саволларига берилган жавобларда кузатилди. Талабалар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилганини 83,7 фоиз, барча фуқаролар конун олдида тенглигини 87,6 фоиз биладилар – бу ижобий натижа, албатта. Лекин улар фуқароликнинг ўзи нима, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқ эканликларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларига ўз ҳудудидан ташқарида ҳам ҳимоя кўрсатишининг кафолатлигини тўлиқ билмайдилар.

Жамият ва шахс бўлимида талабалар жамиятнинг иқтисодий негизига доир саволларига 21,9 фоиз жавоб берганлар. Улар давлат иқтисодий тараққиётининг асосини, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этишини, шунингдек, жамоат бирлашмаларига доир топшириқларни ҳам паст даражада бажарганлар. Давлат ҳокимиятини ташкил этиш бўлимида ҳам талабалар билими паст кўрсаткични кўрсатади. Айниқса, улар Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимиятига доир тестларни ҳал этишда қийналганлар.

Умуман олганда, талабалар Конституцияга доир энг содда тушунчаларни, ҳуқуқий меъёрларни биладилар. Масалан; Конституция қачон қабул қилинган? Давлат тили қандай тил? Давлат рамзлари қачон қабул қилинган? Давлат ҳокимиятининг бирдан – бир манбаи ким? Олий Мажлис нечта депутатдан иборат? Ўзбекистон Республикаси Президенти қандай вазифаларни бажаради? Президентликка неча ёшдан сайланади? Ўзбекистон халқини ким ташкил этади? Референдум нима? – каби саволларга деярли 85–94 фоиз тўғри жавоб берганлар.

Ваҳоланки, ёшларимизнинг Конституцияни ёддан билишларига эмас, балки унинг маънавий моҳиятини теран англашларига эришишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишига жавобан Давлат тест маркази яна бир тадбирни амалга оширмоқда. Маълумки, ҳамма ўқув масканларида шу мақсадда ўқув курслари ташкил этилган. Бу курсларга амалий ёрдам сифатида Дав-

лат тест маркази ходимлари томонидан Конституцияни талабалар, профессор-ўқитувчилар ва кенг жамоатчиликка ўргатиш, ўқитиш ҳамда ўрганувчиларнинг билим даражасини узоқ масофадан туриб таҳлил этишга бағишланган компьютер тизими ишлаб чиқилди.

Тизимга киритилган тест топшириқларини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Булар Конституция матнида баён этилган коидаларга оид, уларнинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган, Конституцияда белгиланган коидаларни ҳаётга татбиқ этишни ўргатишга доир тестлардан иборат. Тест топшириқларини бажариш натижасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларини, жамиятга ва давлат ҳокимиятига тегишли бўлган коидаларни ўрганувчилар билиб оладилар. Тест топшириқларидан ўрин олган Конституциявий коидаларнинг ёшлар томонидан ўзлаштирилиш даражаларини аниқлашга бағишланган саволлар кишини нафақат асосий қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур англашга ундайди, балки бу борада йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг олдини ҳам олади.

Ушбу компьютер тизими дастлаб Тошкент шаҳридаги Жаҳон иктисодиёти ва дипломатия университетига, Тошкент Давлат юридик институтига, Тошкент шарқшунослик институтига, Тошкент солиқ коллежига ҳамда Андижон, Бухоро, Навоий, Жиззах ва Хоразм вилоятларидаги ўқув юртларига ўрнатилган эди. Ҳозирги кунда компьютер тизими республиканинг барча вилоятларига ўрнатилиб, улар Давлат тест маркази билан модем алоқаси орқали боғланди. Бу тизим орқали ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилар Ўзбекистон Конституцияси бўйича билимларини текшириш ва олган билимларини янада такомиллаштириш имкониятига эга бўлдилар.

Давлат тест маркази нафақат ёшларни, балки рақбарларнинг, профессор-ўқитувчиларнинг ҳам Республика Конституциясини қай даражада билишларини танловлар, ҳар хил тадбирлар жараёнида таҳлил этиб бормоқда. Рақбарликка номзод кадрларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига оид билимларини аниқдаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли 2002 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига оид тест топшириқлари асосида республика касб-хунар коллежлари рақбарлигига номзодларнинг билим савиялари текширилди.

Андижон вилоятида 300 нафар ортиқ рақбар ходимлар, жумладан, туман ҳокимлари ўринбосарлари, барча касб-хунар таълими директорлари, директор ўринбосарларининг ҳуқуқий билимдонли-

клари аниқланди. Улар Конституция бўйича билимлари 70 фоиздан юқори эканликларини кўрсатдилар.

Давлат тест маркази нострификация бўлимида ҳуқуқ йўналиши бўйича республикамиз ташқарисида диплом олганларнинг ўз дипломларини Ўзбекистон Республикаси учун яроқли эканлигини аниқлашда ҳам тест усулларидан фойдаланмоқдалар. Натижалар паст кўрсаткични кўрсатди. Масалан, мутахассислар республикамиз қонунчилигини яхши билмайдилар, бу ҳол, айниқса, махсус ҳуқуқ фанлари молия, оила, маъмурий, хўжалик ва қишлоқ хўжалиги, меҳнат, жиноят процесси фанларида яққол кўзга ташланади. Жиноят ва жиноят процессига доир эълон қилинган янгиликлардан кўпчилик тест синови иштирокчилари хабардор эмаслар. Шунингдек, тест синовларидан ўтаётган мутахассислар республикамизга доир баъзи ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш меъёрларини ҳам етарли даражада билмайдилар.

Тест натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, республикамиз ташқарисидаги олий ўқув юртларини тамомлаган ҳуқуқшунос мугахассислар, Ўзбекистон Республикасида ишлашни хоҳлашар экан, демак, улар Ўзбекистон ҳуқуқий тизимини мукамал билишлари зарур. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билиш алоҳида эътиборга лойик.

Ўтган йили Давлат тест маркази асосий қонунимизни ўрганишни ташкил этиш бўйича «Маърифат» газетасида мактабгача таълимдан то олий таълимгача бўлган барча таълим тури тарбиячилари, ўқитувчилар ва талабалар ўртасида «Сиз Конституцияни биласизми?» танловини ўтказиш мақсадида 100 та тест саволини чоп этди. Тест саволларига берилган жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, асосий принциплар, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши тўғрисидаги саволларга кўпчилик жавоб бера олган. Аммо жамоат бирлашмалари маҳаллий давлат ҳокимияти, суд ҳокимиятига доир тестларга жавоб беришда бир оз қийналганлар. Ваҳоланки, ҳар бир шахс бугунги кунда ҳуқуқнинг моҳиятини, мазмуни ва вазифасини англамоғи, Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш, ўзига юклатилган ҳуқуқий мажбуриятларни бажаришни тушунмоғи лозим экан, ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштиришда, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда тест усулидан фойдаланишнинг муҳим ижодий имконият эканлигини қатъий ҳисобга олмоғи керак.

Халқ сўзи газетаси, 2002 йил 6 декабрь

ТАДҚИҚОТ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРСИН

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида йиғилиш бўлиб ўтди. У иқтисод фанлари бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашнинг аҳволи, соҳадаги тадқиқотлар масаласига бағишиланди. Йиғилишда Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва тегишли ташкилотлар вакиллари, ихтисослашган кенгаш раислари ҳамда илмий котиблари, эксперт кенгаш аъзолари, соҳа мутаассаддилари иштирок этдилар.

– Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида барча соҳа қатори фан вакиллари олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилган, деди ОАК раиси М. Муҳитдинов. Шу маънода, бугунги анжуманимиздан кўзланган мақсад, иқтисод фанлари соҳасида бажарилган диссертациялар, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг амалиётга татбиқи, аксарият ҳолларда берилган хулоса ва тавсияларнинг ҳаётга жорий этилмаётганлиги, назариянинг амалиётдан узилиб қолаётганлигини муҳокама қилишди.

Тадбирда сўзга чиққан иқтисод фанлари бўйича эксперт кенгаши раиси Р. Алимов аттестация ишлари сифатини оширишнинг асосий йўналишлари, жумладан, ихтисослашган кенгашларда химоя қилинаётган диссертацияларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапирди. Айрим илмий изланишларда қиёсий таҳлилнинг йўқлиги, фақатгина кўрсаткичлар олиниб, улар математик-статистик усуллар билан изоҳланмаётганлиги, айрим хулосалар шунчаки фикрлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолаётганлиги танқид қилинди. Илмий ишларнинг аксариятида пухта асосланган хулоса ва тавсияларнинг йўқлиги, уларнинг бирёкламалиги, баёнчиликнинг устуворлиги ташвишланарлидир.

Таъкидлаш жоизки, сифат масаласини иқтисодиёт соҳасидаги ихтисослашган кенгашлар учун бош масала деб қараш вақти келди. Ёқланаётган диссертациялар сони салмоқли бўлса-да, уларнинг илм-фан ва амалиётга қўшаётган ҳиссаси кўпинча сезилмаяпти. Аксарият диссертациялар мавзуида «Бозор иқтисодиёти шароитида», «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида» деган иборалар мавжуд. Аммо уларда бозор иқтисодиёти муаммолари юзаки, умумий тарзда кўрилади.

Йиғилиш якунида диссертация мавзуларини республикамизда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос равишда танлаш кераклиги борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди ва шу юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

И В ОБРАЗОВАНИИ ДОЛЖНА БЫТЬ ДЕМОКРАТИЯ

– Мухсин Мўминович, республикамининг олий ва ўрта махсус билим юртларига тест усулида талабалар қабул қилишга ўтилганига анча бўлди. Айтиш мумкинки, унинг дастлабки «қалдирғоч»лари, мустақил ҳаётга йўлланма ҳам олишди. Шу маънода пировард натижалар, қандай – шу ҳусусида бироз тўхталиб ўтсангиз.

– Бу йил Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан тажрибалар тарикасида тиббиёт институтларида, педагогика ва иктисодиёт ўқув юртларида битирувчиларнинг назарий билимларини тест усулида аниқлашга ўтилди. Республика тест маркази олий ўқув юртлари-

нинг раҳбарлари билан ҳамкорликда имтиҳонларни икки босқичда ўтказишга келишиб олди. Тестлар 108 савол, яъни 3 блокдан иборат эди. Натижалар ҳар қалай, қувончли бўлди. Демак, талабчанлик фақатгина мавсумий, вақтинчалик иш эмас. Ҳамкорликда бу саъй-ҳаракатларимиз заминидан битта улуғ ният зоҳир: у ҳам бўлса – юртимизга фидойи, ўз касбини яхши биладиган мутахассислар ҳамшиша керак.

Ўзбекистон овози газетаси 1998 йил 30 июль

НОСТРИФИКАЦИЯ ЖАРАЁНИ

Хориждан диплом эмас, билим олишга интилайлик

Мустақиллик ҳар бир кишига эркинлик берди. Хусусан, таълим соҳасида ҳам. Дунёнинг исталган нуқтасига бориб нафақат билим олиш, балки қобилиятимизни намойиш этиш имкони бор.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг машҳур беш тамойилининг бирида белгилаб берилганидек, таълим соҳасидаги туб ислохотлар тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида бевосита давлат назоратига олинади.

Кўплаб ёшлар «Умид» жамғармасининг йўлланмаси билан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония каби ривожланган давлатларнинг нуфузли университетларига таҳсил олиш учун юборилди. Ўқиш билан боғлиқ барча молиявий харажатлар давлат бюджети ҳисобидан қопланди. Дастлабки битирувчилар мутахассис сифатида Ватанимизга қайтиб келиб, олган билимларини амалда қўлламоқдалар. Уларнинг таълим ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 7- бандига кўра, имтиёзли асосда тан олинмоқда ва эквивалентлиги қайд этилмоқда.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломларни нострификациялаш мақсадида мурожаат қилаётганларнинг яна бир қисми собиқ Иттифоқнинг парчаланиши даврида таҳсил олганлардир. Улар асосан, мақсадли ўқитиш ёки кооперация йўлланмалари билан ўқиганлар. Тегишли архив ҳужжатлари тақдим этилгач, бу фуқароларнинг дипломлари ҳам Низомнинг 7-бандига кўра, имтиёзли асосда тан олинмоқда ва эквивалентлиги қайд этилмоқда.

Республикамызда замонавий илм-фан талабларига мувофиқ келадиган таълим дастурлари ишлаб чиқиляётган бир пайтда, давлат ва

миллат манфаатига мутлако тўғри келмайдиган, билъакс, унга зид келадиган ҳолатларга ҳам дуч келмоқдамиз.

Гап ноқонуний фаолият кўрсатаётган хорижий таълим муассасаларининг ваколатхоналари ёки филиаллари хусусида кетмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасида чет давлатлар таълим муассасаларига Ўзбекистан Республикаси ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланишга оид расмий рухсатномалар бериш ваколати Вазирлар Маҳкамасининг ихтиёрида эканлиги кайд этилган. Бирок бундай рухсатномани олмасдан, қонунларимизга зид тарзда фаолият кўрсатаётган филиалларнинг давлатимизга етказётган моддий ва маънавий зарари ташвишли эканини айтиб ўтиш ўринлидир.

Барча иллатлар яшовчан бўлганидек, мазкур таълим муассасалари ҳам ўзининг ўзгарувчан, мослашувчан ва эластик хусусиятларини намойиш этмоқда. Ҳуқуқ-тарғибот органлари кураш олиб бораётганига қарамай, улар турли номлар билан никобланиб, фаолиятини давом эттирмоқда. Ёшларимизни тузоғига илинтирмоқда. Бу таълим муассасаларида ўқув жараёни йўқ даражада, кириш имтиҳонлари ўтказилмайди, қабул йил давомида ва хоҳлаган жойда амалга оширилади. Унинг асосий талаби шартнома тўлови. Табиийки, уларнинг дипломлари нострификацияга қабул қилинмапти ва Ўзбекистан ҳудудида юридик кучи йўқ, деб расман билдирилмоқда.

Хорижда ўз ташаббуслари билан таълим олганларнинг маълум бир қисми таълим эмас, диплом олишни кўзлаган ёшлардир. Бу ёшлар кўшни давлатларнинг олий ўқув юртларига киришнинг ягона талаби ҳисобланган шартнома тўловларини тўлаш ва фақат шунинг эвазига ҳужжатга эга бўлиш йўлини тутганлар.

Тўғри, қонунан ҳар бир фуқаро хоҳлаган давлатида таълим олиш ҳуқуқига эга. Агарда дунё микёсида эътироф этилган машҳур университетларда таълим олиш салоҳиятига эга булган ёшлар хусусида гап кетганда бу масала кўп ҳам мураккаблашмасди.

Энди бевосита нострификация масаласига тўхталсак.

Бу жараён юқорида кайд қилинган қарорнинг қабул қилиниши билан бошланди. Бунга табиий эҳтиёж пайдо бўлди. Чунки бу масала дунёнинг барча давлатларида алоҳида ўринга қўйилган. У ички интеллектуал бозорни ҳимоя қилишнинг ўзига яраша муҳофаза тизими ҳисобланади. Ҳар қандай норасмий таълим муассасалари дипломларининг ва сохта таълим ҳужжатларининг кириб келишига тўсик қўяди, уни халққа маълум қилади, огоҳлантиради ва бу билан

миллий таълим муассасаларимизнинг нуфузига путур етказмаслик чораларини кўради.

Давлат тест маркази бу борада етарли тажриба тўплади. Марказ таркибидаги Аттестация бошқармасида Нострификация гуруҳи ташкил этилди. Гуруҳ томонидан Германия, Япония ва Туркия тажрибалари бевосита ўрганилди.

Жорий йилнинг 5–6 апрелида Давлат тест марказида бўлиб ўтган конференцияда иштирок этиш учун доктор Питер Обершелл ташриф буюрди. У Германия Таълим вазирлиги Хорижий таълим Марказий офиси директорининг ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатади. Унинг эътироф этишича, ҳозирги кунда республикамиздаги мавжуд нострификация тизими халқаро миқёсдаги ташкилотлар билан боғланиши лозим. Хусусан, «NARIS» – Европа Иттифоқи эквивалентлик Маркази тизимига кириши ёки маълумот олиш ва бериш нуқтаи назаридан тезкор боғланиши шарт. Чунки янги таълим муассасаларининг кўпчилиги халқаро каталогга кирмаган. Баъзи таълим муассасаларини нафақат халқаро рўйхатдан, балки ўз давлатининг расмий рўйхатидан ҳам топиш қийин. Алоқа воситалари орқали боғланиш кўп ҳолларда кўнгилдагидек натижа беравермайди.

Масалан, дастлаб Тошкентда очилган, таълим фаолиятини юриштишга доир расмий рухсат ололмагач, Қозоғистоннинг Сароғоч деган жойига кўчиб ўтиб, расмий кайддан ўтган Халқаро экология гуманитар академияси лицензия муддатининг тугаши муносабати билан 2000 йилда ўз фаолиятини тўхтатади ва «Унат» номи билан янги университет сифатида фаолият кўрсата бошлайди. Орадан бир неча ой ўтгач, «Қозоқ-Ўзбек университети»га айланади. Тасаввур қилинг, дастлабки ном билан бу таълим муассасасини тугатган фуқаронинг дипломини кимдан сўраш ва тасдиғини олиш мумкин? Қозоғистон таълим вазирлигига юборган расмий сўровимиз бир неча ой давомида жавобсиз қолмоқда. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Эътиборни тортадиган жойи шундаки, сўнгги ўн йилда хорижда таълим олганларнинг аксарияти ҳуқуқ ва иқтисод йўналишларига тўғри келади ва улар ўқиган таълим муассасаларининг аксарияти айнан сўнгги ўн йилда очилган. Буларнинг географик жойлашувига назар соладиган бўлсак, кўз ўнгимизда қуйидагилар намоён бўлади. Ўзбекистон атрофини Сароғоч, Қоплонбек, Етгисой, Панжикент, Қорақўл, Қизилкия, Майлисой каби «улкан илмий марказлар» куршаб олган бўлиб, бу ерларда бир неча «йирик» олий ўқув юртла-

ри, ҳатто ЮНЕСКО байроғи остида Халқаро экология гуманитар академияси фаолият кўрсатади (бу тўғрида гапирилди). Булар тўлов-шартнома асосида йил давомида ўқишга қабул қилади. Ҳуқуқ ҳамда иқтисод йўналишлари бўйича диплом беради. Баъзиларининг ўқув бинолари йўқ, илмий-педагогик салоҳият жуда паст даражада. Боғча ёки мактаб каби муассасаларнинг хоналарини ижарага олишган бу «илмий марказлар» қандай қилиб ҳуқуқшунос ёки иқтисодчиларни тайёрлайди, ажабланасан киши. Бундай таълим муассасаларига катта пул эвазига таҳсил оламан, деб борган ёшлар ва уларнинг ота-оналари беҳудага вақт ва пул харажат қилганликларини кеч тушуниб етишмоқда.

Хуллас, таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентлигини қайд этиш учун махсус тузилган эксперт комиссияси кўриб чиқади, ўқув режаларидаги фарқлар аниқланади, уларни бартараф этиш хулосаси берилади. Хорижий дипломларнинг деярли барчасида тафовутлар бир хил бўлгани ва Ўзбекистон таълим стандартларига тўғри келмагани сабабли бугунги кун талабидан келиб чиқиб, нострификацияда тест усули танланди. Бу усул ривожланган мамлакатлар тажрибасидан олинди. Тест саволлари ихтисослик бўйича етук олимлар томонидан кўп вариантлилиқ асосида ишлаб чиқилди ва база яратилди. Саволлар компьютер орқали генерация қилинади ва ҳар бир диплом эгасига алоҳида вариант сифатида тақдим этилади. Вариантда таянч олий ўқув юртлари ўқув режалари доирасидаги ҳажмда Ўзбекистон тарихи ва Президентимиз асарлари ҳамда умумихтисослик ва махсус ихтисослик фанларидан тузилган жами 108 та савол берилади. Бу саволларнинг 60 фоиздан кўпроғи тўғри топилган тақдирда диплом тан олинади ва нострификация қилингани ҳақида тегишли гувоҳнома берилади. Яъни хорижда таълим олган фуқароларга қўйилаётган талаблар бугунги кунда республикамиз олий ўқув юртлари битирувчиларига қўйилаётган талаблар билан бир хиллигини қайд этиш муҳимдир.

Эътибор берилган бўлса, минимал талабга жавоб берган тақдирда дипломлар нострификация қилинади, дедик. Аммо синонлар натижаларига назар солинса, бутунлай бошқача ҳолатни кузатиш мумкин. Тўлдирилган жавоб варақалари бўм-бўш ёки нари борса, бир неча катак тўлғазганлар ҳам кузатилди. Шу пайтгача синовда қатнашганлар ичида минимал талабга даъвогарнинг 8 фоизи жавоб берганлиги қўшимча изоҳ талаб қилмас керак.

Тўғри, хорижий таълим муассасаси кенг қамровли тушунча. Уни мағрибдан машрикқача қўллаш мумкин. Бирок чет элда ўқиб

келганман, дипломимни нострификация қилдиришим керак, деб жиддий оҳангда мурожаат қилганлардан каерда ўқигансиз, деб сўрасангиз, Сариоғочда ёки Қоплонбекда деса, нафсониятига тегиб кетмаслик учун, эҳтиёткорлик билан муносабат билдиришга тўғри келяпти. Дипломнинг қандайлиги маълум-ку. Янада очиқроқ айтиш мумкин бўлса, бу таълим муассасаларининг баъзилари бир эмас, икки ҳам эмас, тўрт хил диплом бераётгани ақлга сиғмайди. Кимга ёки қаерлик фуқарога қандай диплом берилади ёки бошқа хусусиятлар эътиборга олинандими, аниқлаш кийин.

Хуллас, барча соҳада бўлганидек, нострификацияда ҳам ўзига яраша муаммолар мавжуд. Бу муаммолар Низом талаблари асосида ҳал этилмоқда.

Мазкур мақолани ёзишдан кўзланган мақсад мавжуд муаммолар хусусида ўртоқлашиш эмас, шундай муаммоларнинг келгусида юзага келишига йўл қўймаслик. Ҳали ҳам янглиш йўлдан кетиш пайида юрган (афсуски, улар хозир ҳам бор) ёшларимизни тўғри йўлдан боришга ундашдир. Айниқса, қандай бўлмасин, фарзандини олий ўқув юртига «жойлаштириш» мақсади билан юрган ота-оналарни огоҳлантирмоқчимиз. Аввал суриштириш, билиш керак. Акс ҳолда алданиб қоласиз, фарзандингиз вақтини беҳуда совурасиз.

Масалага миллат ва давлат манфаати нуқтаи назаридан қаралмоғи, диплом учун эмас, билим олиш учун ўқитиш кераклигини эслатиб қўйишдир.

Ўзбекистон овози газетаси 2002 йил 2 июль

МУКАММАЛ ТЕСТ ОРЗУСИДА

1992 йили Президент И.А.Каримов ташаббуси билан республика олий ўқув юртлари қабул жараёнига тест усулининг киритилиши миллий тараққиёт стратегиясида таълимнинг устуворлигидан гувоҳлик беради. Тест усулининг жорий этилиши ўқишга, чуқур ва мустақкам билим олишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиради. Шу сабабли тест усуллари ўзлаштиришни таълим тизимидаги умумий ислоҳотнинг бир қисми деб қараш керак.

Ҳукумат қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида янги ташкилот – тест танлови соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи Давлат тест маркази тузилган. Бугунги кунда ушбу марказ МДХда биринчи бўлиб, тест материалларини тайёрлаш, республика микёсида синовлар ўтказиш, тест на-

тижаларини сифатли ва тез ишлаш, уларни комплекс таҳлил этиш бўйича барча ишларни мустакил амалга оширмоқда.

Президент И.А.Каримовнинг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари сессияларида сўзлаган нутқларида таълим тизимида туб ислохотларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Бу ишда тест маркази билимларни объектив баҳолаш курали ва таълимнинг юксак даражада бўлишини таъминловчи алоқа бўғини бўлмоғи лозим. Шу сабабли синовдан ўтган стандарт тестларни ишлаб чиқиш вазифаси ғоят долзарбдир. Ҳар бир тест топшириғини амалий текшириш ва уни статистик жиҳатдан қайта ишлашдаги стандартлаштириш вазифаси узок ва машаққатли меҳнатдир. Бу кўп сонли педагог ва ўқувчиларни жалб этишни талаб қилади. Шу муносабат билан мактаб – ўрта махсус ўқув юрти – олий ўқув юртида узлуксиз тест тизимини жорий этиш долзарб масала бўлиб турибди. Мактабдаги тест синовлари қобилиятли ёшларни аниқлаш ва касб лаёқати бўйича олий ўқув юртларига йўллашда ишончли воситалардан бири бўлиб қолади. Олий ўқув юрти ва битириш имтиҳонларига тест назоратини жорий этиш олий мактабдаги салбий ҳодисаларнинг олдини олувчи тизимни яратишга имкон берган бўлур эди.

Тест усулларининг ривожланиб бориши истеъдодли ёшларни аспирантура ва докторантурага танлаш, кадрлар захирасини тайёрлаш учун кенг имконият яратади ва фан обрўсини кўтаради, энг муҳими, жамият онгида ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Айни пайтда ўқув юртларимизда тест усуллари асосида ўтказилган синовларнинг охириги уч йиллик натижалари муайян қийинчиликлар борлигини кўрсатди. Бу, энг аввало, тестнинг таълим тизимига сингиб улгурмаганлиги, назарий ишланмаларнинг кечикиши, педагог мутахассисларнинг тест малакасини тўла эгаллаб ололмаётгани, махсус адабиётлар етишмаслиги, норматив база ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш зарурлигида намоён бўлмоқда.

Республикамиз олий ўқув юртларининг қабул-танловига катнашган абитуриентлар эришган тест синовлари натижаларини таҳлил этиб, уларнинг билим даражаларини аниқлаш мумкин. Масалан, ўтган 1995 йилда олий ўқув юртларига кириш учун жами 93754 нафар абитуриент тест синовларида катнашиб, шундан 81899 нафари кундузги, 11855 нафари эса сиртки бўлимларда тест синовларидан ўтдилар. Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига кириш учун тест синовларида иштирок этишган абитуриентларнинг билим даражалари натижалари фанлар бўйича қуйидагидек таҳлил қилинди.

Республика миқёсида тест синовидан ўтган абитуриентларнинг ўртача 33,3 фоизи ўзбек тили ва адабиётидан тўғри жавоб қайтарган (энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 38,8 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида – 28,6 фоиз). Математикадан эса тест синовларидан ўтган абитуриентларнинг ўзбек тилидан 40,9 фоизи (энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 54,5 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида – 35,4 фоиз), рус тилида 45,3 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 54 фоиз, паст кўрсаткич Навоий вилоятида – 37 фоиз) жавобни тўғри белгиллаган. Шунингдек, биологиядан ўзбек тилида 44,1 фоиз (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 53,5 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида – 37,5), рус тилида 48,8 фоиз (юқори кўрсаткич Андижон вилоятида – 57,3 фоиз, паст кўрсаткич Навоий вилоятида – 32,5 фоиз) ; химиядан ўзбек тилида 37,5 фоиз (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 48,9 фоиз), рус тилида 42,2 фоиз (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 50,5 фоиз) ; физикадан ўзбек тилида 28,9 фоиз (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 35,3 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида – 25,5 фоиз), рус тилида 33 фоиз (юқори кўрсаткич Қашқадарё вилоятида – 41,8 фоиз, паст кўрсаткич Хоразм вилоятида – 25,5 фоиз) ; географиядан ўзбек тилида 47 фоиз (юқори кўрсаткич Навоий вилоятида – 56,8 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида 35,9 фоиз), рус тилида 55,4 фоиз (юқори кўрсаткич Қорақалпоғистон республикасида – 66,7 фоиз, паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида – 47,2 фоиз) ; тарихдан ўзбек тилида 43,6 фоиз (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 49,1 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида – 37,1 фоиз), рус тилида 47,9 фоиз (юқори кўрсаткич Самарқанд вилоятида – 59,6 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида – 36,2 фоиз) абитуриент жавобларни тўғри белгилай олдилар. Республика миқёсида инглиз тилидан тест синовларидан ўтган абитуриентларнинг ўзбек тилида 38,1 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 56,6 фоиз, паст кўрсаткич Фарғона вилоятида – 31,6 фоиз), рус тилида 45,9 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 60,6 фоиз, паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида – 33,3 фоиз) ; немис тилидан ўзбек тилида 26,8 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 31 фоиз, паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида – 23,7 фоиз), рус тилида 31,1 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 43,8 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида – 24 фоиз); француз тилидан ўзбек тилида 30,5 фоизи (юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 44,8 фоиз, паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида – 26 фоиз), рус тилида 35,2 фо-

изи (юкори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 56,6 фоиз, паст кўрсаткич Жиззах вилоятида – 17,6 фоиз) жавобларни тўғри белгилашга муваффақ бўлдилар (тиллер абитуриентларнинг хохишига кўра танланди).

Юқорида айтилганидек, тест-усулларининг ривожланиб бориши кишилар онгида ижобий ўзгаришлар ясайди. Тест тизимининг келажак гоёси шундай: тест нафақат бирор ўқув юртига киришда, балки мактабларда, олий ва ўрта махсус билим юртларига кириш ва уни битиришда, сўнгра ишга жойлашишда – 4 босқичда қўлланилиши керак. Бу босқичлар ўзига хос «филтр» вазифасини ўтаб, жамиятга, мамлакатимизга чуқур билимли, малакали кадрларни тақдим этади. Ўз навбатида, бу босқичларни тўғри тушуниб етган ҳар бир бола ёшлигидан фанларни яхши узлаштиришга интила бошлайди.

Жамиятда ана шундай соғлом рухни шакллантириш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ходимлари ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида захмат чекмоқдалар. Айни пайтда, марказ атрофига 100 дан зиёд олимлар, малакали педагоглар йиғилган. Бу ерда тузилаётган ҳар бир тест саволи қайта-қайта мунозарадан ўтади, обдон текширилади, хорижий эллардаги тест усуллари билан таққосланади. Қолаверса, тест маркази нашр этаётган «Ахборотнома» орқали барча қўлланилаётган тест усуллари кенг жамовтчилик эътиборига ҳавола этилади ва очик муҳокама қилинади.

Бизнинг мақсадимиз битта: ҳаётга жорий этилаётган тест усулларида мукамалликка эришиш керак. Мукамал тест саволи – нозик педагогик ўлчов услуги. Айни вақтда бу услуб жуда юкори аниқликка эга бўлиши, инсон ақл-заковати, билими ва иқтидори даражасини тўғри белгилаб бериши даркор. Биз бу эзгу мақсадимиз йўлида анча кўламли ишларни бошлаб юборганмиз.

Марифат гаўетаси 1996 йил 27 апрель

ТЕСТЛАР – БИЛИМ МЕЗОНИ

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази ташаббуси билан «Ўзбекистонда педагогик тестларнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги илмий-услубий семинарнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлат тест маркази директори М.Муҳидтинов семинарни очар экан, 1992 йидда Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан МДХ мамлакатлари орасида биринчи марта олий ўқув юртларига қабул қилишни тест орқали амалга оширишнинг йўлга қўйилиши республикада таълим тараққиёти ўзига хос асосда бораётганлигидан гувоҳлик беради, дея таъкидлади.

Педагогик тестларни объектив ўлчов сифатида жорий этиш ўқишга, чуқур ва мустаҳкам таълим олишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиради. Шу боис мазкур услубни ўзлаштиришга таълим тизими ислохотининг муҳим бир қисми деб қарамоқ лозим.

Тест услубининг янгилиги ва унда кенг қўламда ўтилганлиги маълум қийинчиликларни ҳам туғдирди, албатта. Бу, аввало, таълим тизимининг етарли тайёр эмаслиги, назарий ишланмаларнинг кечикиши, тестларни ишлаб чиқиш ва фойдаланишда педагогик таркибнинг тайёр эмаслиги махсус адабиётларнинг етишмаслигида яққол намоён бўлди ҳамда уларнинг мезоний асосларини такомиллаштириш заруратини кўрсатди. Шу боис ушбу семинар, юқоридаги муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Давлат тест маркази уни мунтазам ўтказиб боришни режалаштирган.

Биринчи семинарда олий ўқув юртлари, илмий-текшириш муассасаларидан 200 нафардан зиёд олимлар, педагоглар, услубчилар, жумладан. Қозоғистон Республикаси таълимдаги янги технологиялар маркази директори ўринбосари Т.Тасбулатов иштирок этишди.

Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев семинарда сўзга чиқиб, таълим муассасаларининг барчасидаги ўқув-тарбия жараёни педагогик тест имкониятларига юқори баҳо берди. Мактаб фан олимпиадаларининг республика босқичида ушбу усулнинг қўлланилиши иқтидорли ўқувчиларни ҳолисона аниқлаш имконини яратди.

Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори, профессор М.Муҳиддинов «Ўзбекистонда тестларни ривожлантиришнинг ҳолати ва истиқболи» мавзуида маъруза қилди. Семинар қатнашчилари ҳукмига 1995 йилда абитуриентларни тестдан ўтказиш натижалари аниқ мисоллар, диаграмма ва чизмалар орқали ҳавола этилди.

Иш тажрибасининг таҳлили унинг кейинги такомилда муҳим омил бўлиб хизмат килади. Маърузачи тест услуги таълим тизими ислохотининг муҳим қисми эканлигига эътиборни қаратиб, унинг мезоний асосларини белгилаб берди. Таълим тизимининг тайёргарлиги, тестология бўйича назарий ишланмалар, тест ўтказиш технологияси ва мезоний базасини такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Маърузачи Давлат тест марказининг қатор янги йўналишларини ҳам тавсифлаб берди. Жумладан, тест ўтказишнинг кўп босқичли тизимини шакллантиришнинг тест саволлари вариантларини шакллантиришнинг компьютер усули, жойларла педагогларнинг тест маркази вакиллари иштирокида уларни синовдан ўтказиш ва бошқалар.

Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари института тестнинг илмий асослари бўлими бошлиғи, ТАЙИ профессори вазифасини бажарувчи Б.Л.Фарберман «Тест топшириқлари сифатини аниқлаш» мавзuidaги маърузасида педагогик ўлчов сифатидаги замонавий тест қандай бўлиши керак, деган масалани атрофлича ёритишга ҳаракат қилди. Педагог томонидан тузилган ҳар қандай тест билим даражасини аниқлаб берувчи восита бўла олмайди. У, аввало, илмий асосланган бўлиши керак. Худди шу асосга солингандан кейингина олинган натижаларга кўра, унинг сифатини аниқлаш мумкин. Б.Л.Фарберман ўзлаштириш ва мезоний мўлжал тестлари, ўқув мақсадларини тестга кўчириш масалаларига ҳам кенг тўхталди.

ЎзПФИТИ директор ўринбосари, профессор А.Абдукодиров педагогика билим юртларига абитуриентларни тест асосида компьютер орқали қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш йўллари тўғрисида, Низомий номидаги ТДПИ докторанти, психология фанлари номзоди Н.Сафаев педагогнинг тест маданиятини ошириш ҳақида сўзладилар. Сўнг козоғистонлик меҳмон Т.Тасбулатов республикада тест услубини жорий этишда олиб борилаётган ишларга ва Давлат тест марказининг бу борадаги фаолиятига юқори баҳо берди. Мазкур соҳада козоғистонлик ҳамкасблар тажрибалари билан ўртоқлашди.

Асосий маърузалар тинглаб бўлингандан сўнг семинар иштирокчилари ўзаро фикр алмашишди. Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий института ректори Ф.Шоумаров ўқитувчиларни тестдан ўтказиш жараёни ва натижалари тўғрисида гапирди. У Давлат тест маркази билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва дастурга тестология бўйича курсларни ҳам киритиш истagini билдирди. Профессор Ж.Ташхонова Низомий номидаги ТДПИ

физика факультетида ўтказилган рейтинг назорати натижалари ҳақида тўхталди. Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институтининг лабораторияси катта илмий ходими В.С.Фефелов абитуриентларни танлаб олишда психологик ва касбий тестларни ҳам жорий этишни таклиф этди. Бу улар истеъдодининг баҳо даражасини аниқлашга ёрдам беради, деди нотик.

Семинарда Ўзбекистонда тестни ривожлантириш концепциясининг мавжуд вариантларини маромига етказиш лозимлиги, кейинчалик абитуриентларни танлаб олишда педагогик, психологик ва касбий тестларни уйғунлаштариш кераклиги таъкидланди. Билимни тест орқали текширишнинг компьютер вариантыга мос, илмий асосланган тестларни тузишга ўтишнинг аҳамияти нечоғли экани уқтириб ўтилди.

«Педагогик тестлар» мавзусини Ўзбекистондаги долзарб илмий муаммолар қаторига чиқариш, бу соҳада тадқиқот олиб бориш истатини билдирган олимларга ҳар томонлама ёрдам бериш, кейинчалик педагогик тестлар муаммолари бўйича аспирантура очиш режалари илгари сурилди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари М.Ақбаров, Н.Едгоровлар иштирок этдилар.

Маърифат газетаси 1996 йил 18 май

ТЕСТ ИМТИҲОНЛАРИНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗАЙЛИК

Ёшларни олий ва ўрта махсус билим юртларида таҳсил олишга тўғри танлаш мураккаб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган жараёндир.

Ҳар йили кўп сонли Ўзбекистон ёшлари ўзларининг юксак умид ва ҳаётини режаларини руёбга чиқариш мақсадида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари даргоҳига кадам кўядилар. Ёшларнинг жамиятимиздаги демократик ўзгаришларга ишончли кириш имтиҳонларининг адолатли ўтказилишига, абитуриентларнинг билими холис ва одиллона баҳоланишига боғлиқ.

Кириш имтиҳонларини ташкил этишни ўз зиммасига олган Давлат тест маркази бу ишга катта эътибор билан ёндашиб, қатор илмий-методик, ташкилий ишларни амалга оширди.

Ўтган йилги тест синовлари яқунлари чуқур таҳлил этилиб, натижаларнинг микдорий ва сифат кўрсаткичлари аниқланди. Аби-

туриентларнинг имтиҳонларга киритилган предметлар бўйича жавобларидаги ютуқ ва камчиликлар кўрсатилди. Ҳар бир предмет бўйича бўш ўзлаштарилган мавзулар ҳақида асосли маълумотлар баён этилди. Абитуриентларнинг билими ҳар бир вилоятлар бўйича тавсифлаб берилди. Шу ҳақда чоп этилган «Тест якунларининг дидактик аспекти» ва «1996 йилдаги тест якунлари» (Тахлилий материал) халқ таълими ташкилотчилари, ўқитувчилар учун дастуриламал бўлишга лойиқдир.

Давлат тест маркази абитуриентларга кўмаклашиш мақсадида ўрта мактабни тугатган ўқувчиларни тест топшириқлари билан амалий таништиришга киришди. 1996 ва 1997 йилда тест топшириқларининг махсус чоп этилиши бу соҳада ижобий натижалар берди. Чунки ҳар бир абитуриент тестнинг моҳиятини тушуниш, тест билан бевосита ишлаб, ўз билимдонлигини аниқлаб кўриш имкониятига эга бўлди. 1997 йилда тестлар «Ахборотнома» («Вестник») да апрель ойларигача тўла эълон этилди. Кўпчилик ўқувчи ва ўқитувчиларнинг илтимоси билан тест саволлари бу йил ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида алоҳида чоп этилди.

Бу йил Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўрта мактаб битирувчиларининг 20 мингдан ортиғи тестдан ўтказилди ва натижалар ҳар бир тестда қатнашган ўқувчига етказилди. Натижалар лицей ва гимназияларимизни битирувчиларнинг тайёргарлиги нисбатан яхши эканлигини кўрсатди. Иккинчидан, ёшларимиз тест технологиясини яхши ўзлаштиришди. Учунчидан эса, умуман, тест синовларини мактабга жорий этишга замин тайёрланди, десак хато бўлади. Булардан шундай хулоса чиқадики, яқин келажакда мактабларнинг ўзидаёқ болаларни саралаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртига қабул қилиш имконияти туғилади.

Ўқувчиларни тестга тайёрлашда жавоб варақасининг плакат нусхаси чоп этилишини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки тест асосидаги синов вақтида жавоб варақасини нотўғри тўлдириш ҳоллари кузатилган эди. Плакат билан танишган ҳар бир абитуриент жавоб варақаси, унинг блоклари, жавоблар кодларини тўғри тўлдириш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади.

Тестга тайёргарлик ўтказиш жараёни ҳақида абитуриентга тўлиқ маълумот бериш мақсадида видеофильм тайёрланди. Бу абитуриентларга, имтиҳон комиссияси аъзоларига, айниқса, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларга катта фойда келтиради. Тест ўтка-

зиш жараёнидаги хато ва камчиликларни бартараф этиш, имтихон коидалари бузилишининг олдини олиш имкониятини ҳам беради. Видео фильм барча ўқув юртларига тарқатилди.

Кириш имтихонларининг муваффақиятли ўтишида тестларнинг сифати муҳимдир. «Ахборотнома»да чоп этилган тестларнинг барчаси ҳам банкларга киритилмайди. Апробациянинг натижалари махсус компьютер дастури билан унинг сифати, валидлиги, ишончилиги текширилади ва апробациядан муваффақиятли ўтганларигина жамғарма вариантлар тузиш учун киритилади. Бу йил тест банкининг ҳажми аввалгига нисбатан 2 баробар ортди, бу эса вариантларнинг кўпайишига олиб келди.

Тест технологиясидаги янгиликлардан бири шуки, абитуриентлар гуруҳлари ва ҳатто ўтирадиган жойларини ҳам компьютер белгилайди. Худди шунингдек, аудитория раҳбарларини қайси хоналарга тақсимлаш ҳам компьютер зиммасига юкланган.

Яна бир янгилик. Компьютер хотирасига бу йилги ҳужжат топширган абитуриентларнинг ва айна пайтда ўқиётган барча талабаларнинг аттестат рақамлари киритилади. Бу ўқиётган талабаларнинг номаъқул ниятлар билан қайта ҳужжат топширишининг олдини олади. Бундай талабаларга эса тегишли чоралар кўрилади.

Бугунги кунда тест топшириқлари қайта кўрилиб, яратувчи компьютер хотирасига киритидди. Компьютер дастур асосида тестларнинг мураккаб даражаси бир хил бўлган вариантлари тузилмоқда.

Тестларга тайёрланишда абитуриентларга ёрдамлашиш мақсадида ДТМ Республика телерадиокомпанияси орқали кўрсатув ва эшиттиришларни ташкил этди. Тажрибали ўқитувчи ва етакчи мутахассислар имтихонга киритилган барча фанлар бўйича тестларнинг моҳиятини, тестга тўғри жавоб бериш йўллари баён этишмоқда. Кўрсатув ва эшиттиришларда ўтган йилги тестга жавоб беришда абитуриентлар қийналган саволлар атрофлича тушунтирилмоқда.

Абитуриентлар учун титул ва жавоб варақаларининг янги нусхаси тайёрланди. Янги варақалар такомиллашган бўлиб, талабаларнинг тўлдириши учун қулай ва улар ҳақида тўлиқ маълумот беради. Бунда давлат гранти ва пуллик контракт асосида қирувчилар учун алоҳида белгилаш доирачалари мавжуд.

Тест республикамиз таълим тизимида билимларни аниқлашнинг ягона воситаси бўлиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг жорий имтихонларида ҳам қўлланилмоқда. Бу борада ДТМ ҳам махсус да-

стур яратиб, жорий ва битириш имтихонларини кўп вариантли тизимда олиб боришга асос яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 июлдаги 332-рақамли қарорига биноан 1997/98 ўқув йилида 21000та давлат грантлари белгиланиб, яна ҳар бир ихтисос бўйича белгиланган қабул миқдорининг 100 фоизи қадар доирада тўлов-контракт асосида қабул квотаси ўрнатилди.

Бу аввало, олий ўқув даргоҳларимизнинг бозор иктисодиётига кириб бориши, қолаверса ўқув юртларига абитуриентларни сифатли танлаб олиш, замонавий билимларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий маълумот олишда қобилятли ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш деганидир.

Бизнинг жамоамиз учун ҳам бу йилги тест синовлари ҳаяжонли синов ҳисобланади. Умуман, тест синовларининг ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтказилиши барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ходимлари, таъбир жоиз бўлса, ота-оналарнинг ва албатта, ҳурматли абитуриентларимизнинг билимига, виждоний поклигига боғлиқдир. Бу кўпчиликнинг бурчи.

Тест синови билимлилар, илмлилар мусобақаси. Албатта, кунт билан ўқиган, илмга чанқок ёшларимиз бу синовдан муваффақиятли ўтишига имоним комил. Мен уларга омад тилайман.

Маърифат газетаси 1997 йил 12 июль

ЎЗИМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Тараққиётни мақсад қилиб, бу борада ўзига хос йўлни танлаган ҳар бир мамлакат барча соҳалардаги ўз муваффақиятларини ривожланган давлатлардаги ютуқлар билан бўйлаштириб кўради. Бу, биринчидан, юртимизда олиб борилаётган ишлардан бошқаларни воқиф этса, иккинчидан, галлаги вазифаларни белгилаб олишимизга ёрдам беради. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бир гуруҳ ходимларининг АҚШга қилган амалий сафарларидан кўзлаган мақсадлари ҳам шундан иборат эди. Таассуротлар билан шу марказ бошлиги Муҳсин Муҳитдинов ўртоқлашади:

– Бизни анчадан буён Америкадаги тест-синовлари, унинг ўтказилиши технологияси қизиқтириб келарди. Тўғриси айтсам, бу борада 80 йиллик тажрибага эга, қолаверса, биринчилардан бўлиб, бу ишга кўл урган ва ривожлантирган америкаликларга беш-олти

йиллик иш натижаларимиз билан рўбару келиш қандай бўлар экан, деган хаёлга бордим.

Биринчи учрашувимиз Вашингтондаги халқаро таълим бўйича Америка кенгаши «АКСЕЛС»да бўлиб ўтди. Жамият президенти Дэн Дэвидсон АҚШ таълим тизими, иқтидорлиларни танлаш бўйича мамлакатда ва бошқа давлатларда олиб бораётган фаолиятлари ҳақида гапириб берди. Жумладан, улар юртимизда ҳам бир-неча йилдан буён ишлаётганлиги ва натижалар кўнгилдагидек бўлаётганлигини мамнуният билан таъкидлади. Биз ҳам қилинган ишлар, режалар ҳақида, ҳукуватимизнинг таълим-тарбияни давлат даражасидаги энг муҳим сиёсат, устувор йўналиш деб билаётганлиги ва унинг ривожини ҳар томонлама таъмин этиш билан боғлиқ, моддий-маънавий омилларни яратаётганлигини айтиб бердик.

Учрашув чоғида биз ўтган йилги тест синовлари натижалари асосида тайёрланган «Таҳлилий материаллар» имизнинг инглиз тилидаги вариантыни тақдим этдик. Дэн Дэвидсон уни кузатиб, биргина тест-синови натижаларидан чиқарилган шунчалик кенг қамровли хулосаларга, турли кесимларда қилинган таҳлиллар аҳамиятини эътироф этиб, МДХ давлатлари ичида бундайин батафсил ишни учратмаганлигини таъкидлади. Чиқарилган хулоса ва таҳлилни у «илмий асосланган» дея таъриф этди. Шунингдек, биз келгусида мамлакатимизда, «АКСЕЛС» билан ўқувчиларни танлашда ҳамкорлик қилиш режаларини ҳам тузиб олдик. Жумладан, амалдаги йилнинг май-июнь ойларига мўлжалланган учрашувда ушбу алоқаларни мустақамлайдиган режалар тузишга ва керакли ҳужжатларни имзолашга келишиб олдик.

Иккинчи учрашувимиз Вашингтондаги Коллежлар кенгашида давом этди. Биз бу ерда асосан ушбу таълим тури бўйича олиб борилаётган ишлар, тажрибалар, педагогик технология билан қизиқдик. Мамлакатимизда «кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бўйича ёшларга касб-хунар ўргатиш масаласининг ҳар томонлама ҳал этилаётганлиги тўғрисида батафсил маълумот бердик.

Маълумки, Давлат тест маркази қошида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил март қарорига биноан Аттестация ва аккредитация бошқармаси тузилган эди. Биз Вашингтондаги Халқаро таълим тизими сифатини таъминлаш Марказининг айнан шу вазифани бажарадиган бўлими фаолияти билан қизиқдик. Улар иш тажрибаларини ўрганиш мобайнида кўпгина ибратли томонларни кўзатдик. Мамлакатимизда ҳам, ўқувчининг умумтаълим тизимида ҳамда талабаларнинг ўрта-маҳсус ва олий ўқув юртида олаётган билими ва

уларда мутахассислар тайёрланиши сифатини назорат қилиш бизнинг зиммамизга топширилганлигини айтдик. Улар ўқувчидан то етук мутахассис етиштиришгача бўлган жараённинг бизда узлуксиз назоратга олинганлигини эшитиб, Президентимизнинг таълим мутахассислар тайёрлашга бўлган алоҳида эътиборини янада ёрқинроқ англашди. Бу борада стратегик масала қўйилганлиги эътироф этишди. Республикамиз таълим тизимини ҳам ушбу Халқаро тизимга қўшилиши таклифини илгари суришди.

Учрашувларимизнинг энг муҳими – Принстон шаҳридаги Тест марказида бўлди. Алоҳида бинога ва 200 гектар майдонга эга бўлган бу марказда икки мингдан ошиқроқ ходим ишлар экан. Техник жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Улар бизга тест-синовлари ўтказиш технологиясини, чет мамлакатларда «TOEFL» тестлари ўтказиш тартибларини батафсил гапириб беришди. Бизнинг кўп вариантли тизимимизга қизиқиб қолишди. Уларда ҳолислик ва сирлилик қуйидагича сакланар экан: Масалан, 25 кишилик аудиторияда абитуриентлар бир-биридан узокроқ масофада ўтиришар экан. Биринчи кишига тушган савол айнан шу мазмунда бошқа тартиб раками остида иккинчисига ҳам тушиши мумкин экан. Шундай қилиб, 100 та савол бўлса, ўшаларнинг ўзи турли тартиб ракамлар билан йигирма беш кишига тушаркан.

Биз кўп вариантли тестлар ҳақида гапирганимизда, бундай савол жамғармасини тузишга анчагина маблағ кетишини айтишди. Улар бизлардан нега саволларни олдиндан беришимизни сўрашди. Биз бу биринчидан, шунчалик ҳажмдаги саволлар жамғармаси ва улар жавобларини ёдлаб бўлмаслигини, иккинчидан, бу саволлар ўқувчиларга фанлар, уларнинг боблари бўйича аниқ йўлланмалар бериб, мустакил ишлашга даъват этишини таъкидладик. Уларда тест-синовларидан, 4 ҳафтадан сўнг унинг натижалари эълон қилинар экан. Абитуриент тест-синовларидан ўтиш учун 50–70 доллар миқдорида пул тўлайди.

Албатта, АҚШда таълим олаётган ўзимизнинг ёшларимиз, қолаверса, Тест марказимиз танловидан ўтган талабаларимиз тақдири ҳам бизни қизиқтирди. Президентимизнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси томонидан Бинхинтон университетида таълим олаётган йигит-қизларимиз билан суҳбатда бўлдик. Шуниси қизиқки, уларнинг барчаси бизнинг тест-синовларимизда энг юқори балл тўплаганлар экан. Университет ўқитувчилари мамлакатимиз ёшларининг серғайратлиги, билимдон ва изланувчанлигини, асосан, одобли эканликларини макташди.

Билим масканидаги шароитлар билан танишарканмиз, бир нарсага эътибор қаратдик, яъни талабаларнинг мустақил ўқиб-ўрганиши учун яратилган шарт-шароитга – бой кутубхона, интернет тизимига уланган компьютер хоналари. Барча талабалар ўзи билан ўзи овозра. Шундай бўлгач, бола мустақил билим олиб, натижада, мустақил фикр эгаси бўлиб шаклланади. Бу ерда шунга алоҳида эътибор беришар экан.

Сафардан қайтар эканмиз, шахсан Президентимиз ташаббуслари билан таълим тизимимиздаги ислохотлар ўз-ўзидан, тўғри мақсадлар сари йўналтирилганлигига яна бир бор амин бўлдик.

Маърифат газетаси 1999 йил 14 апрель

МАМАЛАКАТИМИЗДА ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИГА ҚАНДАЙ МУТАХАССИСЛАР КЕЛМОҚДА?

Республикамиздаги 9 та тиббиёт олий ўқув юртлари битирувчиларини тест синовидан ўтказган Давлат тест таркази ходимлари шу саволга жавоб излашди.

Юқори малакали мутахассислар юртимизнинг эртасини белгилайди. Зеро, олий ўқув юртида таълимни ташкилий, методик жиҳатдан такомиллаштириш, янги технологияларни қўллаш, рейтинг тизимини юқори поғонага кўтариш, ўқув юртларини аттестациядан ўтказиш етук мутахассислар тайёрлашнинг гаровидир. Кадрлар сифати талабанинг ўқиш даврида мустаҳкам билим олишини, ўз касбининг сирларини мукамал эгаллашларини талаб қилади. Буни жорий имтиҳонлар даврида, айниқса, олий ўқув юртини битириш даврида тўғри аниқлаш ва одилона баҳолаш керак. Давлат тест маркази бир неча йилдан бери тиббиёт олий ўқув юртлари битирувчиларининг билимларини тест асосида текширмоқда. Тестлар тиббиётнинг ўндан ортиқ йўналиши бўйича тайёрланди. Тестларни тайёрлашга тиббиёт олий ўқув юртларининг тажрибали мутахассислари жалб этилмоқда. Тузилган тестлар атрофлича экспертизадан ўтказилгач, хулоса ясалади. Амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ, шу йилнинг 9 июнь куни республикадаги 9 та тиббиёт ўқув юртларида тест синовлари ўтказилди.

Тиббиёт таълим мутахассисликлари (даволаш иши, педиатрия, стоматология ва тиббиёт-профилактика ишлари) бўйича 3 йил давомидаги тест натижаларининг таҳлили куйидаги жадвалда келтирилган:

Тиббиёт институти битирувчиларининг 1998–2000 йил тест синовлари натижаларига кўра, ўртача балл кўрсаткичлари

Код	Ўқув юрти номи	1998 йил		1999 йил		2000 йил	
		Битир. сони	Ўрта балл	Битир. сони	Ўрта балл	Битир. сони	Ўрта балл
338	Тошкент тиббиёт институти Урганч филиали	133	85,65	0	0	142	91,23
344	Тошкент тиббиёт институтининг Фарғона филиали	94	82,86	52	95,52	35	91,46
349	Тошкент тиббиёт-педиатрия институтининг Қорақалпоғистон филиали	138	93,96	0	0	114	84,74
361	Андижон тиббиёт институти	644	96,49	0	0	439	81,93
362	Бухоро тиббиёт институти	293	97,66	91	94,42	262	92,61
363	Самарканд тиббиёт институти	609	96,62	0	0	401	86,25
364	Тошкент тиббиёт институти (биринчи)	430	102,00	112	93,83	302	96,54
366	Тошкент тиббиёт институти (иккинчи)	437	101,47	99	96,98	265	95,14
367	Тошкент педиатрия-тиббиёт институти	420	93,83	0	0	324	84,16
	Жами:	3198	94,5	354	95,19	2284	89,34

Жадвалда кўрсатилганидек, 4 та олий ўқув юртида (I- ва II-Тошкент тиббиёт институтлари, Тошкент тиббиёт институтининг Фарғона филиали ва Бухоро тиббиёт институтларида) 3 йил давомида ижобий ҳамда ижодий тажриба тўпланди. 1998 йили 3198 нафар, 1999 йили 354 нафар ва 2000 йили 2284 нафар битирувчи тест имтихонларида қатнашди. Имтихонларда битирувчилар 89,34 дан 95,19 гача ўртача балл тўпладилар. Бу кўрсаткич битирувчилар билимига ҳолисона мос келиши ўқитувчилар томонидан тан олинди. 2000 йилдаги тест натижалари шуни кўрсатдики, Андижон тиббиёт институтида 3 нафар битирувчи, Тошкент педиатрия институти ва Самарканд тиббиёт институтларида бир нафардан битирувчи энг юқори баллнинг 55 фоизидан камроқ миқдорини тўплаганлар. Тест натижаларига кўра I ва II Тошкент тиббиёт институтлари юқори кўрсаткичларга эришганлар. Андижон тиббиёт институти бу борада бошқа тиббиёт олий ўқув юртларга нисбатан анча орқада. Келтирилган маълумот ўқув юртлари раҳбарияти томонидан таҳлил этилиши ва тегишли хулоса чиқарилиши керак. Битирувчи боқич талаба-

ларининг 2000 йилдаги имтиҳонда кўрсатган ўртача самарадорлиги куйидаги жадвалда келтирилган:

Тиббиёт институтлари битирувчиларининг 2000 йил тест синовлари натижаларига кўра, ўқув юртлари бўйича ўртача самарадорлик кўрсаткичилари

код	Ўқув юрти номи	Ўртача самарадорлик (% ҳисобида)	
		Ўзбек гуруҳи	Рус гуруҳи
338	Тошкент тиббиёт институти Урганч филиали	84,97	81,57
344	Тошкент тиббиёт институтининг Фарғона филиали	83,41	87,87
349	Тошкент тиббиёт-педиатрия институтининг Қорақалпоғистон филиали	76,73	86,11
361	Андижон тиббиёт институти	74,76	82,82
362	Бухоро тиббиёт институти	86,03	84,64
363	Самарқанд тиббиёт институти	78,80	84,79
364	Тошкент тиббиёт институти (биринчи)	87,03	92,23
366	Тошкент тиббиёт институти (иккинчи)	87,66	88,99
367	Тошкент педиатрия-тиббиёт институти	76,01	82,60

Тест синовларини ўтказиш бошлангандан бери 3 йил ичида махсус ўқув фанлари (жарроҳлик, терапия, гигиена, педиатрия, стоматология каби) бўйича тест жамғармаси кўпайганига қарамай, барча битирувчиларнинг жавоблар самарадорлиги ўртача 76–92 фоизни ташкил этган.

II-Тошкент тиббиёт институти 87,66%, I-Тошкент тиббиёт институти 87,03%, Бухоро тиббиёт институти 86,03% натижага эришиб, юқори ўринни эгаллаган. Битирувчиларнинг жавоблар самарадорлиги Тошкент педиатрия ва Андижон тиббиёт институтларида паст бўлган. Кўриниб турибдики, битирувчилар 1998 йилда стоматология ва даволаш ишидан, 1999 йилда тиббиёт-профилактика ишларидан ва 2000 йили стоматология ва тиббиёт-профилактика ишларидан юқори натижаларга эришган.

Ўзбек ва рус гуруҳларида терапевик стоматология, ортопедик стоматология, меҳнат гигиенаси ва эпидемиология бўйича натижа юқори бўлган. Лекин педиатрия ва болалар юқумли касалликлари бўйича натижа паст бўлган.

Хулоса шуки, тиббиёт олий ўқув юртларининг битирувчи курс талабалари билимини тест асосида текшириш таълимда ютуқ ва камчиликларни аниқ белгилаш имкониятидан келиб чиқди. Битирувчилар билими тўлиқ ва аниқ текширила бошланди. Тестларни тузишга эътибор кучайтирилса, тест банк жамғармаси бойитилса, талабалар тест технологиясига ўргатилса, муваффақиятлар янада кўпаяди.

ТЕСТ СИНОВИ ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАДИГАН ЖАРАЁН

Яқинда Россия таълим вазири Владимир Филипповга бевосита мулоқот чоғида айрим абитуриентларга кириш имтиҳонларида очиқчасига баҳолар ошириб қўйилаётганлиги, унинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар қўрилаётганлиги ҳусусида савол тушди. Вазир бу саволга жавоб бера туриб, бунинг бирдан-бир йўли олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини бекор қилиб, унинг ўрнига ягона миллий тестни жорий этиш эканлиги, бу тадбирни амалга ошириш учун эса яна 3–4 йил керак бўлишини айтди. Мамлакатимизда эса абитуриентлар мана, 7 йилдирки, талабалikka айнан шу – ҳолис, адолатли усул, деб баҳоланаётган тест асосида сараланмоқда. Ушбу танлов ҳолисликни таъминлашдан бошқа яна қандай мақсадларни қўзда тутган эди ва уларга қанчалик эришилмоқда? Бу йилги тест-синовларини ўтказишга қандай тайёргарлик қўрилмоқда? Бу борадаги янгиликлар, ўзгаришлар нималардан иборат, каби саволларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Муҳсин Муҳитдинов жавоб беради:

– Ҳукуматимизнинг, шахсан Президент Ислон Каримовнинг ташаббуси билан олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларидан воз кечилиб, ёппасига тест-синовларга ўтилганлиги, аввало, абитуриентлар ичидан талабалikka танлов сифатини оширишга қаратилган тадбир эди. Маълумки, унғача бўлган вақтда ушбу сифатни таъминлашга монетьлик килаётган бир талай тўсиқлар мавжуд эдики, энг ачинарлиси, улар нафақат биргина танлов жараёнига, балки бир бутун олганимизда мамлакатимиздаги барча соҳалардаги ривожланишга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказиб келаётган эди. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бу тадбирдан қўзланган мақсад, унға юкланган вазифа нақадар муҳим ва юксак.

Биз навбатдаги тест синовларига тайёргарликни унинг жорий йилдагисини тугаллаганимизданок бошлаб юборамиз. Бу жараён бир-неча йўналишларда олиб борилади. Аввало, бўлиб ўтган тест синовларининг қандай ўтказилганлиги – нималарга эришилди, қандай камчиликлар бўлди, буларни барчаси таҳлил қилинади. Шу орқали тест тизимини такомиллаштириш учун зарур бўлган жиҳатлар аниқлаб олинади ва иш маълум бир мақсадда ташкил этилади.

Иккинчи бир йўналишимиз – тест синови натижаларини таҳлил қилишдан иборат. Бу ишни биз қўпгина кўрсаткичларга асосланган ҳолда олиб борамиз. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, қайси институтга, олий ўқув юртига талаб, танлов қандай бўлганлигидан,

ўрта умумтаълим фанларининг қайси вилоят, туман ва мактабларида талабига мос равишда ривожланиб бораверади. Чунки ҳаёт ҳар бир мутахассисликка юкори талаб қўяётган экан, аввало, билимли, эътиқодли, миллий истиқлол ғояларига содиқ бўлган ёшларни камол топтириш тақозо этилади. Қувонарлиси – йилдан йилга тестни жамиятимиздаги янги ижтимоий ҳодиса сифатида англаб, уни тўғри тушуниб, чин дилдан тайёрланиб, ҳақиқий билимга эга бўлаётган ёшлар кўпаймоқда. Лекин тестда турлича «қинғир» йўлларни излаётган, осонлик билан ўқишга киришни истаётганлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ҳам тестларни сифат жиҳатдан, ташкилий ва услубий жиҳатдан такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Давлат тест маркази тест банки жамғармасини муттасил кенгайтириб, юз мингга етказди. Ҳозир исталган мутахассислик бўйича кўплаб тенг қувватга эга бўлган тест топшириқлари вариантини тайёрлаш имконияти яратилди. Бундай шароитда абитуриентнинг тест жавобларини ёдлаб олиш имконияти йўқолади. Саволлар тузишда ҳам шунга эътибор берилдики, абитуриент жавоб излашда ўйласин, мустақил фикр юритсин ва хулоса чиқарсин.

Давлат тест маркази эълон этилган тестларни мазмун ва моҳиятини сақлаган ҳолда мукамаллаштирмоқда ва ўзгартирмоқда. Шунингдек тўғридан-тўғри тест имтиҳонида қисман топшириқлар қўшилмоқда. 2000 йилда «Ахборотнома» («Вестник») журналларининг фақат 10 та сони чоп этилди. Буларнинг ҳаммаси абитуриентдан чуқур ва асосли билим олиб тестларга тайёрланишни тақозо этади. Тест топшириқлари мавжуд мактаб ўқув дастурлари асосида, чоп этилган дарслик ва қўлланмаларга қатъий риоя этиб тузилган.

Бу йил тест синовлари кундузги ва сиртки бўлимларга бир кунда ўтказилади. Шундай қилинганда абитуриент «ё остидан, ё устидан», дея таваккал қилмасдан, фақат чуқур билим олиб, ўқув юртини қатъий танлаб тест имтиҳонида иштирок этишга ўзида масъулликни ҳис этади. Давлат тест маркази ўқув юртлари қабул комиссиясидан абитуриент ҳақида тўлиқ, маълумот беришни талаб этмоқда. Улар «Абитуриент» автоматлаштирилган информатсион тизими асосида ҳар бир абитуриент ҳақида тўлиқ маълумотни ДТМга юборади. Унда паспорт рақами ва серияси, аттестат ва мактаб рақами ва бошқа 20 дан ортиқ, маълумот берилади. Абитуриент паспортига оид маълумотлар биринчи марта олинмоқда. Худди шундай маълумот таълим олаётган талабалар ҳақида ҳам берилиши талаб этилмоқда. Бу тадбир тест синовида «холис хизмат» қиладиган «кўмакчиларни» ўз вақтида аниқлаш учун қилинди. Ҳар бир ўқув юртидаги аби-

туриентлар рўйхати махсус компьютер дастури орқали тузилади. Уларнинг тест имтиҳони куни ўтирадиган ўринлари ҳам компьютерда белгиланади. Давлат тест марказининг ўзида абитуриентлар ўзлари учун белгиланган ўринларда ўтирган-ўтирмаганлигини, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари ўз вазифаларини қандай бажарганликларини аниқлаш ва уларга тегишли баҳо қўйиш тизими яратилмоқда.

Тестнинг жамиятимиздаги ўрни, унинг давлатимиз таракқиётини таъминлашдаги аҳамияти юртдошларимиз томонидан қанчалик чуқур англаиб борган сайин уларда бу амалиётга нисбатан ишонч туйғуси ортади. Бу, айниқса, ёшларимиз онгида биринчи галда шаклланиши керак бўлган тушунча. Шунинг назарда тутиб биз имкон қадар ёшларга яқинроқ боришга, уларга тестнинг асл мақсадларини тушунтиришга ҳаракат қиляёмиз. Шундай тадбирларимиздан бири – жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар ёрдамида Тест марказлари очилмоқда. У ерда ўқувчилар ҳали мактаб партасидаёқ олий ўқув юртлири учун тест синовларини топширишни машқ қилади. Шундай марказлар ҳозирда Тошкент шаҳрида, Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятида фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг мутахассисларимиз у ердаги компьютер техникаларига махсус дастурлар ўрнатишган ва жавоблар бевосита Давлат тест марказига юборилади. Бу ердан эса ўқувчи тўплаган балл миқдори аниқланиб, қайтариб юборилади. Бу биринчидан, ўқувчи учун машқ бўлса, иккинчидан, ўз имкониятларини чамалаб кўриш, зарур ҳолда ўз устида ишлаш лозимлигини уқтиришда қўл келмоқда. Ушбу тажриба келажакда такомиллаштирилгач, ҳаттоки у ердаги тест топшириқларини ечган ўқувчи абитуриент билимлари ҳақида сертификат бериш ҳам мумкин бўлади.

Сўзимнинг сўнгида бир нарсани таъкидламоқчиманки, бизнинг холисликни, адолатни ўрнатиш учун қилаётган ушбу ҳаракатларимиз маълум маънода ушбу жараёнга жалб этилган кишиларнинг оддий фуқаролик бурчларини англаб, уни рисоладагидек адо этиши билан уйғунлашмаса, қутилган натижага эришиш қийин. Шу боис, абитуриентлар, уларнинг ота-оналари хушёр бўлиши, кўз ўнгида содир этилаётган номаъқулчиликларга мурасасиз бўлиши шарт. Бир кунда бўлиб ўтадиган ушбу жараён нафақат ўзимизнинг, балки мамлакатимизнинг келажакдаги тақдирини белгиловчи муҳим воқеа эканлигини зинҳор унутмаслигимиз керак.

КОНСТИТУЦИЯНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА БИЛАСИЗ?

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унинг маъносига етиб бориш ва амалий ҳаётимиз қўлланмасига айлантириш зарурлигини таъкидлаб ўтган эди. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Президент Фармойиши ҳам бу муҳим тадбирни амалга ошириш учун яна бир асос бўлди.

Давлат тест марказида дастлаб 1998–2000 йилларда олий ўқув юртларига кириш учун тест синовларидан ўтган абитуриентларнинг тест жавоблари таҳлил қилинган. Энди эса олий ўқув юртида таҳсил олаётган II–IV курс талабаларининг Конституцияга доир билимларини синашга оид тест топшириқлари натижалари таҳлилини ҳавола этмоқчимиз. Бу борада техника ва педагогика олий ўқув юртларининг 4200 нафардан ортиқ талаба тест синовларидан ўтказилди.

Қонун ва ёшлар

– Марказимиз тестнинг адолатли танлов мезони экани эътироф этилган кўплаб мактублар олади. Энди тест орқали ўтган йили талаба бўлганларни таҳлил қилсак, уларнинг аксарият қисмини юртимизнинг чекка туманлари, кишлоқ мактабларида таълим олган болалар ташкил этади. Олий ўқув юртларига кирган йигит ва кизларнинг 45 фоизи ишчи ва кишлоқ меҳнатқашлари фарзандлари, 48 фоизи зиёллар, яъни муҳандис, шифокор ва ўқитувчилар оиласидан, факат 6,9 фоизигина ишбилармонларнинг болаларидир.

– Шикоятлар қай йўсинда кўриб чиқилади?

– Кўпчилик абитуриентлар тест марказига қабулга келганларида марказнинг фанлар бўйича экспертлари томонидан улар йўл қўйган хатолари тушунтирилади. Лекин шуни айтиш керакки, тест натижалари белгиланган тартибга биноан апелляция қилинмайди. Шу муносабат билан марказимиз талабаларини қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга аниқлик киритишни таклиф этмоқда.

– Дейлик кизингиз ё ўғлингиз ўқишга қияпти. Уларга нима деб маслаҳат берган бўлар эдингиз?

– Тестларни қурук, кўр-кўрона ёдлаш билан иш битмайди. Агар хар бир фаннинг моҳиятини чуқур англаб ўрганишса, фарзандларимиз, албатта, ўзлари орзу қилган билим даргоҳининг талабаси бўладилар. Бунга сира шубҳа йўқ.

– Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Туркистон газетаси 1998 йил 27 май

ТЕСТ – ЭНГ АДОЛАТЛИ СИНОВ

Мамлакатимизда йилдан-йилга таълим тизилиши ишлаши, такомиллаштириши, бу ишда адолат мезонини йўлга қўйишга катта эътибор берилмоқда. Бундан беш йил муқаддам олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларига қабул жараёнида Ўзбекистонда МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб тест синовлари жорий этилган эди. Тест энг адолатли синов усули эканлигини бугун барча эътироф этмоқда.

Мухбиримиз Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маъкамаси хузаридаги Давлат тест маркази директори Мухсин Мухитдинов билан учрашиб, бу йилги тест синовларига тайёргарлик ишлари ҳақида суҳбатлашди.

– Мухсин Мўминович, энг аввало, бу йилги тест синовларидаги янги қондалар, ўзгаришлар ҳақида гапириб берсангиз.

– Истиклол шарофати билан эришган кўплаб ютуқларимиз каторида олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларига ёшларни тест синовлари асосида қабул қилишга ўтганлигимизни ифтихор билан таъкидлашим керак. Давлат тест маркази ўз фаолиятини бошлаганига беш йил бўлди. Ўтган қисқа муддатда адолатли синовга нисбатан ишончни мустаҳкамлаш борасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Эндиликда давлат миқёсидаги бу гоё рўёбга чикибгина қолмай, ҳамма учун энг маъқул воқеликка айланди. Ваҳоланки, дастлабки даврда тест синовларига кимдир чўчиб, яна биров шубҳа билан қараган эди.

Тест усулининг ҳаётимизга тобора сингиб бораётганига бугунги кунда ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Дарҳақиқат, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури, Таълим тўғрисидаги Қонун ҳаётга татбиқ этилаётган даврда ўқишга қираётган ёшлар билимини баҳолаш борасида тестнинг ўрни бекиёсдир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 1998–99 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, бу йил мамлакатимиз олий ўқув юр்தларига давлат грантлари бўйича 21 минг, шартномалар бўйича ҳам шунча, жами 42 минг нафар талаба қабул қилинади. Қарорда тест синовларидаги янгиликлар, ўзгаришлар ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган.

Ўтган йилларда давлат грантлари бўйича алоҳида, шартномалар бўйича алоҳида қабул ўтказиларди. Баъзан давлат гранти бўйича юқори балл тўплаган абитуриент қолиб, шартнома бўйича ундан оз балл тўплаган абитуриент ўқишга кириб кетар эди. Бу усул ота-

Шунинг учун бу йил олий ва ўрта
таълимга қабул барча учун давлат грантлари бўйича
таълимга ҳам тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари
таълимга қўйилади. Тест синовларидан энг юқори балл
таълимга давлат грантлари бўйича биринчи навбатда

олий ўқув юртига 500 та давлат гранти бўйича,
Осида, жами 1000 та талаба қабул қилинади дей-

иноан энг юқори балл тўплаган 1000 та абиту-
ренти 500 таси давлат грантлари бўйича, қолган
абитуриентлар асосида қабул қилинади. Шунингдек, бу йил
таълим олиш мамлакатимизда мутахассисларга бўлган
таълимнинг қўллангани. Жорий йилда гуманитар мутахассис-
ларнинг ҳақи ажратилган. Мамлакатимизнинг чет эллар
таълимдан-йилга кенгайиб бормоқда. Демак, чет тилини
таълим олишга талаб ортмоқда. Бу йил биргина Жаҳон
таълимга 1170 нафар талаба қабул қилинади. Сўнг-
ги йилларимизга малакали ўқитувчилар етказиб бе-
таълим парварлик, юртга садокат руҳида тарбиялаш-
берилмоқда. Бу йил педагогика ўқув юртларига
таълим ўпроқ талаба қабул қилинади. Биргина Тошкент
таълим университети 2080 та ўрин берилган.

таълим глаб Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар
таълим қисмлари тасарруфидаги ўқув юртларига ҳам тест
қабул бўлади. Марказимизда бу ўқув юртларига
таълимга мўлжалланган махсус тестлар яратилди. Шу-
таълим дастури асосида академик лицейлар учун ҳам те-

таълим натижалари белгиланган тартибга биноан ап-
таълим ди. Шу муносабат билан марказимиз талаба-
таълим тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга
таълим и таклиф этмоқда. Унга кўра, тест ўтказилаёт-
таълим ат тест саволининг бирортасига эътироз билдир-
таълим ни исботлай олса, ўша вақтда аудитория раҳбари
таълим томонидан абитуриент эътирози тўғрисида мах-
таълим ўлдирилади. Далолатнома гуруҳнинг жавоблар
таълим қисмига қўйилиб, жавоблар варақаси пакетига солиб
таълим абитуриент тест саволига эътироз билдирган бўл-
таълим маъмурияти шарт.

монидан Ч
иктидорли
олиш бўлиб
- Йўқ.
Ўтган йили
саволлар 60
ни ёдлаб
пайтида те
ги тартибд
мақсадимиз
бериш эмас
сатишдир.
курук ёдла
дида кўзлан
Ахборот
каларини о
боротномад
ўқишга, ўрг
- Муҳси
жи бўлса, и
- Яшири
яхши олий
дорларнинг
димизда рў
учун баъзи
эса, ўқув т
Бунисбот
лабаликка к
деҳконларни
Бор-йўғи 7
лаларидир.
узок-узок қ
мактублар х
мактубларда
ўқишга кир
Президенти
Шуни а
нинг қўлла
етиш, фанл
нинг малак

оналарда ҳақли эътироз уйғотди. Шунинг учун бу йил олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул барча учун давлат грантлари бўйича ҳам, шартнома бўйича ҳам тенг ҳуқуқлилиқ, ягона қабул қоидалари асосида амалга оширилади. Тест синовларидан энг юқори балл тўплаган абитуриентлар давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилинади.

Масалан, бирор олий ўқув юртига 500 та давлат гранти бўйича, 500 та шартнома асосида, жами 1000 та талаба қабул қилинади дейлик.

Янги қоидага биноан энг юқори балл тўплаган 1000 та абитуриентнинг дастлабки 500 таси давлат грантлари бўйича, қолган 500 таси шартнома асосида қабул қилинади. Шунингдек, бу йил талабалар қабул қилиш мамлакатимизда мутахассисларга бўлган эҳтиёжга қараб белгиланди. Жорий йилда гуманитар мутахассисликларга 14 мингта жой ажратилган. Мамлакатимизнинг чет эллар билан алоқаси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Демак, чет тилини биладиган мутахассисларга талаб ортмоқда. Бу йил биргина Жаҳон тиллари университетига 1170 нафар талаба қабул қилинади. Сўнги йилларда мактабларимизга малакали ўқитувчилар етказиб бериш, ёш авлодни ватанпарварлик, юртга садокат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил педагогика ўқув юртларига ҳам ҳар йилгидан кўпроқ талаба қабул қилинади. Биргина Тошкент давлат педагогика унверситетига 2080 та ўрин берилган.

Шу йилдан бошлаб Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари тасарруфидаги ўқув юртларига ҳам тест синовлари асосида қабул бўлади. Марказимизда бу ўқув юртларига курсантлар танлашга мўлжалланган махсус тестлар яратилди. Шунингдек, 5–9-синф дастури асосида академик лицейлар учун ҳам тестлар тузилди.

Яна бир гап. Тест натижалари белгиланган тартибга биноан апелляция қилинмайди. Шу муносабат билан марказимиз талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга аниқлик киритишни таклиф этмоқда. Унга кўра, тест ўтказилаётган куни абитуриент тест саволининг бирортасига эътироз билдирса ва ўз эътирозини исботлай олса, ўша вақтда аудитория раҳбари ва марказ вакили томонидан абитуриент эътирози тўғрисида махсус далолатнома тўлдирилади. Далолатнома гуруҳнинг жавоблар варақаларининг устига қўйилиб, жавоблар варақаси пакетига солиб бизга юборилади. Абитуриент тест саволига эътироз билдирган бўлса-да, унга жавоб бериши шарт.

– Ҳозирда айрим абитуриентлар Давлат тест маркази томонидан чиқарилган Ахборотномаларни ёдлаш билан банд. Бу иқтидорли ёшларни эмас, балки иқтидорли «ёдловчиларни» танлаб олиш бўлиб қолмайдими?

– Йўқ. Чунки тест саволлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўтган йили Ахборотномаларда 40 минг савол бор эди. Бу йилги саволлар 60 мингга, келаси йили 90 минггага етади. Бунча саволни ёдлаб олишнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, компьютер синов пайтида тестларни шундай тақсимлайдики, улар Ахборотномадаги тартибда бўлмайди. Бизнинг Ахборотномаларни чиқаришдан мақсадимиз абитуриентларга саволларни ёдлаб олиш имкониятини бериш эмас, балки синовга тайёрланишлари учун йўл-йўриқ кўрсатишдир. Улар шуни эсдан чиқармасликлари керакки, саволларни курук ёдлаш эмас, ўқиш, ўрганиш, моҳиятига етиш уларни пировардида кўзланган мақсадга элтади.

Ахборотномалар, ҳатто айрим мактаб ўқитувчиларига ўз малакаларини оширишларига ҳам ёрдам бермоқда. Чунки ўқувчи Ахборотномадаги саволни берганда уялиб қолмаслик учун ўқитувчи ўқишга, ўрганишга, изланишга мажбур бўляпти.

– *Муҳсин Мўминович, тестни энг адолатли синов деяпмиз. Илоҳи бўлса, шуни мисоллар билан тушунтириб берсангиз.*

– Яшириб нима қиламиз: собиқ шўролар тузуми даврида энг яхши олий ўқув юртларига биринчи навбатда амалдорларнинг, пулдорларнинг фарзандлари кирар эди. Бу иш ҳаммамизнинг кўз олдимизда рўй берагани учун одамларда ишонч йўқолган. Шунинг учун баъзи ота-оналар ҳамон эскича кайфиятда юришибди. Аслида эса, ўқув тизими тест синовларига ўтгач, вазият мутлақо ўзгарган. Буни исботлаш учун узоққа бориб юриш шарт эмас. Ўтган йили талабалikka қабул қилинган ёшларнинг 45 фоизини оддий ишчи ва деҳқонларнинг, 48 фоизини зиёлиларнинг фарзандлари ташкил этди. Бор-йўғи 7 фоиз талаба эса тадбиркор ва ишбилармонларнинг болаларидир. Бундан ташқари, тест марказимизга мамлакатимизнинг узоқ-узоқ қишлоқларида яшовчи оддий меҳнаткашлардан келаётган мактублар ҳам тестнинг адолатли усул эканлигини исботламоқда. Бу мактубларда ота-оналар фарзандлари ўз кучлари, билимлари билан ўқишга кирганини таъкидлаган ҳолда, шундай шароит яратиб берган Президентимизга ўз миннатдорликларини ҳам изҳор этишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўп вариантли тест тизимининг қўлланиши турли минтақалардаги таълим аҳволини таҳлил этиш, фанлар бўйича дарс самарадорлиғни баҳолаш, педагогларнинг малакасини, мактабларнинг ўқув-услубий адабиётлар билан

таъминланиш даражасини аниқлаш учун бекиёс имконият яратди. Эндиликда тест натижаларининг таҳлили мамалакатимизнинг барча вилоятларидаги педагогик жамоалар ва халқ таълими ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда. Бу тест ўтказиш технологиясини такомиллаштириш, сифатли янги тестлар яратиш, тест ўтказиш маданиятини юксалтиришда бизга катта ёрдам бермоқда.

– *Муҳсин Мўминович, малакатимизда тест синовлари жорий этилганига беш йил бўлди. Шу вақт мобайнида ўзига яраша қийинчиликлар, муаммолар ҳам пайдо бўлган бўлса керак?*

– Албатта, ҳар қандай яхши ташаббус ҳам ўз-ўзидан амалга ошавермайди. Билсангиз, дастлаб тестга ўтилганда жавоб варақалари калам билан тўлдириларди. Бу одамларда ишончсизлик уйғотди. Шунинг учун ручка билан тўлдиришни жорий этдик. Бундан ташқари, мамлакатимизда сўнги йилларда тарих, бошқа ижтимоий фанларга доир адабиётлар илмий асосда қайта яратилмоқда. Республикада Миллий мафкура яратиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Буларнинг бари биздан тинимсиз изланишни, тест саволларини замонга мослаб ўзгартириб боришни талаб этмоқда.

Шу ўринда биз дуч келаётган яна бир муаммо ҳақида гапириб ўтсам. Баъзан паст балл тўплаб танловдан ўта олмаган абитуриентлар ўз жавоб варақаларини сохталаштириши ҳоллари ҳам учраб турибди. Масалан, ўтган йили Жиззах вилояти Фориш туманидан Тошкент молия институтига ўқишга кириш учун келган абитуриент Ғ.М. аслида 84,2 балл тўплаб танловдан ўта олмаган ва жавоб варақасидаги охириги рақамни ўзининг рухсатномасида ўзгартириб, 185,7 балл билан ўқишга кирган Жабборов Санжарга тегишли варақага даъвогарлик қилган. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидан келган Абдумалик Эргашев ҳам ҳужжатларни шундай сохталаштириш билан шуғулланган.

Абитуриент билимини аниқлайдиган ҳужжат жавоблар варақаси ҳисобланади. Шундай экан, ушбу варақани тўлдираётганда ҳар бир абитуриент масъулиятни ҳис қилмоғи керак. Токи юқоридагидек воқеалар яна юз бермасин.

Баъзи бир ота-оналар фарзандларингизни мен ўқишга киритиб қўяман деган айрим фирибгарларнинг тузоғига илинган ҳоллар ҳам учрамоқда. Бундай ота-оналарга битта гапни айтиб қўйишим керак: тест энг мукамал синов ва унга ҳеч ким, ҳеч қандай таъсир ўтказмайдиган. Шундай экан фарзандларингиз фақат ўзига, ўз билимига ишонсин.

ТЕСТ – АДОЛАТ ВА ОШКОРАЛИК МЕЗОНИ

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
директори Муҳсинжон Муҳитдинов билан суҳбат

– Яқинда мамлакатимизнинг барча ўқув юртларига қабул бошланади. Шундай экан, тест синовларини муваффақиятли ўтказиш, энг муносиб ёшларни олий ўқув юртларига қабул қилиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Ўзбекистонда юксак маънавиятли, жаҳон андозалари талабларига кўра жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш билимдон, зукко, фикрлаш қобилияти ўсган, ўз касбий соҳасини онгли танлаган ёшларни тўғри саралашга боғлиқ.

Давлат тест маркази бу ишни ўн йилдан бери муваффақиятли бажариб келмоқда. Марказимиз ҳар йилги тест синовига алоҳида эътибор билан тайёрланади. Абитуриентлар учун «Ахборотнома» («Вестник») журналларининг 12та сони чоп этилди. Ёшларнинг билим савияси, ақл заковати, мустақил фикрлашини аниқлаб берадиган асосий восита – бу фикрлар бўйича тузилган тест саволлари жамғармасидир. Саволлар жамғармаси йилдан йилга кўпаймоқда. У 1996–1997 йилда 40000 тани ташкил этган бўлса, 2001 йилда 120000 тага етди. 2002 йилда бу кўрсаткич 140000 га боради.

Жамғармадаги саволлар йилдан-йилга такомиллашиб, кўпроқ, мустақил фикрлашга, фанларни чуқурроқ билишга даъват этмоқда. Шундай саволлар жамғарманинг аксарият қисмини ташкил этади.

Тест саволлари шу соҳадаги йирик олимлар, педагоглардан бир неча бора тақриздан ўтказилмоқда. Бу тадбирлар жамғармадаги саволларни сифат нуқтаи назаридан такомиллашишига олиб келмоқда.

Масалан, тарих фанидан академик Э.В.Ртвеладзе, археология институтининг директори, профессор Т.Ширинов, профессор В.Н.Ягодинлар бизнинг тақризчиларимиздир. Худди шундай бошқа фанлардан ҳам йирик олимларимиз тестларни тақриздан ўтказдилар.

Албатта, бу йил кўп вариантли тест технологияси такомиллашади. Энг юқори самара билан компьютер технологиясидан фойдаланиб, ҳолислик ва ёшлар билимини юқори аниқлик билан ҳисоблаш таъминланади. Тест натижалари Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида кенг жамоатчилик, халқ таълими мутассадди ходимлари, ўқув юртларининг раҳбарлари билан муҳокама этилди. Ютуқ ва камчиликлар аниқ кўрсатилди. Халқ таълими бошқармалари тест натижаларидан таълим ишларини такомиллаштиришда фойдаланмоқдалар.

Тест топшириклари жамғармасининг ишончлилиги ва яроқлилигини навбатдаги боскичда синаб кўриш ва текшириб олишга республика мактабларида ўтказиладиган тажрибавий тест синовлари узок масофадан туриб ўтказилган тест натижаларининг статистик ишлаб чиқилиши ёрдам беради. Давлат тест маркази билан боғланган узок, масофадан туриб тест ўтказиш тизимлари нафақат вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида, балки Республиканинг бир неча туманларида ҳам жорий қилинган ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Улар мактаб ўқувчиларининг билим даражаси ҳақида зудлик билан маълумот олиш имконини беради.

– Ёшларимизнинг билим олишга бўлган қизиқишини, олий ўқув юртларига киришга бўлган интилишини қандай баҳолайсиз? Улар кўпроқ қайси соҳаларга қизиқишмоқда ва бунинг сабаби нима билан боғлиқлигига ҳам тўхталсангиз?

– Ўзбекистон ёшлари ўртасида илмга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораётгани; бизни қувонтирди. Қундузги; бўлимга ҳужжат топширган абитуриентлар сони буни яққол кўрсатади. 1998 йилда 117837 нафар абитуриент, 1999 йил 149134 нафар абитуриент, 2000 йилда 171624 нафар абитуриент ва 2001 йилда 212462 нафар абитуриент ҳужжат топширган. Ўйлайманки, бу йил ҳам ўқишни истовчи ёшлар сони кўп бўлади. Бу Ўзбекистондаги тинчлик, миллий истиклол ғоясининг халқ онига чуқур сингиб бораётганининг натижасидир. Ёшларнинг асосий қисми иктисодиёт, ҳуқуқ, чет тилларига қизиқмоқда. Айтиш жоизки, охириги йилларда қизиқиш табиий фанлар, техника соҳасига, айниқса, педагогика соҳасига кучаймоқда. Бунинг сабаби ёшлар ўртасида жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий, иктисодий ўзгаришлар моҳиятини тўғри тушуниб борилаётганлигидадир.

Қизиқишлар минтакавий нуктаи назардан ҳам анъанавий тарзда хилма-хил бўлади. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида математика, техника, тарих, биология устувор саналса, Фарғона вилоятида иктисодиёт, педагогика, юриспруденция қабилар устувор йўналишлар ҳисобланади. Худди шунга ўхшаш ҳар бир минтақа ёшлари касб танлашдаги хусусиятлари билан ажралиб туради.

Кадрларнинг рақобатбардошлик қобилиятини таъминлаш омилларидан бири танловдир. Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида танлов мезонлари ўсган. У, айниқса, вилоятларда кўтарилди. Аввалги йилдагидек, энг юқори танлов Сурхондарё, Навоий, Фарғона ва Наманган вилоятларида қузатилди.

– Ўтган йилги қабул мавсумида ўрта мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан ўқишга кириш бўйича қайси бири юқори натижага эришди?

– 2001 йилда ўрта мактабни тугатиб ўқиш истагини билдирганлар 173336 нафарни ташкил этган бўлса, лицейларни тугатган абитуриентлар сони 23485 нафарни ва коллежларни тугатганлар сони эса 15641 нафарни ташкил этган. Лицейларни тугатиб тестда қатнашган ёшлар жуда юқори натижага эришган. Уларнинг ўртача баллари 103,48 ни ташкил этган. Ўрта мактабни тугатганларнинг ўртача баллари 77,7 ни ташкил этган. Кўришиб турибдики, лицейларда ўқувчиларга пухта билим берилган ва улар тест имтиҳонига яхши тайёрланишган.

– **Ҳужжат топшириш ва талабаликка қабул қилиш масаласида ҳозирча қайси вилоятларнинг ёшлари олдинги ўринларни эгаллаб турибди? Қайси вилоятларда энг паст натижа қайд қилинмоқда? Бунинг қандай-сабаблари бор, деб ўйлайсиз?**

– Умумтаълим ўқув юртлари битирувчиларининг тайёргарлиги бўйича 2001 йилги тест натижаларига кўра, Тошкенг шаҳри, Бухоро, Андижон ва Хоразм вилоятлари юқори рейтингга эга эканлигини кўрсатдилар. Афсуски, Сурхондарё вилоятида аҳвол ўзгармаяпти. Бу вилоят 2001 йилда ҳам республика минтақалари ўртасида охириги ўринни эгаллаб турганди.

Ўтган йиллардаги каби Сирдарё, Наманган вилоятларининг кўрсаткичлари паст даражада қолиб келмоқда. Уларга 2001 йилда олдинги йиллари 5-ўринни эгаллаган Навоий вилояти ҳам келиб қўшилиб қолди.

Бунинг асосий сабаби ушбу вилоятларда ўқувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлашда қатор ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжудлиги яққол кўришиб турибди. Ўқувчиларни тест имтиҳонига тайёргарлик даражаси пасайиб бораётганлиги ачинарли ҳолдир. Бундай аҳволни тугатиш учун тест натижалари асосида вилоят халқ таълимининг ҳолати синчковлик билан таҳлил этилиши керак.

Таълим жараёнини мукамаллаштириш, ўқувчиларни ўқишга кизиктириш, дарсларни замонавий таълим технологиялари асосида мукамаллаштириш, касб танлаш бўйича тегишли ишларни олиб бориш, таълимий тестларни ўтказиш зарур.

– **Олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш ва кириш масаласида шаҳар ва қишлоқ ёшлари ўртасида қандай тафовутлар учрамоқда?**

– Тестда доимо қишлоқ ёшларининг ҳиссаси ортиқ бўлиб келган. 2001 йилда қишлоқ мактабларида таълим олган абитури-

ентлар сони 150336 нафар бўлса, шаҳар мактабларида таълим олганлар сони 62126 нафарни ташкил этган. Ўқишга қабул этилган талабалардан 17490 нафари шаҳарда ва 26989 нафари кишлоқда яшовчи ёшлардир. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ўқишга кирган ёшлар ўртасида кишлоқ меҳнаткашларининг фарзандлари кўпчиликти ташкил этади.

Ижтимоий (катлам) нуктаи назардан жами абитуриентларнинг 61 фоиздан ортиқроғини ишчилар ва кишлоқ меҳнаткашларининг фарзандлари, 24,4 фоизини зиёлиларнинг фарзандлари, 2,9 фоизини ишбилармонларнинг фарзандлари, 11,6 фоизини бошқалар ташкил этади. Ўқишга кирган абитуриентларнинг 83 фоизи шаҳар, кишлоқ меҳнаткашлари ва зиёлиларнинг фарзандлари, 6 фоизи ишбилармонларнинг фарзандлари, 11 фоизи бошқалардир. Ушбу кўрсаткичлар тест тизимининг ижтимоий одиллиги ва холислигини тўла тасдиқлайди.

– **Ўрта мактабларда, лицей ва коллежларда ўқувчи-ёшларни** тест-синов конун-қоидаларига тайёрлаш, жавобларни қандай белгилаш, тест-синов кўрсатмаларига амал қилишга ўргатиш масалалари қандай йўлга қўйилган? Улардан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми?

– Тест синовига абитуриентларни тайёрлашга жуда катта эътибор берилади. 2001 йилда «Тест адолат мезони» видеофильми тайёрлаб, барча ўқув юртларига тарқатилди. Унда тест технологияси тўла ёритилган. Абитуриент тест материални қабул қилиб олиш, жавоб варағини тўлдириш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа масалалар билан тўлиқ таништирилган.

Тестни муваффақиятли ўтказиш учун Давлат тест марказининг вакиллари алоҳида танланди ва ўқитилди. Аудитория раҳбари ва кузатувчиларига бир неча марта машғулотлар ўтказилди. Давлат тест маркази раҳбарияти ва мутахассисларининг газета, радио ва телевидение бўйича чиқишлари ташкил этилди.

– Ўтган йилда энг юқори балл тўплаган абитуриентлардан тўрт нафарини мисол тариқасида келтира оласизми?

– Албатта, ўтган 2001 йилда энг юқори балл тўплаган абитуриентлардан мисол тариқасида:

1. Қахҳоров Ҳамидулла – Тошкент юридик институти, Бухоро вилояти, Пешку тумани.

2. Исоқов Сарваржон – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Фарғона вилояти, Учкўприк тумани.

3. Икрамов Улуғбек – Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент вилояти, Қибрай тумани.

4. Атажанов Ҳамдамбек – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Хоразм вилояти, Ургенч тумани.

– Тест-синовларини топширишдан кимлар озод қилинади? Улар қабул комиссиясига қандай ҳужжатларни тақдим этишлари лозим?

– Тест синовидан фақат Халқаро ва Республика олимпиадаларининг ғолиблари озод этилади. Бу қабул Низомида аниқ белгиланган.

– **Биздаги тест-синов жараёни хориждагидан нимаси билан фарқ қилади ва таъбир жоиз бўлса, абитуриентликка тайёрланаётган ўқувчи-ёшларни тест-синовларида адолат устувор эканлигига нима билан ишонтириш мумкин?**

– Ўзбекистондаги тестларнинг хорижий мамлакатлардан фарқи, тестларнинг кўп вариантли эканлигидадир. Шунингдек, биздаги тест жараёни компьютерга асосланган. Тест натижалари тўлиқ (фанлар бўйича, вилоят, туман, мактаблар бўйича) таҳлил этилади.

Ўзбекистон Давлат тест маркази фаолиятининг хориждаги марказлардан фарқланувчи хусусиятларидан яна бири очиклик ва ошкоралиқдир. Давлат тест марказининг бутун фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилади, марказ раҳбарияти анъанавий тарзда журналистлар билан матбуот конференциялари ўтказиб туради.

Ҳар йили тест натижалари таҳлилий материаллар кўринишида чоп этилиб, у республика минтақаларидаги таълимнинг аҳволи ҳақидаги, олий ўқув юртлари ва таълим йўналишлари бўйича тест синовларининг ҳамда 300000 нафар абитуриентга тегишли сифат кўрсаткичлари мониторингининг натижалари ҳақидаги кенг қўламли маълумотлардан иборат бўлади.

Китоб ҳолида нашр этилган таҳлилий материаллар республикадаги тегишли вазирликларга, вилоятлар халқ таълими бошқармаларига, шаҳар ва туманларнинг халқ таълими бўлимларига, олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларига юборилади.

Очик-ойдинлик ва ошкоралиқ Давлат тест марказининг ривожланишига муайян даражада ёрдам бермоқда. Ҳар йили Давлат тест марказининг талабу эҳтиёжлари ва мутахассисларнинг ташаббуси асосида тест тизимининг такомиллаштирилиши, тест топшириқларининг ишлаб чиқилиши ҳақида таклифлар, танқидий мулоҳазалар билдирилган хатлар муайян мутасаддиларга йўлланади. Бўлажак абитуриентларнинг технология масалалари ва тест топшириқлари бўйича, маслаҳат ёрдами сўраб ёзган хатлари ҳам анчагина. Хатларга жавоб бериш билан бир қаторда ушбу материаллар тартибга солинади ва умумийлаштирилади.

Давлат тест маркази томонидан республиканинг барча минтақаларида мактабларнинг битирувчилари билан тажрибавий (репетицион) тест синовларининг ўтказилиши педагогик жамоатчилик ва ёшлар билан очик-ошкор мулоқотнинг самарали шакллари-дан бири ҳисобланади.

Буларнинг барчаси тест тизимига, янги илғор педагогик технология сифатида қарашга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Таълим тизимига демократияни олиб кирган тест усули тобора такомиллаша бориб, ўзи ҳам демократлашмоқда.

Кўплаб хорижий марказлардан фаркли равишда 1996 йилда амалга киритилган апелляция тартиби абитуриентларга, натижалар эълон қилингандан сўнг, Давлат тест марказида жавоб варақалари билан ва саволлар китобларининг тегишли вариантлари билан, шунингдек, ҳар бир ўқув фани бўйича тест топшириқларини ҳал қилишдаги хатолари билан танишиш имкониятини таъминлаб беради. Етакчи олимлар ва мутахассислардан ташкил топган эксперт гуруҳи ҳар бир абитуриент билан барча йўл қўйилган хатолари юзасидан тушунтириш ишлари ўтказилади.

Ана шу барча мураккаб қийин ва меҳнатталаб иш тест тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлайди ва Ўзбекистондаги тест ўтказиш тартибининг кенг ошқоралиги ва демократлашганидан дарак беради.

Тест тизими бизда юқори даражада ошқоралик ва демократия талабларига мослиги билан фарқ қилади. Фақат Ўзбекистонда тест натижаси бўйича абитуриентларга апелляция ўтказилади.

Туркистон газетаси 2002 йил 21 май

АСОСИЙ ТАЛАБ – ПУХТА БИЛИМ

Бугунги кунда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабалikka қабул қилишда ўтказиладиган тест синовлари йил сайин такомиллашиб бормоқда. Бу борадаги тажрибалар, муаммо ва янгиликлар хусусида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг директори Муҳсин Муҳитдинов билан суҳбатлашдик.

– Тест синовлари тобора такомиллашиб бораётган экан, демак, бунда ўтган йилги тадбирларда орттирилган тажриба ва хулосалар асқотмоқда, шундайми?

– Албатта, шундай. Ўтган беш йилда олий таълимга тест синовлари орқали қабул қилиш олий ўқув юртларини фақат билимли ёшлар билан таъминлашга замин яратди. Бунинг натижасида бу-

гунги кунда ёшларнинг таълимга бўлган муносабати ўзгараётганини сезиш мумкин: улар тест синовларига тайёрланиш жараёнида тажрибали муаллимлар, мутахассислардан билим олиш, махсус тайёрлов курсларида ўқишга асосий эътибор қаратмоқдалар. Чунки улар олий ўқув юрти талабаси бўлишдек шарафга факат пухта билим муяссар этишини тобора чуқурроқ англамоқдалар. Ўтган йили тест синовларида республика бўйича 220 мингдан ортиқ абитуриент қатнашди. Бунда олий ўқув юртларида ҳар бир ўринга ўртача 4 ярим, ўрта махсус ўқув юртларида эса 2 нафардан тўғри келди. Тест синовлари жараёнида иктисодиёт, ҳуқуқшунослик, тарих, тиббиёт, роман-герман ва шарқ филологияси, журналистика соҳалари бўйича танлов даражаси энг юқори бўлди.

Давлат тест маркази ўтган йилги қабул натижаларини таҳлил этиб, махсус маълумотлар тўпламини чоп этди. Уни ҳозирги таълим тизимимизга берилган баҳо дейиш ҳам мумкин. Бу ҳам бир янгилик. Зеро, эски усул – ўқитувчи оладиган имтихон усули бундай имкониятга эга эмас. Тўпландаги маълумотларга кўра Бухоро, Самарканд, Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳрининг мактаб ўқувчилари билим жиҳатдан юқори кўрсаткичларга эга. Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари эса аксинча. Аммо умумий ҳисобда йил сайин абитуриентларнинг билим даражаси ошаётганини кузатиш мумкин. Бунга ўтиш балининг тобора юқорилаб бораётгани далилдир. Шунингдек, ёшлар билимини таҳлил этган тўплам юртимизда таълим тизими барча жойларда бир хилда ишламаётгани, ўқитиш шакли ва услуби бир-биридан фарқ қилишини кўрсатди. Албатта, бу муаммоларнинг ўзига хос сабаблари бор, хусусан, ўқув қўлланмаларининг етишмаслиги, жойларда айрим ўқитувчилар билимининг саёзлиги, мактабларда моддий-техник шароитнинг қониқарсизлиги ва ҳоказо.

– Ёшлар билимини синайдиган компьютер ҳар ҳолда темирда, баъзан иктидорли бола қолиб, иктидорсизини «кўллаб» юбориши мумкин, деган гап ҳам юради одамлар орасида.

Бундай фикр ҳеч қандай асосга эга эмас. Аввало, шуни айтишим керакки, тест синовларини кўп йиллардан бери қўллаб келаётган Америка Қўшма Штатларида бундай танловлардан нафақат олий ўқув юртларига қабул қилишда, балки бошқа жабҳаларда ҳам, масалан, ҳарбий хизматга олишда, раҳбарлик лавозимига тайинлашда фойдаланилади. Чунки тест инсон фазилатларини аниқлашда дунё миқёсида энг объектив усул саналади. Унинг ёрдамида кишининг ақлий салоҳиятидан ташқари ҳатто юрагидаги ўтини ҳам аниқлаш мумкин. Умуман олганда бизда одамларнинг тестга бўлган муноса-

батини ўзгартириш керак. Зеро, унинг ёрдамида инсон омилидан, ақлий салоҳиятидан иложи борича унумли фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Тест синовлари масаласида турли ҳаёлга борадиганлар орамизда ҳали ҳам бор. Улар эскича фикр юри-тадиган, дунёқараши бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган кишилардир.

Иктидорли бола масаласига келсак, бундай ўқувчи мактабни тугатгунига қадар фанлар бўйича ўтказилган Республика ва Халқаро олимпиадаларда ўзини намойиш этади. Президентимизнинг «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўра, бундай олимпиада ғолиблари олий ўқув юртларига тест синовларисиз қабул қилинадилар. Шундай экан иктидорли бола сира четда қолиб кетмайди.

Тест синовларидан ўта олмаган ва бунинг сабабини аниқлаш мақсадида бизга қайта мурожаат қилган абитуриентларнинг тест натижалари тахлили шуни кўрсатдики, бундай абитуриентларнинг ҳақиқатан ҳам билими паст ёки ўзлари танлаган мутахассислик бўйича балл тўплашда қимдир улардан ўзиб кетган. Ахир олий ўқув юртларига қабул қилиш тажрибасида мактабни олтин нишонга тугатган абитуриентларнинг биринчи имтиҳонданок «йикилиб» кетгани ҳоллари кўп бўлган эди-ку! Дарвоқе, тест натижаларидан қониқмаган абитуриент ёки ота-оналар марказимизга мурожаат этиб, ўзларининг жавоблар варақалари билан танишишлари мумкин.

– **Маълумки, бу йил тест синовлари жараёнида тушадиган саволлар йиғиндиси «Ахборотнома» журналида ўтган йилга нисбатан бир мунча барвақт эълон қилинди. Бундан ҳам қандайдир мақсад кўзланган бўлса керак?**

– «Ахборотнома»ларни тузишда етакчи олимлар, олий ўқув юртлари ва мактаб ўқитувчилари жалб этилганлиги сабабли улар мукамалликка эга. Журнал сўнггида олий ўқув юртлари ҳамда халқ таълими соҳаси ходимлари мазкур тест саволлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришларини сўраб мурожаат этилган жумла бор. Шунга кўра, марказимизга кўпгина педагоглардан мактублар олдик. Бу иш янада раванк топиши учун олимлар, педагоглар ўртасида «Энг яхши тест муаллифига» номли танлов эълон қилганмиз. Ўтган йили танлов натижаларига кўра 9 нафар одам диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланишди. «Ахборотнома»лар ҳозир ҳам мактабларда синовдан ўтмоқда.

Айни пайтда «Ахборотнома»ларнинг барвақт эълон қилиниши абитуриентлар томонидан ундаги савол-жавобларнинг ёдлаб олини-

ши имконини беради ва бу ҳол билимнинг чуқур эканини асосламайди, деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Шунинг ҳисобга олиб биз тест топшириқлари миқдорини икки баробар ошириб, 35 мингтага етказдик. Ундан ташқари, саволлар ва жавобларнинг ўрни компьютерда аралаштириб юборилади. Шунинг учун уларни ёдлаб қолишнинг фойдаси йўқ. Қолаверса, 35 минг савол-жавобни эсда сақлаб қолиш осон деб ўйлайсизми? Тест саволлари орасида «Ахборотнома»нинг эски ва янги сонларидаги саволлар ҳам учрайди.

Таҷрибаларимиздан маълумки, тест синовлари арафасида абитуриентларга тайёр савол-жавоблар вариантини сотиб, пул ишлайдиган «ҳожатбарорлар» кўпайиб қолади. Маслаҳатим – уларга ишонманг. Мана бир мисол, яқинда газеталардан бирининг илова нашри бизнинг «Ахборотнома» журналимиздан бир парча – саволларга жавоблар чоп этибди, нашрнинг тез тарқалиб кетишини кўзлашган шекилли. Ўша савол-жавобларни синчиклаб текшириб кўрдим, ундаги жавобларнинг кўпи нотўғри белгиланган. Баъзи саволларга икки хил жавоб кўрсатилган, холбуки, тест технологияси бўйича бундай бўлиши мумкин эмас. Бундай ишлар абитуриентларнинг синовларга тайёрланишида уларни чалғитади, холос. Бу салбий натижалар бериши мумкин.

Кўпчиликка маълумки, ўтган йилдан буён тест синовларининг кўп вариантли тизимидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу тизим Давлат патент идораси томонидан ҳужжат билан ҳимояланган. Унга кўра, саволлар вариантини тузиш ва танлаш бевосита «ақлли машина»лар зиммасига юклатилган, унга инсон четдан таъсир кўрсатолмайди. Жавоблар варақаларини ҳам компьютернинг ўзи қайта ишлаб, абитуриентнинг тўплаган билимларини махсус варақада чиқариб беради. Унга ҳеч ким ўзгартириш ҳам, тўлдириш ҳам киришолмайди.

– Бу йил ўтадиган тест синовларига қандай янгиликлар киритилган?

– Бу йилги янгиликлар хусусида гапирганда, аввало абитуриентда жавоблар варақасини тўлдиришдаги масъулият ҳиссининг кучайганини айтиш лозим. Яна бу йил тест синовлари бошланишидан аввал абитуриентлар билан 30 дақиқалик йўл-йўриқ бериш ишларини ўтказишни мўлжалладик. Бу муддат тестдан ўтишга кетадиган вақтга кирмайди. Аудитория раҳбарларида тест тадбирларини интизом ва тартиб билан ўтказиш жавобгарлиги кучайтирилади. Энди абитуриент ўз аудиториясининг назоратчиси ҳам саналади ва барча интизомсизлик ҳақида овоза қилиши мумкин. Бу нима дегани? Ав-

вало, тест жавоблари солинган пакет аудиторияга келтирилганда мутасадди раҳбар унинг муҳрини абитуриентлар кўзи олдида бузиб очиши шарт. Яна шуни айтишим керакки, абитуриент тестни фақат синов деб эмас, балки абитуриентлар ўртасидаги ўзаро рақобат деб ҳам тушуниши зарур. Шунда синалувчи саволларга жавоб топишда ёрдам сўраган бошқа синалувчи илтимосини рад этади (аслида бунга имкон ҳам йўқ), чунки бундай «халис» хизмат эртага бўлажак саралаш пайтида унинг ўзига зарар келтириши мумкин. Тестлар рисоладагидек ўтиши учун жавоблар варақасида махсус жой ажратилган бўлиб, унда «Хаммаси тўғрими ёки тест ўтказилмадими?» деган савол ёзилган. Абитуриент бу жумлалардан бирини синов охирида белгилаб кўяди. Шунингдек, жавоблар варақасини тўлдириш ҳам бирмунча соддалаштирилди. Бу ишларнинг барчаси юқори малакали мутахассисларни кўпайтириш, бунинг учун олий ва ўрта махсус таълим масканларига фақат билимли ёшларни қабул қилишга қаратилган.

Тошкент оқшоми газетаси 1997 йил 26 май

ТЕСТ СИНОВИ – АДОЛАТЛИ УСУЛ

Айни кунларда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлирида янги ўқув йилига ҳужжатлар қабул қилиниб, тест синовларига қизгин тайёргарлик бормоқда. Мана етти йилдирки, абитуриентлар талабалikka халис, адолатли усул деб баҳолаётган тест асосида сараланмоқда. Бу йилги тест синовларини ўтказишга қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Бу борадаги янгиликлар ва ўзгаришлар нималардан иборат? Шу хусусда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бошлиги Муҳсин Муҳитдинов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Тошкент шаҳрида республикамизнинг 36та олий ўқув юртлири жойлашган. Улар орасида Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси, Иқтисодиёт университетлари, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа нуфузли ўқув юртлири мавжуд. Бу олий ўқув юртлирида таҳсил олиб, етук мутахассис бўлиш Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир ёшнинг умид ва орзусидир.

Нуфузли олий ўқув юртлирига кириш имтиҳонларини тўғри ва адолатли ташкил этиш керак албатта. Давлат тест маркази тестларни кўр-кўрона ёдлаш, «шпаргалка» дан фойдаланишни йўққа

чиқариш чораларини изламоқда. Бунинг учун тест саволларининг банк жамғармаси 100 мингга етказилди. Бундай шароитда тестлар жавобини ёдлаш имконияти колмайди. Шунингдек, «Ахборотнома», «Вестник» журналларида чоп этилган тестларнинг мазмунига путур етказилмаган ҳолда шаклан ~~ўзгартирилди~~. Журналларнинг фақат 10 сони чоп этилди. Демак, тест имтиҳонида чоп этилмаган саволлар ҳам тушиши табиий ҳолдир. Тест имтиҳонида қатнашувчи аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларининг мавқеини кўтариш йўллари ишлаб чиқилмоқда. ДТМ тест ўтказиш жараёнини мукамаллаштирар экан, абитуриентларнинг фаоллигига ҳам алоҳида эътиборни қаратади. Ҳар бир абитуриент аудиторияга киритилишидан бошлаб тест ўтказишнинг барча жараёнида фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Абитуриент тест жараёнини пухта билиши, тест материалининг тўғри тарқатилиши, аудиторияга тест ўтказишга рухсатномаси бўлмаган бегона шахсларнинг қатнашмаслиги, аудитория раҳбари ва кузатувчилари ўз ҳақ ва ҳуқуқлари доирасида ҳаракат қилишларини кузатишлари керак. Агар бирор нотўғри хатти-ҳаракат содир бўлганда ДТМ вакилини тест ўтаётган хонага чақиришлари ва ўз норозиликларини баён этишлари керак. Бу мутасил равишда абитуриентларга тушунтирилмоқда.

Тестлар аввал амалда бўлган имтиҳон билети асосида имтиҳон олишдан афзал эканлигини ҳамдўстлик давлатлари ҳам тан олмоқда. Россия бу усулни жорий этишга киришиш ниятида эканлигини маълум қилди ва бу ишга киришди. Демак, Ўзбекистон бу борада ҳамдўстлик мамлакатлари иттифоқи орасида анча илғорлаб кетди ва катта ютуқларни қўлга киритди. Ўзбекистонда жорий этилган тестология соҳасидаги ютуқлар 2000 йил 4–5 апрелда ўтказилган илмий-амалий конференцияда тан олинди.

Бу йилги тест синовлари кундузги ва сиртки бўлимларга бир кунда ўтказилади. Шундай қилинганда абитуриент «ё остидан, ё устидан» дея таваккал қилмасдан, фақат чуқур билим олиб, ўқув юртини қатъий танлаб, тест имтиҳонида иштирок этишга ўзида масъулликни ҳис этади. Давлат тест маркази ўқув юртлари қабул комиссиясидан абитуриент ҳақида тўлиқ маълумот беришни талаб этмоқда. Улар «Абатур» автоматлаштирилган инфорацион тизими асосида ҳар бир абитуриент ҳақида тўлиқ маълумотни ДТМга юборади. Унда паспорт рақами ва серияси, аттестат ва мактаб рақами бошқа 20 дан ортиқ маълумотлар берилади. Абитуриент паспортига оид маълумотлар биринчи марта олинмоқда. Худди шундай маълумот таълим олаётган талабалар ҳақида ҳам берилиши талаб

этилмокда. Бу тадбир тест синовида «холис хизмат» киладиган «кўмакчилар» ни ўз вақтида аниқлаш учун қилинди. Ҳар бир ўқув юртидаги абитуриентлар рўйхати махсус компьютер дастури орқали тузилади. Уларнинг тест имтиҳони куни ўтирадиган ўринлари ҳам компьютерда белгиланади. Давлат тест марказининг ўзида абитуриентлар ўзлари учун белгиланган ўринларда ўтирган-ўтирмаганлигини, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари ўз вазифаларини қандай бажарганликларини аниқлаш ва уларга тегишли баҳо қўйиш тизими яратилмокда.

Биз имкон қадар ёшларга яқинроқ боришга, уларга тестнинг асл мақсадларини, моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз. Шундай тадбирлар жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар ёрдамида Тест марказларининг очилиши билан характерлидир. Бу ерда ўқувчилар мактаб партасидаёқ олий ўқув юртлари учун тест синовларини топширишни машқ, қиладилар. Шундай марказлар ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида, Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятларида фаолият кўрсатмокда. Бизнинг мутахассисларимиз у ердаги компьютер техникаларига махсус дастурлар ўрнатишган ва жавоблар бевосита Давлат тест марказига юборилади. Бу ердан эса ўқувчи тўплаган балл микдори аниқланиб, қайтариб юборилади. Бу биринчидан, ўқувчи учун машқ бўлса, иккинчидан, ўз имкониятларини чамалаб кўриш, зарур ҳолда ўз устида ишлаш лозимлигини кўрсатишда қўл келмокда.

Ҳозирги кунда ДТМ тест синовлари ўтказилишининг одилона ва тўғри бўлишини таъминлаш чораларини кўрмокда. 1999 йилда Тошкентдаги деярли барча олий ўқув юртларидаги тест имтиҳонлари видеотасвирга туширилди. Улар таҳлил этилди. Барча ўқув юртларидан тест жараёнини видеоаппаратура ёрдамида ота-оналарга кўрсатиш талаб этилди. Кўпгина ўқув юртларида тест имтиҳонлари видеоаппаратура ёрдамида ота-оналарга кўрсатиб турилди.

Мактабни олтин ёки кумуш медалга битирган ўқувчилар ҳам барча абитуриентлар қатори тест синовидан ўтадилар. Медаллар ўқувчининг ўқиш йилларидаги олган билимларига берилган мукофот ҳисобланади. Ўқишга киришда улар ўзларининг билимдонликлари ва зукколикларини тасдиқлашлари керак.

Тест жараёни замон талабига мос равишда ривожланиб бораверади. Чунки ҳаёт ҳар бир мутахассисликка юқори талаб қўяётган экан, аввало, билимли, эътиқодли, миллий истиклол ғояларига содик бўлган ёшларни камол топтириш тақозо этилади. Келажакда тест топширишнинг янги, илғор, одилона усуллари яратиб

борилади. Бугунги кунда улкан орзу-максадлари йўлида, келажаги буюк давлатимизнинг пойдеворини куришга астойдил бел боғлаган ва шу максадлар йўлида чуқур билим олишга интилаётган қалби олов ёшларимизга тест синовларидан ўтишларида омад ва муваффақиятлар тилайман.

Тошкент оқшоми газетаси 2000 йил 19 июль

ТЕСТ – АДОЛАТ МЕЗОНИ

Ҳамма нарса замонасига қараб экан-да. Бир вақтлар «Хусн тўйда керак» деган мақол ишлатилгувчи эди. Бора-бора «Хусн кунда керак» тарзида айтиладиган бўлди. Шунга ўхшаш билим ҳам. «Ўқишга кириб олай, у ёғи бир гап бўлар» дегувчи эдик. Замон унга ҳам тузатиш киритди. Эндиликда «билим кунда керак»лиги ва бундан ўзга чора ҳам йўқлиги маълуму манзур бўлмоқда.

Ҳадемай барча ўқув масканларида тест синовлари, яъни кириш имтиҳонлари бошланади. Бу йил у қандай ўтади? Ўтган йиллардан фарқи борми? Мухбиримиз ушбу фарахбахш лаҳзалар арафасида республика Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори, профессор Мухсин Муҳитдинов билан учрашди.

– Давлат тест маркази ташкил қилинганига, мана, олтинчи йил кетяпти. Ҳар бир йил, айтиш мумкинки, ўзига хос синов бўлмоқда. Қабулнинг бу усули ҳақида то хануз турлича карашлар мавжуд. Раҳбар сифатида марказ фаолиятини сиз қандай баҳолайсиз? Жойларда нималар дейишяпти?

– Биринчи бўлиш осон эмас, албатта. Президентимиз ташаббус кўрсатиб, олий ўқув юртларига қабулни янгича усулда амалга ошириш юзасидан тарихий, агар таъбир жоиз бўлса, таълим соҳасида инқилобий ўзгаришларни бошлаб берган Фармонга имзо чеккан бир пайтда Ҳамдўстлик мамлакатларида айрим фикр-мулоҳазалар билдирилаётган эди, холос. Вақт – одил ҳакам. Ўтган олти йил Ўзбекистон тўғри йўлни танлаганлигини тасдиқдан ўтказди. Тест адолат тимсолига, адолат – ягона давлат сиёсати рамзига айланди. Умуман, таълим соҳасида бошланган ислохотлар одамларнинг билимга бўлган муносабатларини ҳам ўзгартирди. Ақл-заковатли ўқувчилардан истиқболли талабалар, истеъдодли талабалардан етук мутахассислар етишиб чиқишига бўлган ишонч ортди.

Мухими, бир жойда тўхтаб қолаётганимиз йўқ. Изланишларимиз ўз самарасини бераётир. Агар тест жорий этилган дастлабки

йили жавобларни «ўқитиш» учун Туркияга олиб борилган бўлса, хозир бу нарсалар ўзимизда – Давлат тест марказида табора мукам-малашиб бораётгани махсус оптик электрон курилмалар воситасида амалга оширилмоқда. Тўплаган тажрибаларимизга Қозоғистон, Россия, Туркия ва ҳатто АҚШда кизиқиш ортиб бораётганлиги ҳам бе-жиз эмас.

Кулай ва афзал. Бу сўзларни кўп эшитмоқдамиз. Марказимизга келаётган хатлар ва жойларда бўлганимизда билдирилаётган фикр-лар ҳам шундан далолат бермоқда. Миннатдорчилик сўзлари эса тест усули талабалikka қабулда энг макбул йўл эканлигини қайта-қайта исботламоқда. Бу усулнинг кулайлиги шундаки, эндилик-да ота-оналарнинг фарзандлари ортидан ўн-ўн беш кунлаб елиб-югуришлар ва йўл азобларига чек қўйилди; афзаллиги шундаки, ҳақиқий билим эгаларининг омади кулиб боқишига имкон яратил-ди. Хуллас, тест ўзини оклади. Истиклолнинг илк қадамлари хайрли бошланди.

– Ўтган йили предметлар бўйича энг яхши тест савол-лари учун танлов эълон қилинган эди. Танлов ғолиблари аниқландими? Ва бу йил тест саволлари қай таҳлитда тайёрланди?

– Авваламбор, тестларни тузишда кенг педагоглар оммаси-ни жалб қилиш фикри тўсатдан пайдо бўлмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу усул жорий қилинган дастлабки йил-ларда, маълумки, тест тузишда жуда озчиликнинг хизматидан фойдаланилган эди. Шунга кўра, синовлар ҳам бир неча вариантда ўтказилганди. Ўтган йилдан бошлаб мутахассислар ва ота-оналар-нинг фикр-мулоҳазаларидан хулоса чиқарган ҳолда, кўп вариан-тли усулга ўтишга қарор қилдик, яъни ҳар бир абитуриент алоҳида вариант асосида синов топширадиган бўлди. Бунини ташкил этиш осон эмас эди, албатта. Ва биз бу ишга мактаб ва ўқув юртлари ўқитувчиларини тортиш мақсадида танлов эълон қилдик. Танлов-да барча фанлар бўйича 220 нафар киши иштирок этди. Айниқса, мактаб, гимназия ва лицейлар ўқитувчиларининг фаоллиги сезил-ди. Танловда ҳатто 2 нафар аспирант, 6 нафар талаба ва 20 нафар ўқувчи ўз ишлари билан қатнашди. Ҳайъат тақдим этилган тестлар мажмуини синчиклаб кўриб чиқиб, 9 нафарини ғолиб деб топди, 32 нафарини рағбатлантирувчи мукофотга тавсия этди. Бир қанча педа-гоглар Давлат тест марказига ишга қабул қилинди.

Табиийки, бу йил ҳам шундай танлов ўтказдик. Бу гал 295 на-фар муаллиф ўз тестлари билан қатнашиш истагини билдирди. Кези

келганда математика, кимё, тарих, физика, биология ва ўзбек тили ўқитувчиларининг фаоллигини таъкидлашни истардим. Аммо тилга эътибор кучайиб бораётган бир вақтда инглиз, немис, француз ва рус тили педагогларининг сусти иштироки бизни ажаблантирди. Айниқса, Наманган, Самарканд, Бухоро ва Қорақалпоғистон Республикаси мактаблари ўқитувчиларининг фаоллигини ижобий омил сифатида қайд этгим бор. Ҳатто танловда қирғизистонлик ҳамкасбларимизнинг иштирок этиши қувончли ҳолдир. Айни вақтда Тошкент шаҳри ва вилоятдан қатнашганлар сонининг кўп эмаслиги, боз устига олий ўқув юртларининг пешқадам кафедралари вакилларининг озлиги таассуф уйғотади, холос.

Ғолиблар аниқланди, рағбатлантиришга муносиблар тақдирланди. Лекин биз шу билан кифояланиб қолмадик. Тақдим қилинган тестларни амалда синаб кўришга ҳам жазм этдик. Бу ҳақда бизга ҳеч ким тақлиф билан чиқмаган ёки махсус топшириқ берилмаган бўлса-да, ўз ташаббусимиз билан мактабларга бордик, битирувчи синф ўқувчиларига тест саволлари бериб, уларнинг қай даражада мукамал тузилганлигини аниқлаб олдик. Ўзига хос бу экспериментда қатнашган бўлажак талабалар учун эса мазкур синовлар кўникма ҳосил қилиш, мактабда олган билимларини ҳолис баҳолашга ёрдам қилди. Тошкент шаҳри ва вилоятларда 20 минг нафар ўқувчи иштирокида ўтказилган бу синов мактаблардаги аҳволни таҳлил қилишимизга ҳам хизмат қилди, албатта. Шунга кўра, бугун биз талабаликка даъвогар йигит-қизларимиз савиялари ва билим даражалари тўғрисида тасаввурга эгамиз, деб айтишимиз мумкин.

– **Дарҳақиқат, «Ахборотнома»ни чиқаришни йўлга кўйиб, Давлат тест маркази жуда зўр иш қилди. Лекин талабаликка даъвогарлар ёд олишга зўр бераётганлари ҳам сир эмас. Жавоблар эса тайёр: репетиторлар, ўқитувчилар ечиб беришаётир. Демак, бунда билим эмас, хотира аҳамият касб этади. Балки тест саволларини олдиндан бериб кўйиш масаласини ўйлаб кўриш керакдир?**

– Айтиб кўяй: ёдлаб олишга зўр берганлар янглишади. Қолаверса, бундай қилишнинг деярли иложи ҳам йўқ. «Ахборотнома» билан обдон танишиб чиққанлар яхши билишадики, ҳар бир фандан юзлаб саволлар берилган. Хуллас, Давлат тест марказидаги компьютер хотираси йил сайин янги-янги тест саволлари билан бойиб, бинобарин, ёдлаб олишга бўлган уринишлар йил сайин қийинлашиб бораверади. Бундан ташқари, кўп вариантли синовлар чоғида саволлар ўрни алмашиб кетишини ҳар бир акли расо киши билса керак.

Шунинг учун бўлажак талабаларга маслаҳатим: курук ёдлаш билан мақсадга эришолмайсизлар. Тест синовларида энг муҳими, бу идрок, ақл-заковат. Мактаб дастурини пухта эгаллабгина олдингизда турган вазифани адо этишингиз мумкин. Бошқа ҳар қандай йўл алдамчидир. Фақат билимгина сизни кўзланган манзилга элтишини унутманг.

– **Жавобларингизда таъкидлаб ўтганингиздек, илгари саволлар икки-уч вариантда бўлиб, уларнинг «чикиб кетиш» хавфи катта эди. Кўп вариантли синовларга ўтилганлиги муносабати билан эндиликда бунинг иложи йўқ. Лекин айрим товламачилар ҳамон «ёрдам қиламиз» деб туришибди. Уларга қандай чоралар билан курашиш мумкин?**

– Товламачилик аввал ҳам бўлган; бундан сўнг ҳам буни касбга айлантириб олганлар учрайверади. Энг муҳими, алдов сўзларга учиб, уларнинг тегирмонига сув қўймасликдир. Бунда мен энг кучли назорат – халқ назорати, деб тушунаман.

Қолаверса, биз бундай товламачиларга йўл қолдирмадик. Илгари, маълумки, гуруҳлар қабул комиссияси томонидан тузиларди. Эндиликда бу вазифани ҳам марказ ўз зиммасига олди. Гуруҳларни компьютер тузади. Айтишим мумкинки, бунда машина хотирасига туширилган барча маълумотлар – абитуриентнинг аттестат номери, у танлаган мутахассислик, қачон битирган, қайси тилда топширади ва ҳоказолар ҳисобга олинади. Ҳатто у ёки бу абитуриентнинг ўтирадиган ўрни ҳам рақамлаб қўйилади. Яъни ҳеч бир одам мана бу аудиторияга, мана бу кишининг ёнига ўтираман, деёлмайди. Аудитория назоратчилари ҳам худди шу тарзда, куръа ташлаш орқали белгиланади.

Бундан ташқари, ўзи талаба бўла туриб, яна аттестатини олиб, ҳужжат топширган бўлса, машина хотирасида унинг аттестат рақами қайтарилганлиги бир зумда аниқланиб, қоида бузарга муттахамчилик қилишга имкон берилмайди. Бу йилги жавоблар варақасида, шунингдек, иккита доирача бўлиб, улар тест қоидалари бузилган ёки бузилмаганлигини белгилашга хизмат қилади. Биз ана шу абитуриентлар томонидан чизилган белгиларга қараб у ёки бу аудиториядаги ҳолатдан хабар топамиз.

Кўриб турибсизки, қабул адолатли тарзда амалга оширилиши учун барча чора-тадбирлар, бутун технологик жараён пухта ишлаб чиқилган. Булар Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган меъёрий ҳужжатда ўз аксини топган бўлиб, қоидабузарлар қонун олдида жавоб бериши, шубҳасиздир.

– Масъулиятли дамлар бошланди. Ҳозир ҳамма ҳаяжонда: талабалар даъвогарлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам ва ҳатто ўйлайманки, сизлар ҳам. Бўлажак талабаларга қандай тилаклар билдиришни истардингиз?

– Биз бугун имкониятлар даврида яшаймиз. Орзу-тилаклари рўёбга чиқишини истаган одам ҳаракат қилиши керак, холос. Ноумид шайтон, дейдилар. Муҳими, интилишга яраша билим бўлсин. Чунки билим фақат ўқишга кириш учунгина керак эмас, у инсонга умрбод асқотади.

Ёшларга истагим шуки, кўнгиллари чопиб турган мутахассисликни танлашсин. Шунда ҳеч қачон уларни пушаймонлик таъқиб этмайди. Изланувчан ва тиришқоқ мутахассислар билан ишлаб чиқаришда инқилобий сакрашлар қилиш мумкин. Мен бугун ҳужжат кўтариб юрган ёшларда ана шундай истеъдод эгаларини, буюк яратувчилик кучи балқиб турган салоҳият соҳибларини изламоқдаман.

Мен уларнинг барчасига омад тилайман. Кучлилар баҳсида голиб чиқишга нима етсин!

Адолат газетаси 1997 йил 5 июль

ТЕСТЛАР – БИЛИМ ТАРОЗУСИ

Тестда кўп вариантлилиқ.

Иқтидорли боланинг имтиёзи унинг иқтидоридир.

Абитуриент ТЕСТ синовининг қандай ўтганини баҳолайди.

Товламачилар ҳам абитуриент билимига ишонади.

– В нынешнем году заявления подали 154 тысячи юношей и 124 тысячи девушек, из них соответственно поступили в ВУЗы 27058 и 19291 человек.

Если рассматривать эти цифры в социальном плане, то число абитуриентов из семей рабочих и сельских тружеников составило 169531 человек (61%), интеллигенции – 67809 человек (24,4%), предпринимателей – 8148 (29%), других – 32265 (11,6%). Из них успешно прошли конкурсный отбор 56% детей рабочих и сельских тружеников, 30% – представляющих интеллигенцию, 3% – предпринимателей и 11% – прочие слои населения.

Наибольшее количество заявлений в ВУЗы подали выпускники сельских школ – 193198, город представляли 84553 человека, из них 33846 человек поступали в столичные институты и университеты.

Наиболее приоритетными направлениями для выпускников школ с узбекским языком обучения были экономика, технические специальности, естественные науки, педагогика, узбекская филология, история. Так, на отделение экономики в ВУЗы республики было подано более 21 тысячи заявлений. Более чем по 17 тысяч абитуриентов прошли тестирование на факультеты с инженерно-техническим и естественно научным направлениями, а также педагогики и начального обучения.

Среди русскоязычного контингента наибольшее предпочтение было отдано экономике, русской филологии, романо-германской филологии (английский язык) и юриспруденции.

В среднем с обучением по государственным грантам на 1-е место было подано 10,7 заявления. В прошлом году этот показатель был равен 8,3. Самый большой конкурс на грантовой основе был зарегистрирован в Ташкентском юридическом институте – 25 человек на место. Далее следует Ферганский государственный университет – 18 человек и замыкает тройку лидеров Навоийский государственный горный институт – 17 человек.

По количеству поданных заявлений лидирует также Ташкентский юридический институт, на втором месте Термезский государственный университет, затем идет Ташкентский государственный педагогический университет.

Наибольшую эффективность ответов, а, следовательно, более глубокие и фундаментальные знания, продемонстрировали абитуриенты г.Ташкента, Бухарской и Самаркандской областей. Значительно вырос в этом году и средний балл, набранный абитуриентами, поступившими в ВУЗы страны. Он составил 135,6 балла против 128,5 в прошлом году. Это красноречивее любых слов говорит о том, что Национальная программа по подготовке кадров уже дает свои положительные результаты.

Статистика также свидетельствует и о возросшем желании молодежи получить высшее образование. Особенно этот факт показателен для Сурхандарьинской области, где в прошлом году на одно место в ВУЗы претендовало 16 человек, нынче – 21. В Навоийской области эти цифры соответственно равны 10 и 15, а в Ферганской области – 11 и 14,5.

Новый век 30 августа – 5 сентября 2001 года

КИРИШ СЎЗИ

Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) ташкил бўлганига 10 йил тўлди. Шу вақт мобайнида мингдан ортиқ фан доктори ва 6 мингга яқин фан номзодлари тайёрланди. Ўтмишимиздаги, шунингдек, ҳозирги вақтда ижод қилаётган буюк олимларимиз билан бутун жаҳон оддида фахрлансак арзийди. Илм-фан соҳасида тарихий анъаналаримизни давом эттириб, келажак учун мустақкам пойдевор яратиш ОАК учун шарафли бурч. Ёшларимизнинг илмга чанқоклиги, уларнинг ижод сари тиним билмай интилиши, улар мураббийларининг бу йўлдаги меҳнатларини қанча шарафласак кам. Шу билан бирга Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосан, олий малакали илмий ва илмий – педагог кадрларни тайёрлашда, энг аввало, сон эмас, сифат кераклигини ҳам унутмаслик зарур. Ҳақиқий билимга эга бўлган, илм – фан соҳасида мустақил Ўзбекистоннинг байроғини юқори даражаларга кўтара оладиган, жаҳон илм – фанига муносиб ҳисса қўшадиган чинакам олимлар тайёрлаш ОАКнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бу борада ишларимиз кўнгилдагидекми? Бу саволга ҳамма вақт ҳам ижобий жавоб бера олмаймиз.

Афсуски, ўзининг бор кучини, имкониятини ҳормай – толмай республикамиз фанини ривожлантиришга, ёш авлодни тарбиялашга, келажакимиз учун ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлашга сарфлаётган фидойи олимларимиз қаторида, фақат фан номзоди ёки фан доктори дипломига ҳар қандай йўл билан эришишга интилаётган сохта олимлар ҳам учраб туради. Орамиздаги бундай иллатларга қарши бутун илм-фан аҳли биргаликда курашиши кераклиги ҳаммага аёндыр.

ОАК тасарруфида жамоатчилик асосида юздан ортиқ ихтисослашган кенгаш, ўн бешта эксперт кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу кенгашларда икки мингдан ортик фан доктори фаоллик билан ишламоқда. Сифатли илмий – педагог кадрларни тайёрлаш республикамиздага барча фан докторларига, қолаверса, минглаб фан номзодларига, уларнинг ўз ишларини қанчалик масъулият билан бажаришларига боғлиқ. Уларнинг ўз вазифаларини, олимлик бурчларини сидқидилдан бажаришларига ОАК ҳамма шарт – шароитларни яратиб беришга доимий ҳаракат қилиши лозим.

ОАК барча ихтисослашган кенгашлар ва эксперт кенгашлари раҳбарларига мурожаат қилиб, бир ой муддатда ОАК низомларини такомиллаштириш бўйича таклифлар, Низомларга киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар, эксперт кенгашлари, ихтисослашган кенгашлар ишларини яхшилаш бўйича тавсиялар ҳамда энг муҳими, диссертацияларни баҳолаш юзасидан янги мезонларни ишлаб чиқиб, ОАКга етказиш сўралган. Ихтисослашган кенгашлар ва эксперт кенгашлари ушбу масалалар бўйича ўз таклиф ва тавсияларини ОАКга бермоқдалар.

ОАК Низомлари талабларига асосан, илмий даража берилиши учун тақдим этилган диссертация иши бир қанча босқичларда муҳокамадан ўтади. Илмий семинарларда, конференцияларда муҳокама қилинган диссертация иши химояга, ихтисослашган кенгашга топширилади. Кенгаш аъзолари, расмий оппонентлар иштирокида ўтказилган илмий баҳслар, мунозаралар асосида муваффақиятли химоя қилинган диссертация иши ОАК экспертизасига келиб тушади.

Баъзида шунча босқичлардан ўтиб келган диссертация ишидан ОАК эксперт кенгаши жиддий камчиликлар топаолади. Натижада, бундай диссертация ишларига рад жавоби берилади. Бу нарса ихтисослашган кенгашларнинг, улар аъзоларининг ўз ишларига масъулиятсизлик билан қарашлари оқибатидир.

Химоя қилинган диссертациялар муаллифлари ОАК эксперт кенгашига, уларнинг диссертациялари юзасидан экспертларда пайдо бўлган жиддий саволларга жавоб бериш учун чакирилганда, баъзи бўлажак фан номзодларининг, ҳаттоки бўлажак фан докторларининг билим савиялари жуда паст эканлиги аён бўлмоқда. Бундай ҳоллар номзодлик имтиҳонларининг ҳаққоний талабчанлик билан ўтказилмаганлигидан, диссертантларнинг ўз билимини оширишга мутлақо аҳамият бермаслигидан далолат беради.

Ихтисослашган кенгашлар бундай ҳолларда, кўпинча, диссертант томонида бўладилар ва ўз айбларини ҳар хил йўллар билан ҳаспўшлашга интиладилар. ОАК эксперт кенгашларида, ҳаттоки

ОАК Раёсатида ҳам баъзида жуда бўш, талабга жавоб бермайдиган диссертация ишларини қўллаб-қувватлашга интилаётган хайбаракаллачилар топилади.

Бундай ҳолларда эксперт кенгашлари аъзоларига нисбатан кескин чоралар кўриш мумкин. Зеро, ОАК Раёсатидаги хайбаракаллачилик, бўш диссертация ишларини, айниқса, эксперт кенгаши томонидан рад жавоби берилган ишларни қўллаш ҳоллари жуда ачинарлидир.

Юқоридагиларга асосланир айтиш мумкинки, аттестация тизимининг ҳамма бўғинлари, ҳамма босқичларининг мустақкамлигини ошириш, давлат аттестацияси ишига масъулият билан қарашни кучайтириш зарур.

Шу мақсадда ОАК ҳозирги вақтда энг долзарб бўлган, биринчи ўринда бажарилиши керак бўлган қуйидаги вазифаларни белгилади: ихтисослашган кенгашлар тизимини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг таркибини етук, ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган олимлардан иборат қилиб тузиш;

эксперт кенгашлари тизимини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг таркибини ўта изчил, ҳалол ва етук олимлар билан тўлдириш ҳамда ёпик мустақил экспертлар базасини яратиш;

номзодлик имтиҳонларини ўта талабчанлик билан, замонавий ахборот технологиялари ва усулларини қўллаб, аспирантлар ва илмий изланувчиларнинг билиминини, интеллектуал ривожланишинини, илмий савиясини ошқоралик ва демократик руҳда баҳолаш мақсадида марказлаштирилган ҳолда ўтказилишини таъминлаш;

ОАК низомларини ва улар асосида ишлаб чиқилган тартибларни қайта кўриб чиқиш ва уларга ҳозирги замон талабларига мос равишда ўзгартиришлар киритиш;

диссертация ишларини ва улардаги илмий – тадқиқот натижаларини жаҳон илм-фани ютуқлари нуктаи назаридан баҳолаш мақсадида республикамизда, ҳамдўстлик мамлакатларида ва ривожланган давлатларда ёқланган диссертациялар, нашр этилаётган илмий журналлар, монографиялар бўйича маълумотлар базаларини яратиш;

аспирантлар, докторантлар ва илмий изланувчиларнинг диссертация ишларини бажариш жараёнларидаги ва диссертация ҳимояларидан кейинги фаолиятлари ҳақида узлуксиз мониторинг олиб бориш ва уларни таҳлил қилиш;

диссертация ишларидаги илмий натижаларни амалиётга татбиқ қилиш бўйича тавсиялар тайёрлаш ва уларни тегишли вазирликлар, идораларга етказиб туриш;

ихтисослашган кенгашлар, эксперт кенгашлари, номзодлик имтиҳонлари комиссиялари фаолиятларини моддий рағбатлантириш асосларини яратиш;

диссертация ишларини баҳолашнинг янги объектив мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

диссертация ишларининг объектив, мустақил экспертизасини ташкил қилиш;

илмий – тадқиқот ишларининг савиясини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш;

диссертациялар экспертизасига чет давлатларнинг етакчи олимларини, илмий – тадқиқот институтларини ҳамда олий ўқув юртларини жалб қилиш;

олий малакали илмий ва илмий – педагог кадрларнинг давлат аттестацияси масалалари бўйича халқаро алоқалар самарадорлигини ошириш;

бу масалаларда чет мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва жорий қилиш;

замонавий компьютерлар тизими ва INTERNET хизматиغا таянган ОАК ахборот – таҳлил марказини ташкил қилиш;

илмий ва илмий – педагог кадрларнинг давлат аттестацияси тизимида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, диссертациялар экспертизаси ва илмий таҳлил учун ҳамда ёқланган диссертациялар, илмий ишлар натижаларини ишлаб чиқаришга, ижтимоий соҳаларга татбиқ этиш учун моддий – техник асосларни яратиш.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда ОАК республикамызда хормай—толмай фаолият кўрсатаётган фидокор олимларнинг, илмий ва илмий – педагог жамоатчилиқнинг, илмий текшириш институтларининг, олий ўқув юртларининг таклифларига, тавсияларига сўзсиз таянади ва уларнинг ёрдамини кутади.

Мустақил республикамызнинг буюк келажаги пойдевори бўлиши етук олий малакали илмий ва илмий – педагог кадрларни сифатли тайёрлашда давлат аттестацияси тизимларида фидойилик билан ишлаётган ҳамюртларимизнинг сидқидилдан меҳнатлари, беғараз маслаҳатлари Олий аттестация комиссиясига таянч бўлишига умид боғлаймиз.

Буюк аждодларимизга, замондош атоқли олим ва алломаларимизга, таниқли давлат арбобларимизга издош ва истиқлол ғоясига содиқ бўлган ёш олимларни, илмий – педагог кадрларни республикамызда сифатли, юқори савияда, ҳозирги замон талабларига мос ра-

вишда тайёрлаш Олий аттестация комиссиясининг, ҳаммамизнинг, илм – фан аҳлининг, мураббийдан тортиб жаҳон микёсидаги олимларимизнинг бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси

Бюллетень № 1, Тошкент 2003 йил

ТЕСТЛАШТИРИШ

Тестлаштириш – тестлар ёрдамида билим, кўникма ва малакаларни текшириш усули. Тестлаштириш инсоният тарихидаги энг кад. ходисалардан бири ҳисобланади. Қад. Хитойда фуқаролик хизматиға кирувчи амалдорлар шу усулдан ўтказилган. Илк бор «аклий тест» атамаси 1890 йилда америкалик психолог Жеймс Маккии Каттел мақоласида кўлланилган бўлиб, унда коллеж ўқувчиларининг интеллектуал даражасини аниқлаш учун хар йили кўлланиладиган туркум тестлар тавсифланган. Француз психологи А. Вине ҳам ўз тадқиқотларини аклий салоҳиятни аниқлаш усуллариға бағишлади. Нидерландия, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Дания, Франция, Исроил, Финляндия, Канада, Австралия, Янги Зеландия ва бошқа ривожланган давлатлар тестлаштириш бобида етакчи ҳисобланади. Мазкур рўйхатдан аҳолисининг ҳаёт тарзи юқори бўлган мамлакатларнинг жой олиши тасодифий эмас. Бу ерда тестлаштириш кўлланиши таълим сифатиға таъсир этиши бошқарув сифати билан боғлиқ бўлса, сифатли бошқарув, навбатида, аҳоли турмуш даражасининг сифатини оширишға замин яратади.

Тестлаштириш 1898 йилда АҚШда бир нечта олий ўқув юртиға киришда синаб кўрилиб, абитуриентлар учун ўрта мактаб дастурлари асосида ягона тестлаштириш тизимини яратиш зарурлиги ҳақидаги хулосаға келинди. 1900 йилда айрим хусусий ташкилот ва университетлар ташаббуси билан коллежларға қабул қилиш бўйича имтиҳон кенгаши, 1947 йил декабрида эса таълимни ривожлантириш бўйича Карнеги жамғармаси ҳамда коллежларға қабул қилиш бўйича имтиҳон кенгаши томонидан педагогик тестлаштириш хизмати ташкил қилинди.

Ўзбекистонда олий ўқув юртлариға киришдаги тестлаштириш усули Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1992 йилда жорий қилинди. Бу фармон таълимни тубдан ислох қилиш ва

демократлаштириш жараёнини бошлаб берди, олий Ўқув юртларига қобилиятли ёшларни танлаб олишда ижтимоий адолатни таъминлади. Ўзбекистон тестлаштириш тизими хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўзига сингдириб, миллий анъана ва минтақавий ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда ривожланиб борди. Илғор мамлакатлардаги тестлаштиришнинг 1 ва 2 вариантли моделлари ҳамда универсал саволлар китобчаси билан боғланган тестлаштириш тизими Ўзбекистонда янада ривожлантирилди. Шунингдек, юқори даражада махфийликни муҳофаза қилиш, ёшларнинг билим ва ақлий даражасини баҳолашда мувофиқлик ҳамда аниқликни таъминлаш учун 1996 йили тестлаштиришнинг кўп вариантли тизими ишлаб чиқилиб жорий этилди. Давлат тест марказининг кўп вариантли технологияси ҳамда яхлитлашган автоматлаштириш тизимининг дастурлари Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси томонидан берилган 30 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномалари билан ҳимояланган. Кўп вариантли тестлаштириш натижаларининг тахлили ўқув фанларини ўзлаштириш даражаси, унинг бўлимлари бўйича олинган билимларнинг чуқур ва мустақамлигини изчил кузатишга, таълим жараёнини тубдан такомиллаштириш истикболларини белгилашга имкон яратади, янги педагогик технология, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш бўйича илмий асосланган тавсиялар беради. Тестлаштиришнинг кўп вариантлик технологияси, тестологиянинг илмий асосларини тадқиқ қилиш, тестлаштириш натижаларини дидактик асосда таҳлил этиш, шунингдек, тестлаштиришнинг турли тармоқларда қўлланилиши бўйича 1996 йилдан буён 18 китоб нашр этилди.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 406 бет, 8 том, 2004

ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ (ОАК)

Олий аттестация комиссияси (ОАК), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси – Ўзбекистонда илмий ва илмий-педагог ходимларга фан, техника, халқ таълими ва маданиятнинг барча йўналишлари бўйича илмий даража ва унвонлар берувчи давлат органи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси ташкил қилиш тўғрисида»ги фармони (1992 йил 31 март) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари» ҳақидаги қарори (1992 йил 9 сентябрь) билан ташкил этилган.

ОАК нинг асосий вазифаси олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишга раҳбарлик қилиш ҳамда илмий даража ва унвонларга қўйиладиган талабларнинг ягоналиги ва бажарилишини таъминлаш, ихтисослашган кенгашлар иши ва диссертация ишлари сифатини, уларнинг илмий ҳамда амалий қийматини назорат қилиб боришдан иборат. ОАК вазирлик ва идораларнинг, Ўзбекистон Республикаси ФА нинг тақдимномаларига биноан, етакчи олий ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш муассасаларида фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгашлар тузади, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда илмий-техника ва ижтимоий тараққиёт талабларини ҳисобга олган ҳолда, режалаштирилаётган докторлик ва номзодлик диссертацияларининг мавзуларини шакллантириш ишларини мувофиқлаштиради ҳамда мониторингини олиб боради, тегишли ихтисослашган кенгашнинг тақдимномаси асосида фан доктори, фан номзоди илмий даражаларини, профессор, доцент илмий унвонларини беради, бошқа давлатларнинг илмий даражалари ҳақидаги дипломларни ўрнатилган тартибда республика дипломларига тенглаштириш (нострификациялаш) ни амалга оширади, фан доктори, фан номзоди дипломлари ҳамда профессор, доцент аттестатларини расмийлаштиради, ёқланган диссертация ишларини таҳлил қилади ҳамда натижалари диссертация ишларида баён этилиб, бажарилган илмий тадқиқот ҳақида, уларни амалиётга жорий қилиш имконияти тўғрисидаги те-

гишли тавсиялар билан биргаликда вазирлик, идораларга ахборотлар юборишни таъминлайди.

ОАК га олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишни ташкил қилиш юзасидан корхона, ташкилот, муассасалар томонидан, уларнинг идоравий бўйсунушидан катъи назар, бажарилиши шарт бўлган буйруқ ва йўриқномалар чиқариш, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилиш, илмий, илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича ихтисослашган кенгаш ва илмий кенгашлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш, ОАК илмий кенгаши ва Раёсати мажлисларида иш тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш мақсадида ихтисослашган кенгашлар раисларининг ҳисоботларини эшитиш, ихтисослашган кенгашларда ишлар сифатсиз олиб борилган ёки диссертация ёқлаш юзасидан белгиланган тартиб кўпол равишда бузилган ҳолларда уларни тугатишгача бўлган чораларни кўриш, ихтисослашган кенгашлар фаолиятини текшириб туриш, айрим диссертацияларни назорат экспертизасидан ўтказиш учун зарур ҳолларда оппонент ва тақризчилар тайинлаш, олий ўқув юртлари, Ўзбекистон ФА, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилиш, номзодлик имтиҳонларини ташкил этиш ва уларнинг савияси устидан назоратни амалга ошириш, илмий даража ва унвонлар берувчи кенгашлар ишлаб турган ташкилот, муассасалардан белгиланган тартибда ҳар йилги ҳисоботларни ҳамда республикада илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, уларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва чора-тадбирлар кўриш учун вазирлик ҳамда идоралардан зарур ахборотлар олиб туриш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси тизимини такомиллаштириш, диссертацияларнинг илмий савияси ва амалий қийматини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун белгиланган тартибда идоралараро кенгашлар чақириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича халқаро ташкилот, кенгаш, конференциялар ишида катнашиш, бошқа мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари билан тажриба алмашишни амалга ошириш, белгиланган тартибда илмий ва илмий-педагогик кадрларни илмий даража ва илмий унвонлардан махрум қилиш ёки тиклаш ҳуқуқи берилган.

ОАК МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб, замонавий ахборот технологиялар асосида диссертацияларнинг электрон эксперти-

засини ўтказиш, шунингдек, диссертацияларни холисона, мустақил экспертизасини ўтказиш мақсадида уларни тақризчиларга компьютер дастури орқали тақсимлаш ҳамда чет эл мутахассис олимларини электрон почта орқали экспертиза ишларига жалб қилишни ташкил этди.

ОАК раиси, унинг ўринбосари, бош илмий котиб ва ОАК илмий кенгаши бошқа аъзоларидан иборат Раёсат ОАКнинг ижройи раҳбар органи ҳисобланади. Раёсат аъзолари сони ва таркибини **Ўзбекистон Республикаси** Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди. ОАК Илмий кенгаши илмий ижтимоий орган бўлиб, у олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассаса ва ташкилотлари, вазирлик, идора, Ўзбекистон ФАнинг тақлифлари асосида фаннинг асосий йўналишлари бўйича етакчи олим ва мутахассислардан тузилади. Илмий кенгаш аъзолари сони ва таркиби ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва вақти-вақти билан янгиланиб турилади.

ОАК таркибида Физика-математика, техника фанлари ва ер ҳақидаги фанлар, биология, кимё ва тиббиёт фанлари, гуманитар ва ижтимоий фанлар бўлинмалари, меъёрий-ахборот бўлими бор. Тақдим этилган диссертацияларни илмий экспертизадан ўтказиш, илмий унвонлар бериш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиш учун ОАК ҳузурида фан тармоқлари бўйича халқ хўжалиги ва маданиятнинг етакчи мутахассис олимларидан иборат 14 та эксперт кенгаш мавжуд. Уларнинг таркиби олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институт ва муассасалари, ЎЗР ФА, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг тавсиялари ҳисобга олинган ҳолда, белгиланади ва кейинчалик кенгашнинг камида 1/3 қисмини янгилаш шарти билан ОАК Раёсати томонидан 3 йил мuddатга тасдиқланади.

ОАК га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тайинланадиган раис бошчилик қилади. У ОАК Илмий кенгаши, Раёсати ва хайъати ишига раҳбарлик қилади ҳамда ОАК га юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради. ОАК «Олий аттестация комиссияси бюллетени» журналини нашр этади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 501–502 бет, 6 том, 2003 йил.

РАМЗ БОБОЖОННИ ЁДГА ОЛИБ...

Истеъдодли ўзбек шоири, драматург Рамз Бобожон асарлари билан мен биринчи марта XX асрнинг 60- йиллари ўртасида Москвада танишганман. МФТИ, МЭИ. МЭИС каби техника олий ўқув юртларининг талабалар муҳитида у вақтда адабиётга, айниқса, шеърятга қизиқиш катта эди. Ўша йиллари, ҳатто «физиклар – лириклар» деган тушунча ҳам пайдо бўлганди. Чунки гоҳо физика-техника йўналишидаги талаба, масалан, радиоэлектроник ёки энергетик замонавий шеърят ва адабиёт ҳақидаги саволларга гуманитар олий ўқув юрти талабасига қараганда дурустроқ жавоб берарди.

Биз турадиган ётоқхонада кўпинча таникли шоирлар ва ёзувчиларнинг талабалар билан ижодий учрашувлари ўтиб турарди. Талабаларга ўзларининг янги шеърларини жўшиб-ёниб ўкиб берадиган шоирлар ичида Андрей Вознесенский, Евгений Евтушенко, Роберт Рождественский. Белла Ахмадуллина ва бошқалар бўлар эди.

Ўша ёшлигимнинг олис йилларида Рамз Бобожоннинг «Ўғлимга» (1963) деб аталган ажойиб шеъри бир умр ёдимда сақланиб колди, унда шоир катта ғурур билан ва юракдан тошиб чикаётган оталик меҳри билан ўз ўғли ҳақида гапиради. Шеърнинг охириги сатрлари, айниқса, мени тўлқинлантириб юборганди.

Ўғлим ўхшар эмишсан менга,
Билки умид, бахт – иқболимни,
Юзимдаги ҳатто ҳолимни
Юрагимдан берганман сенга!
Сенга яна дунё ва дунё,
Сочай дейман гуллар атрини,
Лекин сира кўрмайман раво,
Манглайимнинг қора сатрини.

Рамз Бобожоннинг шеър ва рубоийлари ўша йиллари биз ўзбек талабалари учун кўлдан кўймай ўқиладиган китобимиз бўлиб колганди, каттиқ ўқиш ва имтиҳонлар даврида бизга мадад бўлар, юрагимизда ишонч, умид орзулар уйғотарди. Рамз Бобожон шеъряттида инсон, унинг бахти ва вазифаси ҳақидаги фикр ва туйгулар яраклаб кўриниб туради, улар ҳаётда ўрнимизни топишга, ўзимизга ва келажагимизга ишонч билан карашга ундар эди.

Кўп йиллар ўтиб, Тошкентда шоир Рамз Бобожон билан танишиш шарафига муяссар бўлдим. Бу 2003 йилда ҳукумат касалхонасида содир бўлди. Қизиғи шундаки, мен у кишини биринчи марта кўрган ўша эсдан чикмас учрашувда худди эски ошналардек

самимий кўришдик. Бўлмаса-чи, унинг шеърлари. сувратлари ва кўплаб адабий ютуқлари орқали мен у киши билан олдиндан таниш эдимда. Мен учун Рамз Бобожон ўтган аср ва янги аср бошлари ўзбек адабиётининг тимсоли бўлиб қолган.

Рамз Бобожон мен билан илиқ, самимий кўришар экан дабдурустан: «Мен сизни биламан. Сиз олий ўқув юртларига истеъдодли талабаларни ҳаққоний танлаш борасида кўп ишлар қилгансиз» деса, ҳайратдан нима дейишимни билмай қолибман. Мен: «Сиз жуда ошириб юбордингиз, мен Президентимиз олдимизга қўйган вазифани бажарган эдим, бу ишни холисанилло ва одиллик билан адо этиш лозим эди», деб жавоб бердим. Гоҳ у, гоҳ бу мавзуда биз узок суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, Рамз ака фаннинг турли соҳаларидаги кўплаб олимларни билар экан, улар фаолиятини кузатиб борар, муваффақиятларидан қувониб, омад кулиб боқмаганларга куйинар экан. Бизнинг биринчи танишувимиз ана шу тарика рўй берди.

Кейинчалик дўстлигимиз давом этди, биз тез-тез учрашиб турардик, гоҳ уларнинг, гоҳ бизнинг уйимизда суҳбатлар қураб эдик. Суҳбатларимизда замонавий маданият, фан, санъатга оид долзарб муаммоларни тилга олар, бадиий адабиёт ҳақида гурунглашар эдик. Рамз Бобожон дард билан шуни такрорлар эдики, ёшларда бадиий адабиётга қизиқиш сусайиб кетмоқда. Миллатнинг ахлоқий тарбиясида, маънавий ривожланишида. шахс сифатида инсон билан муносабатда бўлишда ёзувчининг роли ниҳоятда катта эканига у тамоман ишонарди. Иккаламиз ҳам шу нарсага амин эдикки. факат бадиий адабиётгина инсонга бутун идрок инъом этишга кодирдир, идроксиз инсон ҳаётисиз жамиятнинг чуқур маъносини очиб берувчи фикрлар юритишнинг асло имкони йўқ, адабиётнинг мақсади одамларни бирлаштириш. Ҳақиқат ва ижтимоий адолатга интилишида бир ёқадан бош чиқаришга ундаш, ҳаётни, дунёни, келажакни оташин муҳаббат билан севишга чақиришдир. Агар одам том маънодаги инсон бўлса, ахлоқий мақсадлар йўлида ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиши керак.

Бир гал айланиб замонамизнинг ахборотларга тўлиб-тошиб кетаётгани (телевидение, радио, интернет), ёшларнинг аксарият ҳолларда шу манбалардан келаётган ахборотларга қизиқишлари ортиб бораётганига келиб тақалди. Узок суҳбатлашганимиздан кейин иккимиз шундай хулосага келдикки, бадиий адабиёт маънавий ва ахлоқий тамойилларни шакллантириши билангина бебаҳо эмас. Бадиий адабиётнинг савобли вазифалари янги тафаккурни шаклланти-

ришдан иборат, мутолаа ёш йигит-кизларда замон ва маконда фикр кила билиш, ҳозирдан туриб келажакнинг овозини эшитиш укуви пайдо бўлишига имкон беради.

Техника олий ўқув юрти ўқитувчиси сифатидаги тажрибамдан бир воқеани эслайман. Бир куни электроникадан имтихон олинаётганда талаба дангал жавоб берди, чунки тарифлар, формулаларни жуда яхши ёдлаган экан. Бирок мушоҳада юзасида киёслаш, мантикий хулоса яшаш, жисмоний фикрлаш билан боғлиқ саволларга жавоб бера олмади. Шунда мен талабага дедим: «Сентябрга-ча (имтихон июнда эди) синов дафтарчисини олиб қўй, ёз бўйи бадий адабиёт ўқи, кейин имтихон топширгани кел.» Талабанинг чеҳрасида таажжуб ифодаси бор эди: «Нега ундай дейсиз, ахир мен кесма ва формулаларни чизиб бердим-ку? Мен унга дедим: «Сен киёслаш, мантикий хулоса чикариш, яъни фикрлашни билмайсан, афтидан бадий адабиётни кам ўқигансан ёки умуман ўқимагансан. Айтганларимни килда, кейин кел...» дедим.

Ҳақлигимизни исботлаш учун ҳаётимдан яна бир мисолни келтирдим. Илмий кенгаш мажлисидан кейин мен номзодлик диссертациямни химоя қилган Москва олийўқув юртларидан бирида ҳозир бўлган бир журналист қошимга келди-да сўради: «Сиз рус тилини жуда яхши билар экансиз, электроникадай мураккаб соҳада замонавий фикр юритасиз. Сиз учун бегона бўлган тилни бундай чуқур ўрганишингизнинг сабаби нимада? Мен унга: «Бадий адабиётни ўқиганим учун», деб жавоб бердим.

Биз Рамз Бобожон билан шу нарсада яқдил эдикки, бугунги кунда талабалар ҳавас учун эмас, аввало, тафаккурни, гуманистик дунёкарашни, маънавий тараққиётни, мутахассислигидан қатъий назар, шахснинг тикланишини шакллантириш учун бадий адабиётни мутолаа қилиши керак.

Бизлар танишган мана шу қиска вақт ичида бу хайратомуз даражадаги самимий ва камтарин инсон ўзининг бутун ёзувчилик улуғворлиги билан кўз олдимда намоён бўлди. У оддий одамларни севар, инсон ҳис-туйғулари ва руҳиятини билар, олимлар. мутахассисларни ҳурмат қилар эди, бу мендай ўзбек фани вакилида самимий ифтихор туйғусини пайдо қилди. У ҳақиқатан ҳам, ҳамма нарсага баробар эди. Қомусий билимлари теран ақлу фаросати ва донишмандлиги билан тингловчини бир зумда ўзига ром қилар эди. Рамз ака билан бўлган суҳбатлар у оғир ҳаёт йўлини босиб ўтганини, бу йўл унга замонавий жамият ва жаҳон маданиятининг кўплаб мураккаб муаммолари ҳақида тўғри гапириш ва тўғри мушоҳада юритиш имконини берганини кўрсатиб ва исботлаб берди.

Бугун орамизда Рамз Бобожон йўқ. У ижод маъносида самарали ва узоқ умр кўрди. Шеърят, наср ва драматургия соҳасида кўп киррали фаолиятига қайрилиб қарар эканмиз, унинг меҳнатсеварлигига, илҳомига, унинг ҳаётининг ҳар бир дақиқаси ўқувчини бефарқ қолдирмайдиган бадиий асарлардан иборатлигига қойил қоламиз.

Ўйлайманки, агар у биз ва келажак авлодга катта ҳамда бой маънавий мерос қолдирганлардан бири десам, унинг самарали адабий фаолиятини тўғри баҳолаган бўлар эдим.

Рамз Бобожон ўз рубойларидан бирида шоир бурчини ғоят аниқ белгилаб берган. Назаримда, бу сўзлар, энг аввало, мана шу сатрлар муаллифига тааллуқли. Рамз Бобожон ўзининг бетакрор асарларида, бадиий сўзида ва чуқур лирикасида, инсонга шахсга ва келажакка муҳаббат билан йўғрилган шеъриятидаги мусиқада яшаяжак.

Рамз Бобожонни эслар эканмиз буюк замондошимиз – бутун куввати, қалб саҳовати ва истеъдодини Ўзбекистон халқига, шунингдек, унинг келажаги бўлган ёшларга бахшида этган инсон билан фахрланамиз.

*Рамз Бобожон замондошлари хотирасида,
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи. Тошкент, 2013 йил*

БИЗНИ ТЕСТ ДЎСТЛАШТИРДИ

Инновацияларни жорий этиш ҳар қандай соҳада, маълумки, инсон тафаккури, унинг онг-шуури, тараққиёт зоялари ва янгиликларни қанчалик қабул қилишига боғлиқ қийинчилик ва муаммолар билан узвийликда амалга ошади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида таълим, саводхонлик даражаси ва интеллектуал ривожланишни баҳолашнинг янги технологияси-тест тизимини кенг жорий этиш ҳам бундан мустасно эмас. МДХ мамлакатларида биринчи бўлиб иктидорли ёшларни олий ўқув юртларига ташлаб олишга қаратилган тест тизимини жорий этиш ўқиш, ўқувчилар ва ўқитувчилар онгида кескин бурил и ш ясашни талаб этарди.

Ўша пайтларда мен Давлат тест марказида, Абдусайд Кўчимов эса Ўзбекистон телерадиокомпаниясида раиснинг радио бўйича ўринбосари лавозимида ишларди. Мамлакатимизга энди кириб келётган янги жараённинг афзалликларини англаш ҳамма учун ҳам осон кечган эмас, тест деганининг бизга нима кераги бор дегувчилар нафақат оддий фуқаролар ичида, ҳатто туппа-тузук вазифада ўтирган амалдорлар орасида ҳам учрар эди.

Абдусаид Кўчимов тест тизимининг истиқболли эканлигини, унинг адолат ва ҳолисликни таъминлашдаги ролини чуқур англаб етганларнинг бири эди. Ўша маҳалларда ўрта мактаблар ўқувчи ва ўқитувчиларидан иборат жуда кенг аудитория учун бир пайтнинг ўзида тушунтириш ишлари олиб бориш, уларни тест технологиясига ўқитиш, тест топшириқларини еча олишига эришиш каби муаммолар ҳамжиҳатликдаги мувофиқ ва самарадор тизимни талаб этарди. Бу долзарб муаммоларни А.Кўчимов билан муҳокама қилар эканмиз, унинг ёшлар, тест маркази жамоасига олий ўқув юртларига киришга тайёрланаётганлар учун самарали радиоузатиш тизимини татбиқ этиш йўлларини кидиришдаги ёрдам бериш нияти самимий ва эзгулигига тобора ишонч ҳосил қилиб бордим. Абдусаид Кўчимовнинг ташаббуси билан илк бор тест маркази ходимларининг ўқувчилар, ўқитувчилар, республикамизнинг барча ҳудудлари аҳолиси билан тўғридан-тўғри радио-мусоҳабаси ташкил этилди. Республиканинг энг чекка нуқталарида истиқомат қилувчилар ҳам жонли эфирга чиқиб, ўзларини қизиқтирган саволларни беришар, тест тизимига муносабатлари, унинг камчиликлари тўғрисида фикрлари билан ўртоқлашар эдилар.

Тест маркази ходимлари ҳам ҳар бир савол ва муаммо юзасидан тезкорлик билан жавоб беришарди. Радио орқали кенг аудитория билан бундай тизимнинг ташкил этилиши натижасида таълим соҳасидаги бу ислохотларга аҳолининг ишончи янада ошди. Мулоқотлар жараёнида жуда кўплаб ўқитувчи ва ўқувчиларда тест топшириқлари юзасидан саволлар пайдо бўларди. Саволлар шу қадар кўпайиб борар эдики, уларнинг барчасига бир эшиттиришда жавоб бериш мумкин бўлмай қолди. Шундай кунларнинг бирида радио раҳбари билан мазкур муаммони қандай ҳал қилсак тўғри бўлади, деган масалада маслаҳатлашдик. Мулоқотдан ташқари яна бир махсус эшиттириш ташкил қилсак, нима дейсиз, деб қолди у киши. Бу таклиф менинг ичимдаги гап эди. Хурсанд бўлиб кетдим. Шу тарика тест маркази мутахассислари, тажрибали педагоглар билан биргаликда радио орқали ҳафтанинг аниқ куни ва соатида барча фанлар – математика, физика, тиллар ва ҳоказо йўналишларда тест топшириқларини бажариш бўйича машғулотлар ташкил этилди. Мазкур эшиттириш ўқитувчиларда профессионализмнинг ошишига, ўқув жараёнига тест топшириқларини татбиқ этиш, ўқувчиларда тест топшириқларини ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришда катта рол ўйнади.

Абдусаид Кўчимов бошка оммавий ахборот воситаларига караганда радио кенгрок аудиторияга эга эканлигини яхши тушунарди. Тест жараёнининг ошкора ва очиклиги, демократиклигини матбуотда таъминлаш вазифаси қайсидир маънода А.Кўчимовнинг ҳам раҳбар, ҳам профессионал журналист сифатидаги савъ-харакатлари натижасида ечимини топди, десам хато бўлмайди. Унинг катъияти ва юқори фуқаролик позициясига яна бир мисол. 1996 йилнинг 6–7 август кунлари тест натижаларига ишлов бериб бўлингач, мен радио орқали бу ҳақда барча абитуриентларга эълон қилишни сўрадим ва бу хабар тезкорлик билан радиода эълон қилинди. Бу хабар одамларда тест тизимига ишончининг мустаҳкамланишида ўз вақтида катта роль ўйнади. Чунки биз абитуриентларга тест вариантларининг компьютерда қилиниши ва электрон кўринишда ўқилиши, натижалари компьютерда сарҳисоб қилиниши тўғрисида айтиб келганмиз.

Абитуриентлар ҳам тест натижаларига ишлов бериш ўта юқорилигини яхши тушунишарди. Таълим тизимга кизиқиши, иктидорли ёшларни юзага чиқариш истаги Абдусаид Кўчимовда шунчалик юқори эканки, тестлар тугаб, у энди Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси лавозимида ишлаётганида ҳам тест синовлари натижалари, истеъдодли ёшлар билан кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш, республикамизнинг турли ҳудудларидан олий ўқув юртларига кирганлар билан жонли эфир орқали мусохаба ва мулоқотлар ташкил этишга кизиқиш билдирарди. Ўқишга кирганларнинг ижтимоий келиб чикиши тест тизимининг нақадар адолатли ва холис тизим эканлигини белгилловчи омил сифатида уни кизиктирарди. Кувонарлиси, ўқишга қабул қилинганларнинг 60 фоиздан ортиғи кишлоқ мактаблари ўқувчилари, 96 фоиз талабалар оддий ишчи-хизматчилар ва зиёлиларнинг фарзандлари эди.

Республикамизда тест усуллари йўлга қўйиш ва ривожлантириш, мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда телерадионинг роли бекиёс. Теран ақл сохиблари – ишчан телерадиокомпания журналистлари Давлат тест марказини ўз ишларини янада такомиллаштиришга ундарди.

Барча инновацион ёндашувлар тезкорлик билан аҳолининг кенг қатламларига етказиларди. Бу эса ёшлар онгини, уларнинг ўқиш, таълим олишга бўлган муносабатини бутунлай ўзгартиришда муҳим аҳамият касб этди. А.Кўчимовда олижаноб ҳайрихоҳлик мужассам – у ҳар қандай масалада ижобий жиҳатларни яхши

англайди ва аксинча, арзимас, ҳеч қандай асосга эга бўлмаган тушунмовчиликлар улуғ ва хайрли ишларга соя ташлашига йўл қўймайди. Бу эзгулик, инсонпарварлик, атроф-олам ва инсонларга муҳаббат унинг ёшларни тарбиялашда муҳим роль ўйнаётган қўплаб бадиий асарларида ўз аксини топган. Ўзбекистон телерадиокомпаниясидек йирик компанияга раҳбарлик чоғида ундаги ижодий ёндашувлар ўз самарасини бергани шубҳасиз.

Бизни тест дўстлаштирди. Бу самимий биродарлик бугун ҳам давом этмоқда. Энг хурсанд бўладиган жойи яна шундаки, бугун биз битта тизим – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида меҳнат қиляпмиз. Олдимиздаги вазифа яна ўша-ўша – дунёдаги янги технологияларни мамлакатимиз ишлаб чиқариш тармоқларига, республикамиз фуқаролари онгига янада чуқурроқ сингдиришдек олижаноб вазифага баҳоли кудрат ҳисса қўшиш. Мен шундай олижаноб, фидойи дўстим борлигидан фахрланаман.

*«Дунёга айланган кўнгил», Абдусайд Кучимов
замондошлар иншосида, – фан ва технология
2011 йил.*

ДЛЯ КОМПЬЮТЕРОВ И МЕДИЦИНЫ

Врачи заподозрили у больного аппендицит. Чтобы уточнить диагноз, приходится исследовать кровь, следить за течением болезни. И все-таки трудно определить, нужна операция или достаточно терапевтического лечения. Ученые Ферганского политехнического института сконструировали портативный прибор, который станет подспорьем медикам.

Принцип действия прибора прост: в его основе инфракрасное излучение, которое при воспалительном процессе в организме человека становится интенсивным. Миниатюрные терморезисторы улавливают невидимые лучи. А потенциометры записывают, как развивается воспалительный процесс. Любой участковый врач может взять прибор с собой, когда идет по вызову на дом. Медики Москвы, посетившие, в этом году павильон «Народное образование» на Выставке достижений народного хозяйства, смогли познакомиться с этой новинкой. На снимке москвича Б.Трепетова, присланном в редакцию мы видим посетителей ВДНХ, рассматривающих ферганский прибор.

Это, конечно же, не единственная модель, которая родилась на кафедре промышленной электроники молодого ферганского ВУЗа.

Здесь разрабатывают оптико-электронные методы и системах автоматического контроля и измерения. Такая тема включена в координационный план Академии наук УзССР. Ученые кафедры заключили хозяйственные договоры с несколькими крупными предприятиями. Так, для Ошского текстильного комбината здесь разрабатывают систему автоматического контроля за качеством нити, для Ферганского масложиркомбината автоматизацию шелушильного цеха, для пивоваренного завода – приборы, определяющие коэффициент прозрачности напитков.

Кафедре всего пять лет. Но здесь уже выросли серьезные специалисты развивающейся отрасли электроники. Это, прежде всего, заведующий кафедрой Мухсин Мухитдинов. Он прошел курс наук в Московском электротехническом институте связи, а затем закончил аспирантуру и защитил кандидатскую диссертацию на кафедре электроники и автоматического регулирования Московского станкоинструментального института. Вернувшись в Фергану, он, доцент политехнического института, завязал тесные контакты с промышленными предприятиями. Уже не только преподаватели, но и студенты берутся за практическую работу – конструируют приборы и схемы для народного хозяйства. Так во время лабораторных занятий студенты смонтировали оптоэлектронный датчик угловых и линейных перемещений. Прибор такой нужен и машиностроению, и легкой промышленности. Кстати, прибор для регистрации инфракрасного излучения, который сейчас экспонируется на ВДНХ, ждут не только медики, но и конструкторы вычислительных машин: он своевременно сигнализирует о нарушении микросхем и интегральных схем.

Тесная связь ВУЗа с производством помогает не только преподавателям выйти на передний край науки, но и формирует сознание студентов завтрашних инженеров, командиров и пропагандистов технического прогресса.

Ферганская правда 8 июля 1975 года

В ТЕСТНОМ СОДРУЖЕСТВЕ: УЧЕНЫЕ – ПРОИЗВОДСТВУ

На базе Ферганского политехнического института недавно состоялось заседание совета Академии наук Узбекской ССР по связям с высшей школой республики.

С вступительным словом перед собравшимися – ведущими учеными и преподавателями института, руководителями крупных промышленных предприятий области – выступил председатель совета Академии наук Узбекской ССР по связям с высшей школой, вице-президент АН УзССР академик Т.Р.Рашидов.

Огромные по своей значимости задачи – совершить поистине революционный переворот в промышленности и других отраслях производства, вывести советскую науку и технику на передовые рубежи – сказал он.

С докладом о работе совета за 1986 год и об укреплении связи академической и ВУЗовской науки выступил заместитель министра высшего и среднего специального образования Узбекской ССР, член-корреспондент Академии наук республики З.С.Салимов. С большим интересом было прослушано сообщение руководителя Ферганского научного центра, исполняющего обязанности ректора политехнического института, профессора М.М.Мухитдинова об укреплении творческих связей института с промышленными предприятиями, конструкторскими бюро и научно-исследовательскими институтами в свете Основных направлений перестройки высшего и среднего специального образования в стране. Подготовленные к заседанию стенды и диаграммы о ходе развития ВУЗовской науки за последние годы наглядно проиллюстрировали интеграцию образования, науки и производства.

Если полтора десятилетия назад связь ВУЗовских ученых выражалась лишь в договорах о творческом содружестве, то в настоящее время она утверждает себя такими формами, как выполнение научно-исследовательских работ по хозяйственной тематике, создание учебно-научно-производственных объединений, позволяющих готовить специалистов через производство и производства. Примером могут служить успешно действующие объединения «ЦемВУЗ» (ФерПИ – Кувасайский цемкомбинат), «Химик» (ФерПИ – производственное объединение «Азот»). «Машиностроитель» (ФерПИ – Ферганский механический завод), «Строитель» (ФерПИ – трест №8), создание филиалов кафедр института на производстве и многие другие. Однако сложность состоит в том, это отмечали и докладчики, что многие очень важные и нужные разработки ученых до сих пор не могут найти широкого применения на производстве.

О задачах научно-технического общества Ферганской области по развитию творческой активности масс, в частности, развития студенческого научного творчества, доложил заместитель председателя республиканского совета научно-технического общества Д.А.Исмагуллаев.

С докладом о научно-техническом прогрессе в стройиндустрии выступил заведующий отделом строительства Ферганского обкома партии А.Н.Шакиров. О связи академической и ВУЗовской науки и задачах производства говорили в своих выступлениях академик М.С.Саидов, член-корреспондент АН УзССР Н.Сатимов.

О наболевших проблемах производства, о том, какой помощи они ждут от ученых, рассказали на заседании директор кокандского завода «Текстильмаш» Д.Х.Богданов, директор производственного объединения «Азот» М.В.Кутуев, директор Куvasайского фарфорового завода Т.И.Алимжанов, заместитель директора Ферганской шелкомотальной фабрики Г.Ф.Шевченко, директор Ферганского масложиркомбината Р.А.Ахмедов. Преподаватели ФерПИ С.И.Исмаилов, Н.Д.Джаббаров, В.Е.Гердов и другие поделились мнением о путях укрепления связи ВУЗовской науки с производством.

В заседании совета приняла участие заведующая отделом науки и учебных заведений обкома партии С.Х.Хакимова.

После заседания его участники побывали в ферганской средней школе №1, где беседовали с учителями и старшеклассниками.

Ферганская правда 4 февраля 1987 года.

ЧТОБЫ СТАТЬ ИНЖЕНЕРОМ..

ЧЕМУ И КАК УЧИТЬ

Высшая школа призвана чутко и своевременно реагировать на запросы народного хозяйства в специалистах. Ведь одним из основных условий развития научно-технического прогресса является кадровая политика. Масштабы революционной перестройки выдвигают новые требования не только к качеству подготовки специалистов, но и формированию всесторонне развитой личности, воспитанию у студентов высоких политических и гражданских качеств.

Наш Ферганский политехнический институт готовит инженеров различного профиля. И если наши выпускники где-то на предприятиях действуют безинициативно, перестают обновлять, а вернее, повышать свои инженерные и экономические знания, то вина за это ложится на ВУЗ.

К сожалению, было время, когда мы заботились о высоких процентах успеваемости, снизили требовательность к уровню знаний студентов. Это приводило к тому, что на производство приходили посредственные специалисты. Поэтому сегодня для нас острейшая задача – это качество подготовки инженеров.

Высшее образование должно быть действительно высшим. Как решить эту задачу? Это прежде всего перестройка методов и стиля работы. Ныне все руководящие кадры института – от ректора до заведующих кафедрами – обязаны постоянно быть в студенческой аудитории, контролировать учебно-воспитательный процесс в академических группах и курсах. Кроме того, у нас создана специальная комиссия по проверке уровня знаний на различных курсах.

Для повышения качества подготовки инженеров разрабатывается и система привлечения ученых центральных ВУЗов и НИИ к учебно-воспитательной работе сроком на два месяца и более. Пересматриваются базы производственной практики, намечается перенос их в центральные города РСФСР, Украины, Белоруссии. Рассчитываем, что это позволит нашим студентам шире ознакомиться с новейшей техникой и технологией, организацией труда и внедрением достижений науки. Здесь и наглядная школа интернационального воспитания.

То, каким будет инженер, во многом определяется и отбором способной молодежи в ВУЗ – учиться должен тот, кто может и хочет. Мы решили закрепить кафедры института за средними школами области и проводить систематически профориентационную работу, а также выявлять наиболее способных и талантливых молодых людей для учебы в ФерПИ. Уже перед началом вступительных экзаменов этого года у нас были проведены предметные олимпиады, дни открытых дверей, репетиционные экзамены среди выпускников школ, собеседования преподавателей физики и математики. Все это позволило лучше узнать абитуриентов.

На вступительных экзаменах были обеспечены широкая гласность и своевременная информация по результатам устных и письменных работ. Четко работали квалификационная и апелляционная комиссии. Взаимные проверки письменных работ позволили в значительной степени повысить объективность оценки знаний.

В настоящее время при институте создан постоянно действующий координационный совет по связям со школами, заключены договора со средними школами №1 и №2 города Ферганы по профориентационной работе, улучшению физико-математической под-

готовки учащихся. Такие же договора готовимся заключить с рядом средних школ региона, где наши преподаватели математики, физики и химии будут вести индивидуальную работу по отбору абитуриентов. При институте уже действует заочная физико-математическая школа. Повышается и персональная ответственность экзаменаторов за последующую учебу студентов.

Намечено развитие договорных отношений между ВУЗами и предприятиями, предусматривающих повышение взаимной ответственности и заинтересованности высшей школы, отраслей экономики и научных учреждений как улучшения качества обучения и воспитания специалистов, так и в наиболее эффективном использовании выпускников ВУЗов. Если прежде производство обеспечивалось кадрами на безвозмездной основе, то теперь предприятия и организации будут нести определенную долю расходов, затрачиваемых на подготовку инженеров.

Одним из основных факторов повышения качества подготовки кадров является развитие интеграционных процессов. С этой целью в институте организованы учебно-производственные объединения с ПО «Азот», ферганскими механическим заводом, искусственных кож, текстильным комбинатом, Кувасайским цемент комбинатом. В этих рамках разрабатывается комплексная программа ускорения научно-технического прогресса на промышленных предприятиях и в строительных организациях города Ферганы.

Институт стал шире привлекать инженерно-технических работников предприятий к чтению лекций, к руководству курсовым и дипломным проектированием. Они проводят производственную и ознакомительную практику, выполняют совместные научные исследования с учеными института. Наш коллектив располагает высококвалифицированными кадрами ученых и специалистов, которые оказывают значительную помощь производству в решении конкретных вопросов повышения их технического уровня, производительности труда и качества выпускаемой продукции.

Следует сказать, что отныне ощутимая часть занятий будет перенесена непосредственно на производственную базу. А там, где это возможно и целесообразно, различные виды практического обучения намечено объединить в единый цикл. Мы сократили обязательные аудиторные занятия до 25–30 часов, чтобы расширить возможности самостоятельной работы студентов. Это сыграет большую роль не только в привитии творческого мышления обучающимся. Преподаватели же обязаны будут постоянно совершенствовать свои знания, расширять кругозор.

Одной из форм учебного процесса становится непрерывное использование ЭВМ в течение всего периода обучения студента. Для реализации дальнейшей программы мы начали подготовку преподавателей общетехнических дисциплин. Цикл обучения каждого заканчивается выпускной работой, содержащей разработку в области использования ЭВМ.

В институте ведется также определенная работа по идейному воспитанию студентов кафедрами общественных наук, партийной, профсоюзной и комсомольской организациями. Политические знания становятся жизненной необходимостью для современного инженера.

Ферганская правда 1 января 1988 года

ВПЕРЕДИ – КАЧЕСТВЕННО НОВЫЙ УРОВЕНЬ

Машиностроение Ферганской области характеризуется в основном предприятиями мелких и средних серий, такими как ферганские механический и завод «Газоаппарат», кокандские «Текстильмаш», «Электромаш» и маргиланские трактороремонтный, экспериментально-механический Минлегпрома и чугунолитейный заводы. Объем продукции, выпускаемой этими предприятиями, составляет 4 процента от общего объема промышленного производства области. Остальная часть падает на нефтехимическую и легкую промышленность.

